

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

46-сон
(1222)
2025 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

689. «Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенцияни (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ–1094-сон Қонуни
690. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ–1095-сон Қонуни
691. «Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартномани (Хўжанд, 2025 йил 31 март) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 14 ноябрдаги ЎРҚ–1096-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

692. «Америка-Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 ноябрдаги ПФ–210-сон Фармони
693. «Бизнес юритишни ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини содалаштиришга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 ноябрдаги ПФ–214-сон Фармони
694. «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 ноябрдаги ПК–336-сон қарори
695. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 13 ноябрдаги ПК–339-сон қарори

Учинчи бўлим

696. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида пулли хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 ноябрдаги 718-сон қарори
697. «Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 ноябрдаги 720-сон қарори
698. «Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 14 ноябрдаги 723-сон қарори

Бешинчи бўлим

699. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 24-oktabrdagi 25/3-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3294-3*)
700. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 27-oktabrdagi 26/10-son “Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3420-2*)

701. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 5-noyabrdagi 24-mh-son "Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3467-6*)
702. O'zbekiston Badiiy akademiyasi raisining 2025-yil 22-oktabrdagi I-108-son "Turkum ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3699*)
703. O'zbekiston Respublikasining Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 28-avgustdagi 1-son "Ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida "Tartibga solish qumdoni" maxsus huquqiy rejimi doirasida ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasi to'g'risidagi vaqtinchi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3700*)
704. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 17-oktabrdagi 01/11-14/45-son "O'zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (4-son RXMS) "Ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish"ni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3701*)
705. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самардорлиги агентлиги директорининг 2025 йил 3 ноябрдаги 5-2025-сон "Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3702*)
706. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 21-oktabrdagi 12-son "Dori vositalarining asosiy farmakologik ko'rsatkichlarini o'z ichiga oluvchi klassifikatorlarni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3703*)
707. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 298-son "Bojxona qiymati deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 12-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2868-4*)
708. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil

30-oktabrdagi 297-son va Soliq qo‘mitasining 2025-yil 15-oktabrdagi 2025-21-son “Yuqori byudjetdan quyi byudjetlarga o‘tkazib beriladigan daromadlarni rejalashtirish, ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2102-1*)

709. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2025 йил 5 ноябрдаги 95-сон “Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг «Давлат аудити» дастурий комплексидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3704*)

710. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самардорлиги агентлиги директорининг 2025 йил 11 ноябрдаги 6-2025-сон “Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати ҳамда Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3705*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**

689 Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги
глобал конвенцияни (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) рати-
фикация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
28 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 ноябрда
маъқулланган

Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенция
(Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 ноябрь,
ЎРҚ–1094-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ**690** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
17 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 августда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш, миграцияси соҳасида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга миграция соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш, ушбу соҳадаги хизмат кўрсатиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, шунингдек иш берувчилар ва ходимларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги ҳамда «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг ваколатларини аниқлаштиришга, хусусий бандлик агентликларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кенгайтиришга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлигини белгилашга ҳамда иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, миграция хизматларини рақамлаштириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш орқали хусусий сектор иштирокини рағбатлантиришга, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга, ташкилотларда иш унумдорлигини оширишга ва ходимларнинг даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар,

№ 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **50¹-модда иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **245-модданинг учинчи қисмидаги** «ушбу Кодекс» деган сўзлар «ушбу Кодекс 50¹-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **255-модданинг биринчи қисмидаги** «50¹» рақами чиқариб ташлансин;

4) қуйидаги мазмундаги **255¹-модда** билан тўлдирилсин:

«255¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигига ушбу Кодекснинг 50¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари ҳақлидир».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–501-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 489-модда, № 10, 595-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, 10-сонга илова; 2024 йил, № 2, 105-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларга ёзма шаклда билдириш берилиб, унда хусусий бандлик агентлиги томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мурожаат қилиш учун хусусий бандлик агентлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг почта манзиллари ва алоқа боғлаш учун телефон рақамлари кўрсатилади»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт минг баравари миқдоридagi маблағлар уларни лицензиянинг амал қилиш даврига Ўз-

бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг розилигисиз сарфламаслик ва маблағлар сарфланган тақдирда, белгиланган муддатларда уларнинг ўрнини тўлдириш шarti билан тижорат банкларидаги депозитларга захирага жойлаштирилади.

Тижорат банкларидаги депозитларга захирага жойлаштирилган маблағлар хусусий бандлик агентликлари қонун талаблари асосида фаолият кўрсатишининг кафолати бўлиб хизмат қилади ҳамда хусусий бандлик агентликларининг фаолияти натижасида бошқа шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш таъминоти сифатида тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ва хусусий бандлик агентликлари ўртасида тузилган шартнома асосида сақланади.

Хусусий бандлик агентликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг асосланган талабномаси бўйича тижорат банкларидаги депозитларга захирага жойлаштирилган маблағларни Миграция жамғармасига ўтказиб беради.

Хусусий бандлик агентликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг асосланган талабномаси белгиланган муддатда ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, тижорат банклари асосланган талабномада қайд этилган суммани депозитларга захирага жойлаштирилган маблағлардан Миграция жамғармаси ҳисобварағига кейинги иш кунидан кечиктирмай ўтказиб беради»;

2) 14-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишга жойлаштириш соҳасидаги ахборот ва маслаҳат хизматларини хусусий бандлик агентликлари ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатади. Ишга жойлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида хусусий бандлик агентликлари ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этадиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг умумий қиймати тижорат банкларидаги депозитларга захирага жойлаштирилган маблағлар миқдоридан ошмаслиги керак. Хусусий бандлик агентликлари томонидан ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги янги шартномаларни тузишга фақат улар илгари тузилган шартномаларни тижорат банкларидаги депозитларга захирага жойлаштирилган маблағлар доирасида бажарганидан кейин йўл қўйилади»;

3) 15-модда:

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари. Бунда иш қидираётган шахс томонидан хусусий бандлик агентлигига тўланадиган маблағларнинг банкдаги махсус депозитга қўйилиши тўғрисидаги қоида хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузиладиган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг мажбурий шarti ҳисобланади. Хусусий бандлик агентлиги шартнома шартларини бажарганидан кейин махсус депозитдаги маблағлар хусусий бандлик агентлигининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий бандлик агентлиги томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг «Хорijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади»;

4) **15¹-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шу жумладан хусусий бандлик агентлигининг ҳамда чет эллик иш берувчиларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун иш қидираётган шахс олдида солидар жавобгар эканлигини»;

5) **16-модда қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«иш қидираётган шахсларни касб-ҳунарга ва чет тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларини белгиланган тартибда ташкил қилиш, шунингдек ушбу жараёнга чет эллик иш берувчиларни жалб этиш;

захира қилинадиган маблағларни тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштириш ҳисобидан олинadиган фоиз даромадларини мустақил равишда тасарруф этиш»;

6) **17-модда:**

саккизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг «Хорijda ish» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиши»;

ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хусусий бандлик агентлиги, шунингдек унинг филиаллари ва (ёки) ваколатхоналари ҳақидаги маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигини етти иш куни ичида хабардор қилиши»;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хизмат кўрсатиш шартномалари бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаши шарт. Бунда суғурта суммаси миқдори хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома суммасига ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахснинг Ўзбекистон Республикасига қайтиш харажатларига мутаносиб миқдорда белгиланади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Хусусий бандлик агентлиги ўзи томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлаштирилган шахсларнинг меҳнат фаолиятини мониторинг қилиб боради.

Агар чет эллик иш берувчи талаб қилинган ижтимоий ва маиший шарт-шароитларни, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини таъминламаса ёки фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишига тўсқинлик қиладиган бошқа муаммолар юзага келса, хусусий бандлик агентлиги ушбу фуқарони бошқа чет эллик иш берувчида ишга жойлаштириш бўйича шошилинч чоралар кўриши ёки унинг Ўзбекистон Республикасига қайтарилишини таъминлаши шарт.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлар хусусий бандлик агентлиги томонидан бажарилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги фуқарони Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасига қайтариш чораларини кўради ва кейинчалик ушбу харажатларнинг ўрни хусусий бандлик агентлигининг тижорат банклари депозитларида захирага жойлаштирилган маблағлари ҳисобидан қопланади»;

7) 20-модда:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хусусий бандлик агентликлари фаолиятини очиқ, шаффоф ва тизимли баҳолаш мезонларини белгилайди ҳамда уларнинг рейтингини тузади»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий бандлик агентликлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг текширувларини (молия-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) ўтказиш ҳуқуқига эга. Бунда текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш тартибида ўтказилади. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини текшириш чоғида Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида»;

8) **21-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **22-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **23-модда:**

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги бешинчи — ўнинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«хусусий бандлик агентлигининг таъсисчилари ва (ёки) раҳбарлари таркибида фирибгарлик, одам савдоси, терроризм, экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар мавжуд эмаслиги, шунингдек ушбу жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар билан хусусий бандлик агентликлари томонидан меҳнат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузилмаслиги;

лицензияловчи орган белгилаган тартибда уч йилда камида бир марта юридик шахс ходимлари томонидан малака сертификатини олиши;

ушбу фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан хусусий ёки ижарага олинган бинога эга бўлиш, тегишли моддий-техника базасидан ва бошқа воситалардан фойдаланиш, шунингдек бинонинг ёнғин хавфсизлиги талабларига, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигини таъминлаш;

лицензия даъвогари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт минг баравари миқдоридagi маблағларни лицензиянинг амал қилиш даврига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг розилигисиз сарфламаслик ва маблағлар сарфланган тақдирда,

белгиланган муддатларда уларнинг ўрнини тўлдириш шarti билан тижорат банкларидаги депозитларга захирага жойлаштириш;

хизмат кўрсатиш шартномалари бўйича хусусий бандлик агентликларининг ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш бўйича амалдаги суғурта шартномалари ва суғурта полисларига эга бўлиш;

хусусий бандлик агентликларининг хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларида белгиланган мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини тижорат банклари депозитларида захирага жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг асосланган талабномасига асосан қоплаш»;

11) **24-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **28-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **29-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ўРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 818-модда, № 9, 958, 968-моддалар, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 5, 648-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **9-модда:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги (бундан буён матнда Миграция агентлиги деб юритилади)»;

иккинчи қисмидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 94-модданинг:

ўн саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн тўққизинчи — йигирма тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн саккизинчи — йигирма саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) 99 ва 100-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«99-модда. Миграция жамғармаси

Миграция жамғармаси юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилади.

Миграция жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Миграция жамғармасига ажратиладиган маблағлар;

чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар берганлик учун йиғимларнинг бир қисми;

Миграция жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари, ҳомийлик ёрдами, грант маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Миграция жамғармасига маблағлар тўлиқ ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлаш устидан назорат қилиш, шунингдек маблағларнинг шаклланиши ва келиб тушишини прогноз қилиш бўйича ҳисобни юритиш ҳамда ҳисобот тузиш Миграция агентлиги томонидан амалга оширилади.

Миграция жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик Миграция агентлигининг зиммасига юклатилади.

100-модда. Миграция жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Миграция жамғармаси маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга ва таҳқирланишга дучор бўлган, меҳнатга оид ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, яшаш учун маблағларсиз қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳат олган, бахтсиз ҳодисага учраган, оғир касалликка чалинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тиббий ёрдам кўрсатиш, башарти ушбу хизматлар қийматини уларнинг ўз маблағлари ёки тиббий суғурта ҳисобидан тўлаш имкони бўлмаган тақдирда;

меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жасадларини, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида майиб бўлган ёки оғир тан жароҳати олган фуқароларни олиб келиш;

аввал уюшган ҳолда танлаш доирасида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишга юборилган ва борган мамлакатнинг қонунчилигини бузганлиги учун чиқариб юборилган (депортация қилинган) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш, тўланган маблағлар ўрнини кейинчалик мазкур шахслар ҳисобидан қоплаш, шунингдек чет эллик иш берувчилар томонидан ишга жойлаштириш бўйича келишилган шароитлар билан таъминланмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда фуқароларнинг ҳаётини, соғлигини ва бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотининг ўрнини қоплаш учун суғурта компанияларига субсидиялар бериш;

фуқароларни (ёшларни) чет тилларга ўқитиш ва хорижий давлатларда ишлашга мақсадли тайёрлаш маркази, унинг филиаллари ҳамда кетиш олдидан мослаштириш марказлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек малакали чет эл педагог кадрларини маҳаллий таълим ташкилотларига жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касб-ҳунарга тайёрлаш ва чет тилларга ўқитиш, шунингдек уларнинг малакасини баҳолаш;

«Хорижда иш» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган ва уюшган ҳолда танлаш доирасида меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга хорижий тиллар ва (ёки) касб бўйича муваффақиятли топширилган малака имтиҳони харажатларини тўлаб бериш, шунингдек хорижга кетишга йўл чиптасини харид қилиш учун компенсация тўлаш;

ривожланган давлатларга уюшган ҳолда танлаш доирасида меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга «ишчи виза»ни расмийлаштириш харажатларининг ўрнини қоплаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштиришни кенгайтириш, ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларига доир ахборот-маърифий тадбирлар ўтказиш;

Миграция агентлигининг чет элдаги ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иш билан таъминланганлик ҳолатини улар ишга жойлашган жойларга борган ҳолда мониторинг қилиб бориш;

Миграция агентлиги ходимларини хорижий давлатларга узоқ муддатли хизмат сафарларига юбориш ва унинг хорижий давлатлардаги вакиллари сифатида жалб этилган шахслар фаолиятини молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларга ёрдам кўрсатиш учун туну кун ишлайдиган телефон орқали қўнғироқларни қабул қилиш маркази фаолиятини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштириш;

меҳнат мигрантлари учун вақтинча бўлиб турган мамлакатлари ва у ерда-

ги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш, ватандошлар билан онлайн мулоқот қилиш ҳамда пул ўтказмаларини амалга ошириш, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар билан боғланиш имконини берувчи мобил илова яратиш ва уни келгусида техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштириш;

Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқувчи ва мамлакатимиз ҳудудига кириб келувчи шахсларнинг аниқ ҳисобини юритиш имконини берувчи Ягона идоралараро электрон маълумотлар базасини яратиш ҳамда уни келгусида техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштириш;

уюшган ҳолда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқароларга ўн миллион сўмгача микрокредитлар ажратиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

инглиз, корейс, немис ва япон тиллари бўйича камида В1 ёки унга тенглаштирилган даражадаги халқаро сертификат олган битирувчилар сони энг кўп бўлган касбий таълим ташкилотларининг ва касбий кўникмалар марказларининг эллик нафар чет тили фани ўқитувчисига эллик миллион сўмдан субсидия бериш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларни молиялаштириш.

Миграция жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг ҳар бир йўналишига доир харажатларнинг лимитлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) 102-модданинг:

номидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 103-модданинг **иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар «Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 104-модданинг:

учинчи қисмидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Миграция агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Миграция агентлиги томонидан Хориждаги иш берувчилар реестри юритилиб, у Миграция агентлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади»;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг хусусий бандлик агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасига қайтарилиши таъминланмаган тақдирда, Миграция агентлиги фуқароларнинг мазкур хусусий бандлик агентлигининг тижорат банклари депозитига захирага жойлаштирилган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасига қайтарилишини таъминлаш бўйича чоралар кўради»;

7) 105-модда **биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Миграция агентлиги»;

8) **107-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **108-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар чоракда юқори малакали ва малакали мутахассисларнинг даромадларидан тўланган солиқлар суммаларини текшириш амалга оширилади»;

10) **111-модда:**

тўртинчи қисмидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **112-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 7, 627-модда, № 9, 964-модда; 2025 йил, № 2, 193-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **190-модданинг биринчи қисмидаги** «ва йилига бир юз йигирма соатдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **262-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш вақтидан ташқари ишнинг бир кундаги биринчи икки соати учун камида бир ярим ҳисса миқдорида, икки соатдан ортиқ қисми учун камида икки ҳисса миқдорида (меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда — ҳар бир соати учун камида икки ҳисса миқдорида) ҳақ тўланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Миграция агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 ноябрь,
ЎРҚ–1095-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

691 Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартномани (Хўжанд, 2025 йил 31 март) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
28 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 ноябрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартнома (Хўжанд, 2025 йил 31 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 ноябрь,
ЎРҚ–1096-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****692 Америка-Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро манфаатли савдо-инвестициявий ва тижорат алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишда ишларни самарали ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 — 6 ноябрь кунлари АҚШга ташрифи давомида «С5+1» саммити доирасида Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ва Америка томони билан келишган ҳолда АҚШ Президенти вакили ҳамраислигида Америка-Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этиш бўйича келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига Ўзбекистон томонидан Кенгаш таркибини, унинг регламентини ва фаолияти тартиб-таомилларини тасдиқлаш ваколати берилсин.

3. Белгилансинки, Кенгашга кўриб чиқиш учун киритиладиган қуйидаги масалаларни ишлаб чиқиш устувор ҳисобланади:

(а) стратегик бизнес ташаббуслар, йирик инвестиция ва савдо лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва келишилишини мувофиқлаштириш, шунингдек, улар амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш;

(б) Ўзбекистонга қўшимча инвестицияларни жалб этиш учун махсус инвестиция фондини яратиш, йирик инвесторлар сифатида Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC)ни ва Ўзбекистон томонидан ҳам инвесторларни белгилаш, шунингдек, муҳим инфратузилмавий ва стратегик лойиҳаларни молиялаштириш ва хатарларни тақсимлаш учун йирик молия институтларини (ЕТТБ, ХМК, ОТБ) жалб қилиш;

(в) тариф ставкаларини ўзаро пасайтириш масалалари бўйича музокара-ларни давом эттириш;

(г) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-парк) резидентлари бўлган компаниялар маҳсулотлари ва хизматларини тизимли равишда илгари суриш;

(д) мамлакатнинг инвестиция портфелини, шу жумладан, Ўзбекистон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

Республикаси Марказий банки валюта захирасининг бир қисмини ва бошқа активларини диверсификациялаш бўйича таклифлар киритиш.

4. Ташқи сиёсий ва давлат ташаббусларини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида 2026 йил 1 январдан Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси тузилмасига қўшимча маслаҳатчи-элчи — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг АҚШдаги вакили (кейинги ўринларда — маслаҳатчи-элчи) лавозими киритилсин. Белгилансинки:

(а) маслаҳатчи-элчи лавозимига тайинлаш ва ундан озод этиш, шунингдек, фаолияти регламентини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан амалга оширилади;

(б) маслаҳатчи-элчи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига ҳисобдор ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги дипломатик ваколатхонаси раҳбари фаолиятини икки томонлама муносабатларни ривожлантириш қисмида қўллаб-қувватлашга масъул ҳисобланади.

5. Маслаҳатчи-элчи зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) Ўзбекистон ва АҚШда йирик ва стратегик инвестиция ва савдо лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича тўғридан-тўғри ташаббус кўрсатиш ва муҳокама қилиш;

(б) Ўзбекистон томонидан Кенгаш ишини комплекс мувофиқлаштириш.

6. Инвестиция-савдо блокини мустаҳкамлаш ва ишбилармонлик ҳамкорлигини кенгайтириш, Кенгашнинг масала ва лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш, шунингдек, маслаҳатчи-элчиси фаолиятига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

(а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда уч ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси ходимлари штат бирлигини кўпайтириш тўғрисида таклиф киритсин;

(б) бир ой муддатда АҚШ ҳудудида қўшимча консулликлар очиш масаласини ишлаб чиқсин, бунда географик қамровни таъминлаш учун контингентга АҚШ тармоқларининг асосий хаблири билан ишловчи ходимлар ва мутахассисларни киритсин ҳамда ватандошлар йирик диаспоралари энг кўп тўпланган ҳудудларни (Филадельфия, Чикаго, Орlando ва Сиэтл шаҳарлари) ҳисобга олсин.

7. АҚШнинг барча штатларида яшаб келаётган ўзбек диаспоралари билан самарали ҳамкорлик моделини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш — АҚШ ҳудудида янгидан ташкил этилаётган консулликларнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилансин.

8. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб хорижий корхоналарнинг устав фондини шакллантириш (ёки капиталда иштирок этиш) учун АҚШдаги инвестиция фаолияти бўйича резидентлар операциялари — Ўзбекистон Республикасидаги банкларда резидентлар ҳисобларидан пул маблағларини ўтказиш, АҚШдаги филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш чекловларсиз, резидентлар ҳисобларидаги маблағлар доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда қонунчилик

ҳужжатларига мазкур банд талабларидан келиб чиқадиган ўзгартиришлар киритсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда даромадни ошириш мақсадида Кенгашга энг фойдали ва юқори ликвидли, шу жумладан, АҚШда жойлашган активларга йўналтириш учун мамлакатнинг инвестиция активлари ва валюта захиралари тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

(а) икки ҳафта муддатда Америка томони билан биргаликда доимий офиси АҚШда бўлган Кенгашнинг ижро органи ходимлари доимий штатини, шу жумладан, АҚШ мутахассисларидан иборат таркибда шакллантириш масаласини ўрганиб чиқсин;

(б) йигирма кун муддатда Ўзбекистон томонидан Кенгашнинг регламенти ва фаолияти тартиб-таомилларини тасдиқлаш учун киритсин;

(в) бир ой муддатда:

(i) Ўзбекистон томонидан Кенгаш таркибини, шу жумладан, унга Америка ишбилармонлик ва инвестиция ҳамжамияти нуфузли вакилларини жалб қилган ҳолда тасдиқлашга киритсин;

(ii) Америка томони билан Инвестицияларни ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим бўйича музокаралар бошласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 ноябрь,
ПФ–210-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

693 Бизнес юритишни ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очик мулоқотида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, бизнесни бошлашда давлат хизматларини комплекс тарзда кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсад

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб тадбиркорларнинг маъмурий харажатларини 90 миллиард сўмгача қисқартириш, шунингдек, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик жараёнларида 15 кунгача вақтини тежаш белгилансин.

II. Бизнесни комплекс тарзда рўйхатдан ўтказиш тизимини жорий этиш

2. 2026 йил 1 январдан бошлаб «Бизнесни 15 дақиқада бошлаш» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги хизматларни кўрсатиш тартиби жорий этилсин:

(а) электрон рақамли имзо калитини бериш;

(б) банк ҳисобварақларини очишга ариза топшириш ҳамда уларни фаоллаштириш;

(в) айрим фаолият турлари бўйича лицензия, рухсатнома олишга ариза ёки хабарнома юбориш;

(г) кўчмас мулк ижара шартномасини расмийлаштириш;

(д) қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномасини олиш (солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда гувоҳнома бериладиган солиқ тўловчиларга);

(ж) онлайн назорат-касса машиналарини онлайн равишда харид қилиш ва уларни солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш;

(з) юридик шахс раҳбарини тайинлаш ва уни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобга қўйиш.

3. Белгилансинки, «Бизнесни 15 дақиқада бошлаш» тамойили доирасида:

(а) тадбиркорлик субъекти ҳар бир хизматдан ўз танлови асосида ихтиёрий равишда фойдаланади;

(б) танланган хизматлар бўйича ягона QR код орқали тўловни амалга ошириш имконияти яратилади.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) якка тартибдаги тадбиркорларга фирма номига эга бўлишга рухсат берилади;

(б) тадбиркорлик субъектларининг бирламчи маълумотлари (исми, фамилияси, отасининг исми, фирма номи, манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва х.к.) ўзгарганда ушбу маълумотлар бўйича ўзгартиришлар якка тартибдаги тадбиркор гувоҳномасига, лицензия, рухсатнома ва хабарномаларга автоматик тарзда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан бепул киритилади. Бунда:

(i) якка тартибдаги тадбиркорнинг исми, фамилияси ва отасининг исми ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар — Ички ишлар вазирлигининг «ID-карта» автоматлаштирилган ахборот тизимидан;

(ii) бошқа маълумотлар — Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимидан ўрнатилган тартибда реал вақт режимида «Лицензия» ахборот тизимида тақдим этилади.

III. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш

5. 2026 йил 1 мартдан бошлаб:

(а) лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахсларга жазима қўлланилганда, уларнинг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби бекор қилинсин;

(б) «Лицензия» ахборот тизимида лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олишда қўйидагиларни назарда тутувчи ихтиёрий дастлабки баҳолаш хизмати йўлга қўйилсин:

(i) дастлабки баҳолаш доирасида талабгор лицензия ёки рухсатнома олиш учун харид қилиши режалаштирган бино-иншоотлар, моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, ёллаш кўзда тутилган ходимлар тўғрисидаги ҳамда бошқа маълумотлар лицензия ва рухсат бериш талаб ҳамда шартларига мувофиқлиги ўрганилади ва тегишли хулоса берилади;

(ii) дастлабки баҳолаш хизмати 20 кундан ошмаган муддатда кўрсатилади ва тегишли лицензия ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатни беришда аризани кўриб чиққанлик учун тўланадиган йиғимдан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундирилади.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

6. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юқини камайтириш ҳамда бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича «йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур Фармоннинг мақсади, вазифалари ҳамда ундан кути-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

8. Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Ж. Ташкулов белгилансин.

10. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 ноябрь,
ПФ–214-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

694 Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида*

Давлат тиббиёт муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) тиббиёт ва фармацевтика ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш;

(б) аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатаётган фидойи ходимларга қўшимча рағбатлантириш чораларини жорий этиш;

(в) истиқболли ёш мутахассислар ўз касбий малакасини ошириб бориши учун қўшимча имкониятлар яратиш;

(г) «шифокор — аҳоли саломатлиги посбони» шиори остида жамиятда уларнинг нуфузини ошириш.

II. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини молиявий қўллаб-қувватлаш

2. 2026 йилдан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари ходимлари «Тиббиёт ходимлари куни» муносабати билан Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантирилсин.

3. Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан ҳар йили қуйидаги номинациялар бўйича танлов ўтказилсин:

(а) «Энг яхши республика шифохонаси раҳбари», «Энг яхши ҳудудий соғлиқни сақлаш органи раҳбари»;

(б) ҳар бир ҳудудда:

(i) «Энг яхши туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш органи раҳбари», «Энг яхши оилавий поликлиника раҳбари», «Энг яхши туман (шаҳар) шифокори» ва «Энг яхши туман (шаҳар) ўрта тиббиёт ходими»;

(ii) «Энг яхши оилавий поликлиника», «Энг яхши туман (шаҳар) шифохонаси» ва «Энг яхши ҳудудий шифохона».

4. Белгилансинки:

(а) танлов натижалари асосида ғолиблар қуйидаги миқдорларда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан бир марталик рағбатлантирилади:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 ноябрда эълон қилинган.

- (i) тиббиёт муассасалари — 500 миллион сўм;
- (ii) тиббиёт ва раҳбар ходимлар — 30 миллион сўм;

(б) танлов ғолиблари Тиббиёт ходимлари куни арафасида эълон қилинади, уларни давлат мукофотларига тавсия этиш ҳамда хориждаги нуфузли таълим ва илмий ташкилотларда Жамғарма маблағлари ҳисобидан менежерлик ва бошқа замонавий дастурлар асосида ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади;

(в) «Энг яхши республика шифохонаси раҳбари», «Энг яхши туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш органи раҳбари» ва «Энг яхши оилавий поликлиника раҳбари» номинациялари бўйича танлов ғолиблари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан тақдирлашга тавсия этилади.

5. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларининг иш вақти режими беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилсин. Бунда тиббиёт муассасалари иш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш учун байрам ва дам олиш кунлари навбатчилик асосида ишлаш йўлга қўйилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларида Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

(а) туман (шаҳар) даражасида янги даволаш усулларини жорий қилган ва унинг ижобий самарасига эришган туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари шифокорларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти берилади;

(б) давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фарзандларига республика ҳудудидаги олий таълим ташкилотларида бакалаврият таълим йўналиши бўйича йиллик контракт суммасининг 30 фоизи миқдоридаги, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмайдиган қисми қоплаб берилади;

(в) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи ва юқори импакт-факторли журналларда мақолаларни чоп этиш билан боғлиқ харажатлари тўлиқ қоплаб берилади;

(г) ҳар йили давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган 500 нафар тиббиёт ва фармацевтика ходимларини уй-жой билан таъминлаш учун ипотека кредити асосида сотиб олинadиган уй-жойнинг дастлабки бадал тўловининг 25 фоизи қоплаб берилади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг миллий аккредитациядан ўтган давлат тиббиёт муассасалари ходимларига 2026 йил 1 январдан бошлаб лавозим маошининг 10 фоизи миқдорида ойлик устама тўлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимларига қуйидаги қўшимча имтиёзлар берилсин:

(а) давлат тиббиёт муассасаларида камида 3 йил иш стажига эга бўлган ходимларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йилда бир маротаба бепул юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

(б) давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган ходимларга Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда тиббиёт муассасасининг

маблағлари ҳисобидан бир йилда бир мартаба республика ҳудудидаги санаторийларга бепул йўлланма бериш;

(в) барча турдаги давлат хизматлари учун тўловлар миқдорини икки баробар камайтириш.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорда белгиланган имтиёзларни қўллаш ҳамда танлов ғолибларини аниқлаш бўйича мезон ва тартиб-таомилларни тасдиқлаш чораларини кўрсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2026 йилдан бошлаб:

(а) мазкур мақсадлар учун ҳар йили Жамғармага қўшимча индексация қилиб бориладиган 100 миллиард сўм маблағ ажратсин;

(б) Давлат бюджети параметрларида мазкур қарор билан белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларнинг кўзда тутилишини таъминласин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров белгилансин.

13. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг тиббиётни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Т.А. Алиева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 9 ноябрь,
ПҚ–336-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**695** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. 2025 йил 2 июлда Боку шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин унинг қоидалари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 13 ноябрь,
ПҚ–339-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

696 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида пулли хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда тиббиёт муассасаларида пулли тиббий хизмат кўрсатишни тартибга солиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, муассасаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан аҳолига сифатли пулли тиббий хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон қарорига мувофиқ аҳолининг кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлардан бепул фойдаланиши, оилавий шифокорнинг электрон йўлланмаси асосида текширувлардан ўтказилиши ва даволаниши, ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда, тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида пулли хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тиббиёт муассасаларида пулли хизматларни ташкил этиш ва тиббий хизматлар кўрсатиш тарифларини шакллантириш тартиби;

пулли асосда кўрсатилган тиббий хизматлардан келиб тушган маблағларни сарфлаш тартиби;

мижозларни қабул қилиш, улар билан шартномалар тузиш, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга пулли хизмат кўрсатиш тартиби.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

пулли тиббий хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган вақт ва унда бевосита қатнашадиган ходимлар сонини, пулли тиббий хизмат нархларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун пулли тиббий хизматларга қўлланиладиган устама миқдорлари, қўшимча хизмат турлари ва нархларини, шунингдек, пулли тиббий хизмат ва бир кунлик шифо ўрни нархини аниқлаш калькуляциясининг намунавий шакллари тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 ноябрь,
718-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 11 ноябрдаги 718-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
тизимидаги тиббиёт муассасаларида пулли хизмат кўрсатиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тизимидаги тиббий хизмат кўрсатадиган давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда — тиббиёт муассасалари) пулли тиббий ва қўшимча хизматлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом:

Вазирлик тизимидаги нотиббий фаолият билан шуғулланувчи давлат муассасалари, нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳамда Вазирлик тизимида бўлмаган тиббиёт ташкилотлари учун тавсиявий тусга эга ҳисобланади;

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 октябрдаги 826-сон қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг намунавий уставига мувофиқ фаолият юритувчи тиббиёт марказлари га нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бевосита харажатлар — хизмат кўрсатиш жараёнида сарфланадиган ва хизмат бирлиги таннархига бевосита тегишли ишлаб чиқариш ресурслари;

билвосита харажатлар — хизмат кўрсатиш вақтида билвосита сарфланадиган, хизмат турлари қийматини ҳисоблаб чиқаришда бевосита қўл-лаш имкони бўлмаган ресурслар;

калькуляция — кўрсатиладиган хизматларга сарфланадиган харажатларнинг пулдаги қийматини аниқлаш мақсадида бир ёки бир неча хизматлар учун тузиладиган ҳисоб-китоб ҳужжати;

мижоз — касаллиги бор ёки йўқлигидан ва соғлиғининг ҳолатидан қатъи назар, унга ёрдам кўрсатилаётган ёхуд тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган жисмоний шахс;

нархнома — калькуляция асосида амалдаги тартибда ҳисоб-китоб қи-

линиб, тиббиёт муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган тиббий хизматлар нархлари акс эттирилган тизимли ҳужжат;

рентабеллик (фойда) — соф фойда суммасини хизматлар таннархига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқиладиган фойдалилик нисбий кўрсаткичи;

тариф (нарх) — тиббий хизматлар бирлигининг пул кўринишидаги қиймати;

таннарх — маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)да фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек, товарлар ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймати;

хронометраж — қонунчилик ҳужжатлари билан тасдиқланган миқдорларда ёки бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, тиббиёт муассасасидаги юқори малакали мутахассислардан иборат ишчи комиссия ёки таклиф этилган тегишли мутахассислар томонидан аниқланган тиббий хизмат кўрсатишда қатнашадиган мутахассисларнинг сони ва унга сарфланадиган вақтни белгиловчи ҳужжат;

қўшимча хизматлар — тиббиёт муассасалари томонидан асосий тиббий хизматлар таркибига киритилмаган, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган, мижознинг хоҳишига кўра унга кўрсатиладиган қўшимча пулли хизматлар.

3. Тиббиёт муассасасига мижоз режали тиббий ёрдам олиш учун тегишли йўлланмасиз, бевосита ўз ихтиёри билан мурожаат қилган тақдирда, тиббий ёрдам белгиланган тартибда пулли асосда кўрсатилади (шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам бундан мустасно).

4. Давлат томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кафолатланган пакет доирасида бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлардан ташқари хизматлар қўшимча ҳисобланади ва пулли асосда кўрсатилади.

Бунда давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда тегишли бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига бириктирилмаган ва (ёки) оилавий шифокорнинг электрон йўлланмаси асосида мурожаат этмаган шахсларга тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилади.

2-боб. Тиббиёт муассасаларида пулли хизматларни ташкил этиш ва тиббий хизматлар кўрсатиш тарифларини шакллантириш тартиби

5. Тиббиёт муассасаларида асосий иш вақти ва ундан ташқари вақтда кафолатланган пакет доирасида бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар иш ҳажми, сони ва сифатига таъсир этмаган ҳамда доимий равишда муассасада мавжуд тиббий жиҳозларидан фойдаланган ҳолда, бепул ва пулли асосда куну-тун тиббий хизмат кўрсатилади.

Бунда тиббиёт муассасаларида бюджет маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан қабул қилинган тиббий жиҳозларидан пулли хизмат асосида фойдаланишга рухсат берилади.

6. Кафолатланган пакет доирасида бепул кўрсатиладиган тиббий хизмат-

лар иш ҳажми, сони ва сифатига салбий таъсир этмаган, шунингдек, ушбу хизматни кўрсатишнинг устуворлиги сақланган ҳолда, пулли хизматлар муассаса биносида, жойларга чиққан ҳолда бошқа муассасаларда шартнома асосида, ходимни жалб қилиш ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шаклларда кўрсатилиши мумкин.

7. Пулли хизматларни ташкил этишда кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар ҳисобини алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида юритиш, биоларнинг кириш қисмларида пулли хизматлар бўйича ахборот бурчаклари, қулай жойлашувда жойлашган тўлов кассалари ҳамда хизмат нархлари юзасидан тасдиқланган калькуляциялар мавжуд бўлиши лозим.

8. Тиббиёт муассасалари раҳбарлари пулли хизматларни ташкил этишда қуйидаги ваколатлардан фойдаланади:

а) ҳар йили Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини тузиш бўйича белгиланган тартибга ўхшаш тартибда даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

б) пулли тиббий хизмат кўрсатишга сарфланадиган вақт ва унда бевосита қатнашадиган ходимлар сонини, пулли тиббий хизмат нархларини (давлат томонидан нархлари тартибга солинадиган, базавий ҳисоблаш миқдорида боғланган тиббий хизматлар бундан мустасно), бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун пулли тиббий хизматларга қўлланиладиган устама миқдорлари, қўшимча хизмат турлари ва нархларини Вазирлик томонидан тасдиқланадиган намунавий шакллар асосида белгилайди;

в) ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқлайди;

г) муассасанинг қуввати доирасида бўлинмалар ихтисослашувини, даво ўринлари ҳамда ходимлар сонини иш ҳажмига мувофиқ белгилайди;

д) штатлар жадвалини тасдиқлайди ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (тиббиёт ходимлари учун давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тариф сеткаси) бўйича базавий лавозим маошларидан, миқдори чекланмайдиган устама, мукофот, рағбатлантириш ва бошқа ички ҳужжатларда назарда тутилган тўловлардан келиб чиққан ҳолда, ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш (кейинги ўринларда — меҳнатга ҳақ тўлаш) миқдорларини белгилайди.

Бунда қўшимча хизматларнинг турлари ва нархлари ички баённома расмийлаштирилган ҳолда, шунингдек, бажарилган ишлар ҳажми, сифати, мураккаблик даражасига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари табақалаштирилган ҳолда тиббиёт муассасаси томонидан тасдиқланади.

9. Ходимлар асосий иш жойи ёки ўриндошлик асосида ишга қабул қилинади ёки иш ҳажми инobatга олинган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномалар асосида хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Бунда қонунчилик ҳужжатларида соғлиқни сақлаш тизимидаги муас-

сасалар учун ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тасдиқланган штат меъёрлари тавсиявий ҳисобланади.

10. Тиббий хизмат бирлиги тарифи (шифокор маслаҳати, муолажалар, текширувлар, хирургик амалиёт ва бошқалар)ни аниқлаш бўйича пулли хизмат калькуляцияси Вазирлик томонидан тасдиқланадиган намунавий шакллар асосида ҳисобланади.

11. Пулли хизмат кўрсатиш жараёнидаги иштирокидан келиб чиқиб, хизмат таннархидаги харажатлар бевосита ва билвосита турларга ажратилади.

12. Бевосита харажатлар қуйидагилар ҳисобланади:

а) бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари — хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита қатнашадиган шифокор ва ўрта тиббий ходимларнинг, шунингдек, стационар шифо ўрни нарҳини ҳисоблашда тегишли йўналиш бўйича (жарроҳлик, терапия, реанимация) стационар бўлимдаги бевосита хизмат кўрсатувчи асосий тиббиёт ходимлари — шифокор, ўрта ва кичик тиббий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тўловлари киритилади. Бунда асосий тиббиёт ходимлари таркиби ҳар бир бўлим бўйича хронометражда алоҳида белгиланади;

б) бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ижтимоий солиқ тўловлари;

в) бевосита материал харажатлари — хизмат кўрсатиш жараёнида бўлинган ҳолда ёки доимий қўлланадиган кам қийматли дори воситалари, сарфлаш материаллари ва бошқа ашёлар.

13. Билвосита харажатлар қуйидагилар ҳисобланади:

а) билвосита харажатларни ҳисоблашда пулли хизмат билан боғлиқ қуйидагилар харажатлар киритилади:

маъмурий-бошқарув, хўжалик, техник, бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларида кўзда тутилмаган ходимлар ҳамда бошқа ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий солиқ бўйича тўловлари;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига асосан байрам кунлари ҳамда «Тиббиёт ходимлари куни» муносабати билан барча ходимларга бериладиган мукофотлар, ижтимоий нафақалар ва бошқа бир марталик ҳамда бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларида кўзда тутилмаган тўловлар;

хизмат сафари харажатлари;

коммунал хизматлар харажатлари;

сақлаб туриш, жорий таъмирлаш ва ижара бўйича харажатлар, шу жумладан, молиявий манбаидан қатъи назар, хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган ер майдони, бино, транспорт, мебель, жиҳоз, техника ва шу кабиларни сақлаб туриш, жорий таъмирлаш харажатлари;

товар-моддий айланма воситаларининг захиралари харажатлари, шу жумладан, товар-моддий захиралар, қоғоз ва бошқа матбаа маҳсулотлари, кийим-кечак, чойшаб ва бошқалар;

товар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар, жумладан, асо-

сий воситаларни ижарага олиш, ўқитиш, телефон, телекоммуникация, ахборот хизматлари ва бошқалар;

бошқа турли харажатлар пулли хизмат кўрсатиш жараёнига боғлиқлигидан келиб чиқиб киритилади. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда соғлиқни сақлашнинг янги модели жорий этилган тажриба-синов ҳудудларидаги соғлиқни сақлаш бўлимларига йўналтирилладиган мажбурий тусдаги ажратмалар, озиқ-овқат, муассаса томонидан беморларни таъминлаш учун пулли асосда шифохонага кирим қилинган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар шунингдек, асосий воситалар бўйича харажатлар киритилмайди;

асосий воситаларнинг эскириш харажатлари. Бунда асосий воситаларнинг эскириш харажатларини ҳисоблашда пулли хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ҳамда бюджетдан ташқари бошқа манбалар ёки қайтариш манбаи бюджетдан ташқари маблағлар бўлган ссуда асосида харид қилинган, Давлат бюджети, беғараз, мурувват, ҳомийлик ёрдами ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларнинг калькуляцияси ишлаб чиқилладиган давридаги йиллик эскириш харажатлари киритилади;

б) билвосита харажатлар улуши — жами билвосита харажатлар хизмат кўрсатишдаги жами бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига тақсимлаш орқали фоиз ҳисобида аниқланади.

Бунда билвосита харажатлар бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва улар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ижтимоий солиқ тўловлари йиғиндисига нисбатан 200 фоиздан ошмаган ҳолда киритилади.

14. Пулли хизмат жойларга чиқиб, бошқа муассасаларда шартнома асосида, ходимни жалб қилиш ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шаклларда кўрсатилган ҳолларда, жойига чиқиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, транспорт, овқатланиш, сафар харажатлари хизмат таннархига киритилади.

15. Даромад манбалари икки ва ундан ортиқ муассасаларнинг билвосита харажатларини ҳисоблашда имтиёзли ва пулли асосдаги беморларга умумий сарфланадиган харажатлар, масалан, умумий фойдаланадиган коммунал хизмат харажатларини алоҳида ҳисоблаш имкони бўлмаса, умумий ҳажмдаги улушдан келиб чиқиб, пропорциялаш орқали (ушбу турдаги фаолиятни амалга оширишда фойдаланиладиган ҳажм кўрсаткичлари, ташрифлар сони, эгалланган майдон, даромад ҳажми ва бошқалар) аниқланади. Харажатларни бундай тақсимлаш тартиби тиббиёт муассасасининг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

16. Солиқ тўловларидан озод этилган тиббиёт муассасалари маҳсулот (ишлар, хизматлар) харид қилишдаги солиқ (ҚҚС ва бошқалар) миқдори пулли тиббий хизмат таннархи таркибига киритилади.

17. Пулли тиббий хизматларга тарифларни шакллантиришда рентабеллик (фойда) қўлланади.

Беғараз ёрдам доирасида балансга олинган тиббий жиҳозлардан пулли

хизмат кўрсатишда фойдаланиш донорлар билан ҳамкорлик тўғрисидаги битим, келишув, шартнома ёки дастур шартларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда беғараз ёрдам доирасида балансга олинган тиббий жиҳозлардан пулли хизмат кўрсатишда фойдаланилганда рентабеллик (фойда) қўлланилмайди.

18. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда соғлиқни сақлашнинг янги модели жорий этилган тажриба-синов ҳудудларидаги соғлиқни сақлаш бўлимларига йўналтириладиган юқори турувчига ажратмалар калькуляцияларда алоҳида киритилади.

19. Пулли хизмат тарифлари иш ҳақи миқдори, коммунал хизматлар, материал харажатларнинг ортиши, асосий воситаларнинг эскириш харажатлари ва қонунчиликдаги ўзгаришлар муносабати билан ёки бозор конъюнктурасидан ҳамда аҳолининг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, даромадлар ва харажатлар сметасини ўзгартирган ҳолда қайта тасдиқланади.

Тиббиёт муассасалари томонидан пулли хизматлар тарифлари қайта тасдиқланган тақдирда, юқори турувчи соғлиқни сақлаш бошқарув органлари хабардор қилинади ҳамда Вазирлик ёки муассасанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

20. Хирургик амалиёт калькуляцияси вақтбай тарификация қилинган ҳолларда, бажарилган ишлар далолатномасини тузиш жараёнида хирургик амалиёт учун ҳақиқатда сарфланган вақтдан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

21. Ҳазна операциялари бўйича ҳисоботларнинг ҳамда мижозлар билан ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилиши учун ишлаб чиқилган нархлар вергулга қадар бўлган икки хонали сон аниқликда беморлар фойдасига яхлитланади.

3-боб. Пулли хизматлардан тушган маблағларни сарфлаш тартиби

22. Пулли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар кўрсатилган пулли хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади.

23. Ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда муассасанинг ички ҳужжатлари (мазкур Низом доирасида жамоа шартномаларида, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда қабул қилинган ҳужжатлари) асосида иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ тиббиёт муассасаларининг даромадлари доирасида тўланади.

Бунда асосий иш вақти ва ундан ташқари куну-тун тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилган тиббиёт муассасаларида пулли хизмат бўйича иш ҳақи тўловлари ушбу Низомга асосан тўланади. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловлар тасдиқланган калькуляцияларда ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган миқдорларга мувофиқ тўланади.

24. Ходимларга вақтбай, ишбай ёки меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа мезонларга кўра ҳақ тўланади.

25. Тиббиёт муассасасида раҳбар ва ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловларни тўлаш шартлари ва миқдорлари, шунингдек, ходимларни ишга жалб этиш мезонлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муассасанинг ички ҳужжатларида акс эттирилади.

Бунда пулли хизматлар кўрсатиш прогноз параметрларининг бажарилиши, турдош функцияларнинг ўзлаштирилиши ёки янги турдаги хизматларнинг жорий этилиши, инновацион иш услуги ва ижро интизомига қатъий риоя қилиниши, юқори самарадорлик ва натижадорликка эришилиши, «устоз-шогирд» анъаналарининг амалиётга татбиқ этилиши каби асосий мезонлар инobatга олинади.

26. Пулли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар (иш ҳақи, қўшимча ва устамалар, дори ва сарфлов воситалари, коммунал хизматлар ҳамда улар учун тўловлар, сақлаб туриш, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатлар) олинган даромадлар ҳисобидан қопланади.

27. Тиббиёт муассасаларининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот даври (чорак) якуни бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқи тегишлилиги бўйича Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварағига ўтказилади (бюджет маблағлари олувчи тиббиёт муассасалари бундан мустасно).

4-боб. Мижозларни қабул қилиш, улар билан шартномалар тузиш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга пулли хизмат кўрсатиш тартиби

28. Мижоз тиббиёт муассасаларининг рўйхатга олиш бўлимлари томонидан қабул қилинади ва рўйхатга олинади ҳамда ҳар бир мижознинг тиббий картасига унинг шахсини тасдиқловчи маълумотлари асосида пулли хизмат кўрсатилиши белгиланади.

29. Мижозлар тиббиёт муассасасига тўловни олдиндан тўлиқ тўлаш шартларида қабул қилинади. Ҳақ тўлаш банк шохобчаси ёки тиббиёт муассасаларининг назорат-касса (терминал) аппаратлари қўлланган ва қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланадиган бланкалардан фойдаланган ҳолда, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали тўланади. Мижоз нақд пул ёки банк пластик картаси орқали тўловни тўлаган тақдирда, банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхасини ёки кассир томонидан мижознинг ҳақ тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов қоғозини рўйхатга олиш бўлимига топширади, касса изи туширилган чек мижознинг ўзида қолади, электрон тўловда эса фискал белгили чек тақдим этилади.

30. Кўрсатилган пулли хизматлар учун нақд ва банк пластик карталари орқали тўловларни тиббиёт муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тайинланган алоҳида ходим (моддий жавобгар шахс, фазначи) ёки банк тўлов

кассалари қабул қилади. Ушбу ходимлардан ташқари бошқа ходимларнинг тўловларни қабул қилишига йўл қўйилмайди.

31. Тиббиёт муассасаларига келган шахслар тасдиқланган нархнома бўйича ҳақ тўлагандан сўнг маслаҳат олиш учун мутахассис шифокорга ва (ёки) инструментал-лаборатор ташхис қўйишга юборилади ва текширув натижаларига кўра тор соҳа мутахассиси кўригига юбориш ва (ёки) мижозга амбулатор ёки стационар шароитда даволаниш чораси белгиланади.

32. Тиббиёт муассасасида амбулатор тиббий ёрдам кўрсатишда тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади. Бунда мижоз томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун олдиндан тўланган тўлов мижоз томонидан шартларга розилигини ҳамда келишув амалга оширилганлигини билдиради.

Стационар тиббий ёрдам кўрсатишда пулли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома икки ёки уч нусхада тузилади, уларни мижоз, унинг ҳомийси (тўловчи бўлганда) ва тиббиёт муассасаси раҳбари ёхуд мазкур функциялар меҳнат вазифаларига мувофиқ зиммасига юкланган ваколатли шахс имзолайди, шартномалар бир нусхадан мижозга ёки унинг ҳомийсига, шунингдек, тиббиёт муассасасининг ҳужжатлар йиғмажилдларида сақлаш учун берилади. Пулли асосда стационар хизматларни кўрсатиш учун хоналар (палаталар) алоҳида ташкил этилади.

33. Тиббиёт муассасасида овқатлантириш, дори воситалари ва тиббий жиҳозлар мижозга ҳақиқатда фойдаланилган ҳажмларда тўлов учун тақдим этилади.

34. Ташхислаш ва даволаш стандартларида назарда тутилмаган ташхислаш, даволаш амалиётлари:

мижозда қўшимча касалликлар аниқланганда, уларнинг ташхислаш ва даволаш харажатлари мижоз ёки унинг ҳомийси ҳисобидан;

кўрсатилган тиббий хизмат натижасида ёки мутахассисларнинг нотўғри ташхиси ва ҳаракатлари туфайли юзага келган асоратларни даволаш харажатлари тиббиёт муассасасининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

35. Мижоз билан тиббиёт муассасасидан чиқиш вақтида шартнома бўйича бажарилган ишлар далолатномасига асосан яқуний ҳисоб-китоблар ўтказилади ва мижозга далолатномадан нусха берилади, шунингдек, тўловлар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

36. Тиббиёт муассасаси билан мижоз ёки юридик шахслар ўртасида юзга келадиган эътирозлар, тортишувлар муассасанинг раҳбари ёки тегишли мансабдор шахси иштирокидаги ўзаро келишувга асосан, бундай келишувга эришилмаса суд органларида ҳал этилади.

37. Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун амалдаги тарифларга нисбатан устама қўлланади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республика-

си худудиди турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни тиббиёт муассасасига жалб қилишда воситачилик хизматларини кўрсатган юридик шахсларни шартномага мувофиқ оширилган тарифлар бўйича тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан рағбатлантириш мумкин.

38. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқдан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади ва уларга оширилган тарифлар қўлланилмайди.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

39. Тиббиёт муассасаларида пулли ва қўшимча хизматлар ташкил қилиниши, улар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилиши учун ушбу муассаса раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

40. Вазирлик тизимидаги муассасалар ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар тегишлилиги бўйича юқори турувчи органларга кўрсатилган хизматлар тўғрисида маълумотларни тақдим этади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлаш сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4007-сон қарорига асосан кўрсатилган пулли хизмат бўйича ажратмаларни бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирган ҳолда ўтказиб боради.

41. Тиббиёт муассасаси томонидан пулли хизматлар бўйича статистика, мониторинг, бухгалтерия ҳисоботлари юритилади, улар белгиланган тартибда ҳамда муддатларда статистика ва бошқа тегишли органларга белгиланган шаклларда топширилади.

42. Вазирлик тиббиёт муассасаларида пулли хизматлар ташкил этилиши юзасидан доимий мониторинг юритади. Йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, пулли хизмат кўрсатишни камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинча тўхтатиш бўйича қарор қабул қилади.

43. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**697 Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон Фармони билан тасдиқланган 2024 йилда давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхатида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва четдан олиб келинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш хизматини жорий қилиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат хизматини кўрсатиш, санитария-эпидемиология экспертизасини ўтказиш тартиби;

санитария-эпидемиологик хулоса бериш, уни ўзгартириш ва қайта расмийлаштириш, хулосанинг амал қилиши муддатини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби;

Санитария-эпидемиологик хулосалар реестрини юритиш.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январдан бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ давлат хизматининг давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Адлия вазирлиги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ушбу қарорга мувофиқ давлат хизмати кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров ва адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 13 ноябрь,
720-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 ноябрдаги 720-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига
санитария-эпидемиологик хулоса бериш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент тадбиркорлик субъектларига (юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар) давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Санитария-эпидемиологик хулоса Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган Санитария-эпидемиологик хулоса мажбурий тартибда олиниши лозим бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рўйхатидаги маҳсулотларга берилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи — озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишни сўраб мурожаат қилган тадбиркорлик субъектлари (юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар);

ваколатли орган — аккредитациядан ўтган лабораторияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари;

махсус экспертиза — аҳолининг ва алоҳида шахсларнинг соғлиғи ҳамда касалланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санитария-гигиеник турлари ва бошқа турлари, шунингдек, лойиҳа ҳужжатлари, техник ҳуж-

жатлар ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, ускуналар, асбоблар ҳамда аппаратларнинг, кимёвий моддалар, турли бирикмалар, материаллар ва муҳитларнинг, озик-овқат хомашёси ва маҳсулотларининг, саноат буюмлар, радиоактив материаллар, радиациявий техниканинг экспертизалари давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси муассасалари, илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ариза берувчининг маблағлари ҳисобидан ўтказиладиган экспертиза;

санитария-эпидемиологик хулоса — озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига (кейинги ўринларда — санитария қоидалари) мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

4. Санитария-эпидемиологик хулоса уч йил муддатга берилади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса маҳсулотнинг яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса — муддати кўрсатилмасдан берилади.

Айнан бир хил товарларга бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида санитария-эпидемиологик хулоса бир календарь йилдан ошмаган муддатга бир мартаба берилади.

5. Четдан олиб кирилаётган озик-овқат маҳсулотларининг ёрлиқларида қайд этилган маҳсулотнинг яроқлилик муддатлари Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи соҳага оид норматив ҳужжатларда қайд этилган яроқлилик муддатларидан фарқ қилган тақдирда, аккредитациядан ўтган лаборатория томонидан уларнинг қайд этилган яроқлилик муддатига мувофиқлиги ва хавфсизлик кўрсаткичларига синовлар ўтказилиб, ижобий баҳоланганидан сўнг республика ҳудудига олиб киришга рухсат этилади.

6. Болалар учун мўлжалланган озик-овқат маҳсулотлари, энергетик ичимликлар аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан токсикологик синовлардан ўтказилиб, хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича ижобий баҳоланганидан сўнг республика ҳудудига олиб кирилишига рухсат этилади.

7. Санитария-эпидемиологик хулоса санитария қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари бўлган маҳсулот турларига берилади.

8. Санитария-эпидемиологик хулоса қуйидаги ҳолатларда олиниши лозим:

янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганда;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркиби ўзгарганда;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик жараёнининг конструкциялари, жамланмалари ўзгарганда;

тажриба учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларга;

республика ҳудудига олиб кириладиган озик-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига;

маҳсулот ишлаб чиқариш учун берилган санитария-эпидемиологик хулосанинг амал қилиш муддати тугаганда.

9. Бир-бирини такрорловчи синовлар ўтказилишининг олдини олиш мақ-

садида аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан бошқа аккредитациядан ўтган лабораторияларнинг синов натижалари тан олинади.

10. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

11. Санитария-эпидемиологик хулосани бериш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага* мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

12. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Сўровнома ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда сўровнома иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни ваколатли органга тушган ва улар томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

Ариза берувчи ёки унинг номидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклда сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

13. Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда, уларнинг асл нусхаларидан олинган ҳолда илова қилинади:

а) ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларига:

технологик йўриқномаси ва рецептураси;

ваколатли органга тегишли бўлмаган ва бошқа лабораториялар томонидан аккредитациядан ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун синов баёнлари — синовлар ариза берилгунга қадар сўнгги бир ҳафта мобайнида ўтказилганда;

б) четдан олиб келинаётган маҳсулотларга:

айнан бир хил маҳсулот бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида четдан олиб келинаётган ҳолларда, ушбу ташқи савдо шартномаси (контракти) нусхаси;

маҳсул киритиладиган биологик актив моддалар ва озиқ-овқат қўшимчаларини олиб кириш ҳамда ишлаб чиқариш учун рухсатнома, агар уларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши учун ваколатли орган томонидан токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолаш асосида рухсатнома берилган бўлса;

халқаро аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун синов баёнлари;

ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда, нотариал тас-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

диқланган ишончнома (юридик шахс томонидан берилган ишончнома бундан мустасно).

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига ариза берувчи масъул ҳисобланади.

14. Четдан олиб келинадиган озиқ-овқат маҳсулотига санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштириб бериш бўйича сўровнома берилаётган вақтда маҳсулотнинг яроқлилик муддати умумий яроқлилик муддатидан 60 фоиздан кам бўлмаслиги шарт (ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган умумий яроқлилик муддатига нисбатан фоизда).

15. Сўровномага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

16. Давлат хизматини кўрсатиш учун ариза берувчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

17. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига мурожаат этилганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи — «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига ўтказилади.

18. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

19. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ўн дақиқада ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

20. Ваколатли орган сўровнома келиб тушгандан сўнг бир иш кун ичида сўровномада ва (ёки) ҳужжатларда хато-камчиликлар бўлмаса ҳамда тўлиқ тақдим этилган бўлса, махсус экспертиза ўтказилиши учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган тарифлар бўйича шакллантирилган инвойс рақамини Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

21. Инвойс ариза берувчига юборилганидан кейин унда кўрсатилган тўлов уч календарь кун ичида тўлиқ тўланмаган тақдирда, ваколатли орган махсус экспертиза ўтказишни рад этади.

22. Ваколатли орган томонидан тақдим этилган инвойс рақамига асосан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш бўйича тўловлар ариза берувчи томонидан тўланади.

23. Тўлов суммаси ушбу Регламентнинг 17-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

24. Ариза берувчи томонидан сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганда, ушбу Регламентнинг 13-бандида белгиланган ҳужжатлар тўлиқ илова қилинмаганда, ваколатли орган камчиликларни ва уларни бартараф этиш мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали мурожаат этилганда — ариза берувчига хабарнома юборади.

Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин беш иш кунидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Сўровноманинг такроран кўриб чиқилгани учун ушбу Регламентнинг 16-бандида белгиланган йиғим ундирилмайди.

Хабарномада кўрсатилмаган янги асослар билан сўровномани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи камчиликларни бартараф этиш хабарномасида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин мурожаат қилган тақдирда, сўровнома янги топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Бунда ариза берувчининг дастлабки мурожаатига камчиликларни бартараф этиш хабарномаси юборилганлигини инобатга олган ҳолда, кейинги мурожаатига камчиликларни бартараф этиш хабарномаси юборилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Ваколатли орган томонидан махсус экспертиза ўтказиш тартиби

25. Инвойсда белгиланган тўлов ариза берувчи томонидан тўлиқ тўлан-

ганидан кейин ваколатли орган томонидан уч иш куни ичида белгиланган тартибда маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси ёки маҳсулот сақланаётган объектнинг санитария қоидаларига мувофиқлиги юзасидан махсус экспертиза ўтказиш ҳамда лаборатория синовлари учун маҳсулотлардан намуналар олиш учун масъул санитария врач(лар)и (кейинги ўринларда — масъул санитария врач) тайинланади.

Масъул санитария врачлари бир иш куни ичида белгиланган тартибда маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси ёки маҳсулот сақланаётган объектни санитария қоидаларига мувофиқлиги юзасидан жойига чиққан ҳолда ўрганари ҳамда санитария-эпидемиологик текширув ўтказилгани ҳақида далолатнома расмийлаштириб, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан намуналар олиш бўйича далолатнома тузади ва лабораторияга намуна тақдим этади.

26. Махсус экспертиза ўтказилишида маҳсулот бўйича тақдим этилган ҳужжатларнинг маҳсулотларга мувофиқлиги таққосланади.

Шунингдек, маҳсулотларни ташишда қўлланадиган транспорт воситасининг санитария ҳолати (маҳсулот ташиш учун ихтисослаштирилгани, сақлаш режимига риоя қилиниши, маҳсулот ташиш учун яратилган шароит) ва маҳсулотларни сақлаш шароитларига ҳам баҳо берилади.

27. Маҳсулот идишлари, қадоқ материалларининг ҳолати бўйича қуйидагилар ўрганилади:

номи, шифри, нави, ТИФ ТН коди;

маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номи;

истеъмолга яроқлилиқ ва ишлаб чиқарилган муддати (яроқлилиқ муддати тугаган маҳсулотлар махсус экспертизадан ўтказилмайди);

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг рўйхат рақамлари;

маҳсулотларни сақлаш шароити, бузилиш аломатлари, зарарлангани, бегона ҳидларнинг бор ёки йўқлиги;

қадоқланган маҳсулотнинг бутлиги;

озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш, қадоқлаш материаллари, ёрдамчи материаллар хавфсизлик кўрсаткичларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормаларига жавоб бериши.

28. Маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси ёки маҳсулот сақланаётган объектнинг санитария қоидаларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида ушбу Регламентга 3-иловага* мувофиқ шаклда санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақида икки нусхада белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилади.

29. Масъул санитария врачлари томонидан маҳсулот намунасини йўналиши бўйича санитария-гигиена, радиацион гигиена, бактериология, вирусология, паразитология синовлари учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда олади ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили иштирокида ушбу Регламентга 4-иловага* мувофиқ шаклда озиқ-овқат маҳсулотларидан намуналар олиш бўйича икки нусхада далолатнома расмийлаштирилади.

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан намуналар олиш бўйича далолатнома масъул санитария врач ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакилининг шахсий имзоси билан имзоланади. Унинг бир нухаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига топширилади.

30. Масъул санитария врач томонидан намуналар тоза идишга жойланади, сурғучланади ва озиқ-овқат маҳсулотларидан намуналар олиш бўйича далолатноманинг бир нухасини ҳамда маҳсулот намунасини аккредитациядан ўтган лабораторияга тақдим қилинади.

Бактериологик синовлар учун олинган намуналар стерилланган идишда ёки оригинал ўрамда жўнатилади.

31. Олинган намуналар маҳсулот партиясини тўлиқ равишда акс эттириши лозим.

32. Тури бир хил, нави ва номланиши бир хил, бир сменада ишлаб чиқарилган ва технологик жиҳатдан бир хил ишловдан ўтган маҳсулот бир хил партия ҳисобланади.

Битта ишлаб чиқариш объектида тайёрланган, маълум ҳажм ва оғирликдаги, бир хил юк хати ва сифат сертификатига эга бўлган маҳсулот бир хил юк партиясини ҳисобланади.

33. Бир неча турдаги маҳсулотларга хулоса бериш даврида санитария врач тақдим этилган ҳужжатлар ва маҳсулотларни ўрганиб чиқиб, тури, нави, таркиби ва номланиши бир хил, бир сменада ишлаб чиқарилган, технологик жиҳатдан бир хил ишловдан ўтган, битта юк хатига эга бўлган маҳсулотлардан умумлаштириш йўли билан лаборатория синовлари ўтказиш учун намуналар олиши мумкин.

Мазкур талаб консервланган озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари, озуқавий қўшимчалар, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

34. Маҳсулотлар тури бўйича санитария қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда, хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича лаборатория мутахассислари (бактериолог, токсиколог, вирусолог, санитария-гигиеник, паразитолог, кимё, радиолог) томонидан 10 иш куни ичида синовлар ўтказилади.

35. Маҳсулотларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари санитария қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган усуллар бўйича аниқланади.

36. Тез бузилувчи маҳсулотлардан олинган намуна бўйича 2 соатлик муддат ичида синов бошланиши лозим.

37. Лаборатория синовлари ўтказилгандан сўнг маҳсулотлар қолдиғи 10 кун муддатгача лабораторияда сақланади, тез бузилувчи маҳсулотлар эса, яроқлилиқ муддати тугаганда йўқ қилинади.

38. Намуна қолдиқлари синов натижалари берилгунга қадар сақланиб, сўнг лаборатория раҳбари рухсати билан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Текширилган озиқ-овқат намуналарининг қолдиғи маҳсулот эгасига қайтарилмайди.

39. Ўтказилган синовларнинг, лаборатория текширувларининг ҳаққонийлиги ва сифатлилигига синовлар ўтказган лаборатория жавобгар ҳисобланади.

40. Ўтказилган лаборатория синови баённомаси синов ўтказилган маҳсулотнинг партиясига тааллуқли бўлади.

4-боб. Санитария-эпидемиологик хулосани бериш тартиби

41. Маҳсулот намуналарининг лабораториядаги синов натижалари асосида ушбу Регламентга 5-иловага* мувофиқ шаклда икки нусхада маҳсулот намуналарини текшириш баённомаси расмийлаштирилади ҳамда бир нусхаси масъул санитария врачига тақдим қилинади.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари санитария қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, бошқа ҳужжатларга мувофиқ деб топилганда масъул санитария врач томонидан ахборот тизимига, ушбу Регламентга 6-иловага* мувофиқ шаклда санитария-эпидемиологик хулосани электрон шаклда жойлаштирилади.

42. Лаборатория синови баённомаси, санитария-эпидемиологик текширув ўтказилгани ҳақидаги далолатномалар маҳсулотнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига мувофиқлиги тўғрисида санитария-эпидемиологик хулоса бериш учун асос бўлади.

43. Ваколатли орган санитария-эпидемиологик хулосани QR-код (матрикс штрихли код) орқали тасдиқлайди ҳамда бир иш кунда Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда эса ариза берувчининг шахсий кабинетига юборди.

44. Давлат хизматлари маркази санитария-эпидемиологик хулоса ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг бир соат ичида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборди ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра, Давлат хизматлари маркази ариза берувчига санитария-эпидемиологик хулоса ва унга илова қилинган ҳужжатларни электрон ёки қоғоз шаклида тақдим этиши мумкин.

5-боб. Санитария-эпидемиологик хулосани беришни рад этиш

45. Ўтказилган лаборатория синовлари натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ёки четдан олиб келинаётган маҳсулотлар истеъмол қилишга ҳамда фойдаланишга яроқсиз деб топилган тақдирда, масъул санитария врач томонидан бир иш кунда икки нусхада санитария-эпидемиологик текширув ўтказилгани ҳақида далолатнома тузилади.

Бунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки уни олиб келувчи тўғрисидаги маълумотлар, маҳсулотининг қаердан келтирилгани, номи ва тури, оғирлиги, микдори, тўплами, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, маҳсуло-

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тининг кадоқ тури, ушбу маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга номувофиқлиги кўрсатилади.

46. Тузилган санитария-эпидемиологик текширув ўтказилгани ҳақида да-лолатнома ва ҳужжатлар тўплами PDF форматда масъул санитария врач-и томонидан ваколатли органнинг ахборот тизимига жойлаштирилганидан сўнг ваколатли орган санитария-эпидемиологик текширув ўтказилгани ҳақида да-лолатнома асосида икки иш куни ичида истеъмолга яроқсиз деб топилган озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш ёки республи-кага олиб киришни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

47. Истеъмолга яроқсиз деб топилган маҳсулот турига қараб, тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда қайта ишлаш ёки йўқ қилиш усули ва шартлари белгиланади. Истеъмолга яроқсиз деб топилган маҳсулотдан қайта ишлашда фойдаланиш ёки уни йўқ қилиш усуллари ва шартлари ваколатли орган, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан бел-гиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб келинаётган маҳсулот истеъмол қилишга ёки фойдаланишга яроқсиз деб топилган тақдирда, юк эгаси озик-овқат маҳсулотини қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекис-тон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолга яроқсиз деб топилган маҳсулот қайта ишлашда фойдала-ниш ёки йўқ қилишга қадар алоҳида жойда (резервуарда), ҳисобда тўплами, ишлатиш (қайта ишлаш) ёки йўқ қилиш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши шарт.

Истеъмолга ёки фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган маҳсулотнинг тўлиқ сақланиши учун масъулият маҳсулот эгаси зиммасига юкланади.

Истеъмолга яроқсиз деб топилган маҳсулотни белгиланган тартибда мах-сус экспертиза қилиш, йўқ қилиш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, йўқ қилиш ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар маҳсулот эгасининг ҳисобидан амалга оширилади.

48. Қуйидагилар санитария-эпидемиологик ҳулосани беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

санитария-эпидемиологик ҳулоса расмийлаштириб бериш вақтида озик-овқат маҳсулотининг яроқлилиқ муддати 60 фоиздан кам бўлганида (ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган умумий яроқлилиқ муддатига нисбатан фоизда);

четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг халқаро аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан ўтказилган озик-овқат маҳсулотлари учун синов баённомалари бўлмаса;

ваколатли органга тегишли бўлмаган бошқа аккредитация қилинган ла-бораториялар томонидан ўтказилган озик-овқат маҳсулотлари учун синов баённомалари бўлмаса;

лаборатория синовларининг салбий натижалари;

озик-овқат маҳсулоти сифатида ишлатилмайдиган (уруғлик, кўпайти-

риш, селекция, декорация, хайвонлар учун озуқа ва лаборатория учун реактив), кўргазма ва ўз эҳтиёжи учун ҳамда лаборатория синовларини ўтказишга етмайдиган микдорда олиб келинган тақдирда.

Давлат хизматини кўрсатиш ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асосларга, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

49. Санитария-эпидемиологик хулоса беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда, ваколатли орган ушбу Регламентга 7-иловага* мувофиқ шаклда QR-код қўйилган хабарномани санитария-эпидемиология экспертизасини ўтказишни рад этишнинг аниқ асосларини қонунчилик ҳужжатлари билан асослаган ва камчиликлар ҳамда етишмаётган ҳужжатларни кўрсатган, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан ҳолда расмийлаштиради ва Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда), ЯИДХП орқали мурожаат этилганда эса ариза берувчининг шахсий кабинетига юборади.

6-боб. Санитария-эпидемиологик хулосани қайта расмийлаштириш

50. Қуйидаги ҳолларда санитария-эпидемиологик хулоса қайта расмийлаштирилади:

юридик шахс қайта ташкил этилганда, ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганда;

юридик шахс номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганда;

якка тартибдаги тадбиркорнинг (жисмоний шахс) унга давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарганда.

Бунда мазкур асосларни тасдиқловчи маълумотлар ваколатли орган томонидан «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади ҳамда ариза берувчидан ушбу маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

Ариза берувчи ушбу бандда кўрсатиб ўтилган асослар юзага келгандан сўнг беш иш куни ичида ушбу Регламентнинг 2-бобида белгиланган тартибда мурожаат қилиши шарт.

Янги ташкил этилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида санитария-эпидемиологик хулосага эга бўлган ариза берувчи юридик шахслар қўшиб юборилган тақдирда, санитария-эпидемиологик хулосани ушбу бандда назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштириш мумкин.

51. Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятни амалга ошириш жойига нисбатан берилган санитария-эпидемиологик хулосага ушбу шахснинг фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарганда, ариза берувчининг сўровномаси асосида ваколатли орган томонидан ўзгартириш киритилади.

52. Санитария-эпидемиологик хулоса ваколатли орган томонидан сўровнома келиб тушганидан сўнг уч иш куни мобайнида қайта расмийлаштириб берилади.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Санитария-эпидемиологик хулосани қайта расмийлаштириш учун тўлов ундирилмайди.

53. Санитария-эпидемиологик хулосага санитария-эпидемиологик хулосани қайта расмийлаштириб бериш учун белгиланган тартибда ўзгартириш киритилади.

Санитария-эпидемиологик хулоса қайта расмийлаштирилганда, ваколатли орган томонидан санитария-эпидемиологик хулосалар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

7-боб. Санитария-эпидемиологик хулосанинг амал қилиши муддатини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш

54. Санитария-эпидемиологик хулосанинг амал қилиш муддати давомида назорат амалга оширилаётганда ваколатли орган санитария-эпидемиологик хулосанинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, шунингдек, судга санитария-эпидемиологик хулосанинг амал қилишини 6 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки унинг амал қилишини бекор қилиш ташаббуси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

55. Назоратдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият натижасида одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган, аҳолининг яшаши ва хўжалик фаолияти билан шугулланиш, зарар етказиш ёки зарар етказилишининг аниқ хавфи юзага келиши санитария-эпидемиологик хулосанинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш учун асос бўладиган бир марталик қўпол бузилиши ҳисобланади.

56. Санитария-эпидемиологик хулосанинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни 32 — 34-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

8-боб. Санитария-эпидемиологик хулосалар реестри

57. Ваколатли орган санитария-эпидемиологик хулосаларнинг электрон реестрини юритади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг расмий веб-саҳифасида жойлаштириб боради.

Санитария-эпидемиологик хулосалар реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) ариза берувчининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, ЖШШИР ёки СТИР, жойлашган ери (почта манзили);

б) санитария-эпидемиологик хулосаларнинг рўйхатдан ўтказиш рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

в) санитария-эпидемиологик хулосаларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тугатиш ва амал қилишини

тиклаш, санитария-эпидемиологик хулосани бекор қилишнинг асослари ва санаси.

58. Санитария-эпидемиологик хулосалар реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очик ҳисобланади.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

59. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган давлат хизматини кўрсатиш жараёнида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

60. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари бажарилиши бўйича ваколатли органнинг фаолияти устидан давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

61. Ариза берувчи давлат хизматини кўрсатишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг қарорлари, хатти-ҳаракатлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

62. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 ноябрдаги 720-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси ва унга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш тартибларига оид низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарорига 6-илованинг 1-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси ва «б» кичик банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

698 Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфра-
тузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни 7 ва 12-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 10 октябрдаги ПКҚ–329-сон қарорига мувофиқ темир йўл транспортида ташишларни амалга оширувчи юридик шахсларнинг умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфра-тузилмаси хизматларидан тенг фойдаланиш шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ташувчиларга инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш принциплари ва тартиби;

инфратузилма оператори томонидан ташувчиларга кўрсатиладиган хизматлар;

поездлар ҳаракати меъёрий графигини шакллантириш тартиби;

инфратузилмага киришни таъминлаш бўйича буюртманомаларни қафолатлаш;

инфратузилма хизматларини кўрсатиш тартиби ва шартномаси;

инфратузилма оператори ташувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

3. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р. Маҳкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 ноябрь,
723-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 14 ноябрдаги 723-сон қарорига
ИЛОВА

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар мулк ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асосларда ҳаракатдаги таркибга (локомотивлардан ташқари) эга бўлган умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспорти ташувчиларининг (кейинги ўринларда — ташувчилар) ички ва халқаро йўналишларда юк ҳамда йўловчи ташишни амалга ошириш учун умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига (кейинги ўринларда — инфратузилма) кириш ҳуқуқини таъминлашнинг умумий принциплари ва тартибини, шунингдек, кириш ҳуқуқини тақдим этиш ва инфратузилма хизматларидан фойдаланиш соҳасида ташувчилар томонидан инфратузилма оператори билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

график йўналиши — жўнаб кетиш, етиб келиш, ораликда тўхташ манзили, жўнаб кетиш ва етиб келиш вақти, технологик тўхташ жойлари, ўртача юриш вақтлари, шунингдек, поезднинг бошқа техник ва технологик кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда поезд ҳаракати йўналишининг поездлар ҳаракати графигидаги чизиқли тасвири;

ёрдамчи поездлар — йўловчиларни поездга чиқариш пунктларига, техник станцияларга ва тўхташ жойларига олиб бораётган якка локомотивлар ёки локомотивлар гуруҳи (бирикмалар), йўловчи вагонларидан, дизель ва электр секцияларидан ташкил топган поездлар, шунингдек, инфратузилма операторининг ўз эҳтиёжлари учун ҳаракатланадиган, поездлар ҳаракати графигида кўзда тутилмаган поездлар;

инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи — ташувчилар томонидан йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш учун инфратузилма хизматларидан фойдаланиш имконияти;

инфратузилма хизматлари — йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташишни ташкил этиш ва амалга ошириш учун умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасидан ва локомотивларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти хизматлари ҳамда темир йўл транспортида ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа инфратузилма хизматлари;

инфратузилма хизматларини кўрсатиш бўйича узоқ муддатли шартнома — инфратузилма хизматларини кўрсатиш учун инфратузилма оператори билан ташувчи ўртасида камида беш йил муддатга тузилган шартнома;

инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун буюртманома (кейинги ўринларда — буюртманом) — поездлар ҳаракати меъёрий графиги амал қиладиган даврда йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш, шунингдек, ташиш жараёни билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш учун ташувчи томонидан инфратузилма операторига тақдим этиладиган ҳужжат;

инфратузилма участкаси — инфратузилма оператори томонидан белгиланган локомотив айланиш участкаси доирасидаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг бир қисми;

инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилияти — турли тоифадаги поездларнинг ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда ушбу инфратузилманинг техник ва технологик имкониятлари, ҳаракатдаги таркиб ва поездлар ҳаракатини ташкил этиш усулларига қараб, ҳисоб-китоб даври (сутка) учун инфратузилма участкаси бўйлаб ўтказилиши мумкин бўлган поездлар (поездлар жуфтлиги) ҳаракатининг ўлчамлари;

махсус поездлар — йўловчиларни ва (ёки) ўта муҳим ҳарбий ёки стратегик юкларни ташиш учун мўлжалланган, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ махсус талабларга асосан ажратиладиган поездлар;

моторвагонли ҳаракатдаги таркиб — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш учун мўлжалланган моторвагонли йўловчи ташиш поездлари (электropоездлар, дизелли поездлар, дизелли электropоездлар ва автмотрисалар (рельсли автобуслар)) тузиладиган, секцияларга бирлаштирилган моторли ва моторсиз вагонлар;

навбатдан ташқари поездлар — поездлар ҳаракатига тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф этиш, режалаштирилмаган ишларни бажариш ва транспорт воситаларининг жойлашган жойини тегишли равишда ўзгартириш учун мўлжалланган, ҳаракат графигида кўрсатилмаган поездлар (тиклаш ва ўт ўчириш поездлари, қор тозалаш поездлари, вагонларсиз локомотивлар, махсус ўзиюар ҳаракатдаги таркиб);

поездлар ҳаракати графиги — инфратузилма участкаларида барча тоифадаги поездлар ҳаракати ташкил этилишини белгилайдиган, поездлар ҳаракатини шартли суткаларда масштаб сеткасида график тарзда акс эттириладиган ва поездлар ҳаракати меъёрий (режалаштирилган йил учун), вариантли (вақтнинг алоҳида даврлари учун) ва поездлар ҳаракатининг бажарилган графикларига бўлинадиган, инфратузилма операторига тегишли бўлган норматив-техник ҳужжат;

поезд тоифаси — ташиш тури, қатнов масофаси, таркибдаги вагонлар, айланиш мунтазамлиги ва ҳаракат тезлигига қараб поездларнинг шартли равишда гуруҳларга бўлиниши. Ташиш турига кўра поездлар йўловчи поезди, юк поезди ва махсус мақсадлар учун мўлжалланган (махсус, ҳарбий, ёрдамчи, навбатдан ташқари) поездларга бўлинади;

поездлар ҳаракати жадвали — поездлар ҳаракати графиги асосида муайян календарь саналарда поездлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

ташиш жараёнининг диспетчерлик бошқаруви — реал вақт режи-

мида тезкор шароитларда поездлар ҳаракати ва манёвр ишларини назорат қилиш, бошқариш жараёни;

ташишларни режалаштириш — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларида (участкаларида ва темир йўл станцияларида) белгиланган давр мобайнида (йил, ой, сутка) хизматларни кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар асосида ташиш режасини ишлаб чиқиш;

ташишларни тезкор режалаштириш — маълум вақт оралиғида техник меъёрлар, поездлар ҳаракати графиги ва поездларни шакллантириш режаси бажарилишида, ҳаракатдаги таркиб ҳамда темир йўл участкалари ва станцияларининг ўтказувчанлик қобилиятидан самарали фойдаланишда қўл келадиган режалаштириш тури;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг оператори (кейинги ўринларда — инфратузилма оператори) — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотга тегишли бўлган, умумий фойдаланишдаги темир йўлларнинг ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси бошқа объектларининг фойдаланилишини, жорий сақлинишини ва модернизациясини, қурилишини амалга оширадиган, шунингдек, инфратузилмадан фойдаланиш хизматларини, шу жумладан, ҳаракатдаги таркибни ўтказиш ва олиб ўтиш учун умумий фойдаланишдаги темир йўллардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатадиган юридик шахс;

юк поездларни шакллантириш режаси — ташувчиларнинг поездларни шакллантириш режаси лойиҳалари асосида инфратузилма оператори томонидан тасдиқланадиган, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси участкаларининг ўтказувчанлик қобилияти ҳамда темир йўл станцияларининг қайта ишлаш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда темир йўл станцияларида шакллантириладиган поездларнинг тонфалари ҳамда вазифаларини белгилайдиган норматив-техник ҳужжат;

қўшимча буюртманом — поездлар ҳаракати меъерий графиги амал қилаётган даврда қўшимча ташишларни амалга ошириш учун ташувчининг инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берган буюртманомаси;

қўшимча ташишлар — поездлар ҳаракати меъерий графигида кўзда тутилмаган, графикнинг қўшимча йўналишлари ажратилишини талаб этадиган, банд бўлмаган ёки белгиланган тартибда бўшатишган инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилияти ҳисобидан амалга оширилиши мумкин бўлган ташишлар.

3. Ташувчиларга инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи инфратузилма оператори томонидан белгиланадиган инфратузилма участкаларида шартномалар асосида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кучга кирган халқаро шартномаларга мувофиқ тақдим этилади.

Инфратузилмадан шартнома тузмасдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Инфратузилма хизматлари учун ташувчи томонидан тўлов қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва-

колат берган коллегиял орган тасдиқлаган тарифлар асосида амалга оширилади.

2-боб. Ташувчиларга инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш принциплари

4. Инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи ташувчиларга қуйидаги принциплар асосида берилади:

инфратузилма участкаларининг ўтказувчанлик қобилияти доирасида техник ва технологик имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ташувчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

ташувчиларга нисбатан инфратузилма хизматлари соҳасида ягона нарх (тариф) сиёсатини юритиш;

инфратузилма хизматлари рўйхати, инфратузилманинг техник ва технологик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу хизматларни кўрсатиш тартиби ҳамда инфратузилма хизматлари тарифлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш имконияти;

ташиш фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва инфратузилма хизматларини кўрсатиш жараёнида маълум бўлиб қолган тижорат ёки давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилиш;

ташувчилар томонидан инфратузилма участкаларида фойдаланиладиган ҳаракатдаги таркибга нисбатан қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилиши;

инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилиятидан самарали фойдаланиш ва ташиш жараёнининг узлуксизлигини, технологик жараёнларнинг яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида инфратузилмани таъмирлаш, сақлаш ва унга хизмат кўрсатиш ишларини оқилона режалаштириш;

поездлар ҳаракати меъёрий графигига мувофиқ инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилияти чекланган шароитларда ташувчиларга инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишда навбатма-навбат бериш.

3-боб. Инфратузилма оператори томонидан ташувчига кўрсатиладиган хизматлар

5. Инфратузилма оператори шартномага мувофиқ ташувчига қуйидаги хизматларни кўрсатади:

а) инфратузилма локомотивлари ва локомотив бригадаларини тақдим этиш, шунингдек, поездлар ҳаракатини (ўтишини) таъминлаш, шу жумладан, қуйидаги ишларни (операцияни) амалга ошириш:

ташувчининг ҳаракатдаги таркибини умумий фойдаланишдаги темир йўлларга қабул қилиш ва топшириш;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти локомотивларидан ва темир йўл станцияларининг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда, инфратузилма операторига тегишли бўлган умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ташувчининг ҳаракатдаги таркибидан поездни шакллантириш;

б) поездлар ҳаракатини бошқариш, шу жумладан, қуйидаги ишларни (операцияни) бажариш:

хорижий давлатларнинг темир йўллари ва бошқа транспорт турлари ташкилотлари билан ташишлар бўйича техник ва технологик имкониятларни келишиш;

инфратузилма операторига тегишли бўлган умумий фойдаланишдаги темир йўлларда кўзда тутилган муайян ташишларни амалга ошириш учун ташувчининг ҳаракатдаги таркиби шартномада назарда тутилган шартларга мувофиқ ҳаракатланишини ташкил этиш;

ташишни диспетчер томонидан бошқариш;

ташувчининг ҳаракатдаги таркиби техник ҳолатини назорат қилиш (техник кўрик);

ташувчида ҳаракатдаги таркибни мустақил равишда таъмирлаш имконияти бўлмаса, қатнов давомида ташувчининг ҳаракатдаги таркибига хизмат кўрсатиш (ажратмасдан таъмирлаш);

ташувчининг мурожаатига асосан унинг ҳаракатдаги таркиби ҳаракати ёки жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш;

ташиш жараёнида инфратузилма участкаларида ҳаракатдаги таркибни электр энергияси билан таъминлаш;

ташиш жараёнида темир йўл станцияларида саралаш ва манёвр ишларини амалга ошириш;

в) ташувчига тегишли бўлган ёки у томонидан ташиш учун жалб қилинган, ташиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бўш вагонларни сақлаш имкониятини бериш;

г) инфратузилма оператори томонидан ташувчи номидан умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллардан фойдаланиш шартномасини, шунингдек, умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларда вагонларни бериш ва қайтариб олиш шартномасини тузиш.

6. Инфратузилма оператори ва ташувчи ушбу Қоидаларнинг 5-бандида кўрсатилмаган хизматларни кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. Бундай ишлар (хизматлар) рўйхатини инфратузилма оператори мустақил равишда белгилайди.

7. Инфратузилма оператори томонидан кўрсатиладиган хизматлар, уларнинг нархи, шунингдек, поездлар ҳаракати графигига мувофиқ инфратузилманинг мавжуд техник ва технологик имкониятлари ҳақидаги маълумот инфратузилма оператори томонидан ташувчиларга инфратузилмадан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги буюртманомаларни қабул қилиш жойларида мунтазам хабарлар тарзида тақдим этилади. Ушбу маълумот қўшимча равишда электрон ёки почта алоқаси орқали ёхуд томонларнинг келишувида назарда тутилган бошқа усул билан ҳам берилади.

4-боб. Ташувчиларга инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби

8. Инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи инфратузилма оператори томонидан қуйидаги шартлар асосида берилади:

ташувчи томонидан темир йўл транспортининг авариясиз ишлашини, ҳаракат хавфсизлигини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ташиш жараёни хавфсизлигини таъминлаш соҳасида белгиланган талабларга риоя этилиши;

ташувчига тегишли бўлган ҳаракатдаги таркиб ҳаракатдаги таркибнинг авариясиз ишлашини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг белгиланган талабларига мувофиқ бўлиши.

9. Инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидагилар асосида берилади:

поездлар ҳаракатини ташкил этиш учун инфратузилманинг техник ва технологик имкониятлари;

инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилияти ва ташувчиларнинг инфратузилма участкаларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлари мавжудлиги;

поездларни шакллантириш режаси ва поездлар ҳаракати графиги;

инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилияти чекланган шароитда ташувчиларга инфратузилма хизматларидан меъёрий графикка мувофиқ навбат-навбат фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ темир йўл орқали ташишни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи тақик ва чекловларнинг мавжуд эмаслиги.

10. Ташувчиларга инфратузилма хизматларидан фойдаланиш навбати (устуворлиги) инфратузилма оператори томонидан қуйидаги мезонлар:

а) поезд тоифаси;

б) агар поезд тоифалари бир хил бўлса:

ташувчи томонидан ташиш қобилиятидан фойдаланиш интенсивлиги;

шартноманинг мавжудлиги ёки муддати узайтирилгани;

в) ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган мезонлар бир хил бўлса, буюртманома берилган сана бўйича тақдим этилади.

11. Поездлар ҳаракати меъёрий графикка мувофиқ графикнинг муайян йўналишлари бўйича ташишларни амалга ошириш учун инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи ташувчиларга поездлар ҳаракати жадвали амал қилиши давомида фақат бир муддатга берилади, узок муддатли шартномалар бундан мустасно.

12. Ташувчига инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ташувчи томонидан инфратузилма операторига инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича буюртманомани ушбу Қоидаларга иловада* кўрсатилган шаклга асосан тақдим этиш;

инфратузилма оператори томонидан ташувчининг буюртманомасини кўриб чиқиш ва инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш (беришни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

поездлар ҳаракати графигини ва поездлар ҳаракати жадвалини тасдиқлаш;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташишларни амалга ошириш учун инфратузилма хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузиш.

Ташувчи бир вақтнинг ўзида фойдаланиш режалаштирилган инфратузилма оператори ҳам бўлса, буюртманома бериш ва шартнома тузиш талаб этилмайди.

13. Инфратузилма хизматларини кўрсатиш шартномаси инфратузилма оператори томонидан ташувчига инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин, бироқ поездлар ҳаракати меъёрий графиги кучга кириш санасидан камида ўн календарь кун олдин тузилади.

Ташувчининг қўшимча буюртманомаси бўйича инфратузилма хизматларини кўрсатиш шартномаси ташишлар амалга ошириладиган календарь ой бошланишидан камида бир ой олдин тузилиши керак.

14. Инфратузилма оператори ташувчида кўрсатилган инфратузилма хизматлари учун ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда, шунингдек, темир йўл транспорти соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилмаган тақдирда, ташувчига инфратузилма хизматларини кўрсатиш юзасидан шартнома тузишни рад этишга ҳақли.

5-боб. Буюртманомаларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби

15. Инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун ташувчи инфратузилма операторига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманома тақдим этади:

режалаштирилаётган график йўналишлари лойиҳаси;

ташишларнинг режалаштирилаётган йиллик ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар (чорақлар ва ойлар бўйича тақсимланган ҳолда);

ташувчи томонидан ташишларни таъминлаш учун назарда тутилган вагонлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркибнинг турлари (типлари), мансублиги, сони ва тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар;

вагонларга бўлган мулк ёки эгалик ҳуқуқини, шунингдек, уларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

темир йўл транспортининг авариясиз ишлашини, транспорт воситаларининг ва ташиш жараёни билан боғлиқ бўлган бошқа техник воситаларнинг ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташувчининг ҳаракатдаги таркибини кўриқдан ўтказиш далолатномасининг нусхаси;

ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия нусхаси;

қарздорлик мавжуд эмаслиги (мавжудлиги) тўғрисида маълумот кўрсатилган тақдирда, ушбу қарздорликнинг шаклланиш муддатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

суғурта ташкилоти билан ҳаракатдаги таркибни суғурталаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган шартномалар;

буюртманоманинг режалаштириладиган хизматлар ҳажми қийматининг 0,1 фоизига тенг миқдордаги пул таъминоти ёки банк кафолати;

юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор ваколатли шахсига муайян шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи ишончнома.

16. Ташувчи томонидан инфратузилма операторига қоғоз шаклида тақдим этиладиган буюртманома қўйидаги талабларга мос бўлиши керак:

буюртманома ва унга илова қилинган ҳужжатлар тикилади, рақамланади ва ташувчининг муҳри ҳамда имзоси (ёки унинг ваколатли шахсининг имзоси) билан тасдиқланади;

илова қилинган ҳужжатлар асл ёки нусха кўринишида бўлиши керак, нусхалар тақдим этилган бўлса, буюртманомани имзолаётган раҳбар ёки унинг ваколатли шахси уларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини ёзма равишда тасдиқлаши керак;

буюртманомада ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларда, маълумотларда ҳеч қандай тузатиш ёки қўшимчалар бўлмаслиги лозим.

17. Буюртманома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ташувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади.

18. Инфратузилма оператори ташишларни ташкил этиш учун буюртманомаларни қўйидагича қабул қилади:

халқаро қатновларда — ташиш режалаштирилган йилдан олдинги йилнинг 10 январидан 25 февралигача бўлган даврда;

ички қатновларда — ташиш режалаштирилган йилдан олдинги йилнинг 10 июнидан 25 июлигача бўлган даврда.

19. Буюртманома инфратузилма оператори томонидан рўйхатга олинади ва ташувчига буюртманоманинг қабул қилинган санаси, рўйхатга олиш тартиб рақами ва қабул қилинган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган маълумотнома берилади.

20. Инфратузилма оператори келиб тушган буюртманома ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади.

Буюртманома ушбу Қоидаларга номувофиқ бўлса ёки ташувчи томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилган бўлса, инфратузилма оператори буюртманома келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда буюртманомани кўриб чиқишни рад этиш ҳақида ташувчини ёзма ёки электрон равишда хабардор қилади.

21. Инфратузилма оператори томонидан буюртманомаларни кўриб чиқиш ва поездлар ҳаракати меъерий графигининг лойиҳасини шакллантириш муддати ташиш режалаштирилган йилдан олдинги йилнинг 25 сентябрида тугайди.

22. Поездлар ҳаракати меъерий графигини шакллантириш учун тақдим этилган буюртманомадаги маълумотлар буюртманомаларни кўриб чиқиш даврида ўзгарса (лекин буюртманомаларни кўриб чиқиш муддати тугашидан камида бир ой олдин), ташувчи бу ҳақида инфратузилма операторини ёзма равишда хабардор қилади.

23. Буюртманомаларни кўриб чиқиш даврида (лекин буюртманомаларни кўриб чиқиш муддати тугашидан камида бир ой олдин) инфратузилма оператори буюртманома бериш талабларига риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда, сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ташувчи томонидан тақдим этилиши керак бўлган поездлар ҳаракати меъёрий графигини шакллантириш учун зарур бўлган қўшимча ахборотларни (маълумотларни) ташувчилардан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

24. Ташувчилар буюртманомани кўриб чиқишнинг дастлабки натижасидан норози бўлган тақдирда, инфратузилма оператори манфаатдор ташувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни (зиддиятларни) музокаралар ўтказиш орқали ҳал этишга қаратилган келишиш тартиб-таомилларини ташкил этади, бу жараёнда инфратузилма оператори ташувчига графикнинг бошқа йўналишларини таклиф қилишга ҳақли.

25. Инфратузилма оператори ушбу бобда назарда тутилган барча тартиб-таомиллар ўтказилгандан кейин инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш (рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади ва ташувчини буюртманомани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида (унга киритилган тузатишларни (мавжуд бўлса) ҳисобга олган ҳолда) хабардор қилади.

26. Ташувчининг белгиланган муддатдан кейин келиб тушган буюртманомалари поездлар ҳаракати меъёрий графигини тузишда инфратузилма оператори томонидан инobatга олинмайди ва қўшимча буюртманомалар сифатида кўриб чиқилади.

Ташувчининг қўшимча буюртманомаси ушбу Қоидаларнинг 15 — 19-бандларида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатдан ўтказилади.

27. Ташувчининг қўшимча буюртманомаси ташишлар амалга ошириладиган календарь ой бошланишидан камида икки ой олдин берилади ва у келиб тушган кундан бошлаб бир ой давомида ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлиги кўриб чиқилади.

28. Ташувчининг қўшимча буюртманомаси асосида инфратузилма оператори графикнинг қўшимча йўналишларини ажратиш ва ташишларни амалга ошириш учун инфратузилма хизматларини кўрсатишга шартнома ёки тузилган шартномага қўшимча келишув тузиш имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Талабномада тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун ташувчи жавобгар бўлади.

6-боб. Поездлар ҳаракати меъёрий графигини шакллантириш тартиби

29. Поездлар ҳаракати меъёрий графиги лойиҳаси ташувчиларнинг кўриб чиқиш учун қабул қилинган буюртманомаларини ва инфратузилма участкаларининг ўтказувчанлик қобилиятидан максимал даражада фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда инфратузилма оператори томонидан тузилади.

30. Поездлар ҳаракати меъёрий графиги ва поездлар ҳаракати жадвали инфратузилма оператори томонидан ушбу Қоидалар ҳамда инфратузилма

операторининг локал ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ йиллик давр учун шакллантирилади, ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

31. Поездлар ҳаракати меъёрий графиги инфратузилма оператори томонидан қўйидагиларни инobatга олган ҳолда тузилади:

поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

инфратузилма участкаларининг ўтказувчанлик ва юк кўтариш қобилияти ҳамда темир йўл станцияларининг қайта ишлаш қобилиятидан самарали фойдаланиш;

инфратузилма участкаларини сақлаш ва таъмирлаш бўйича ишларни амалга ошириш имкониятини бериш.

32. Поездлар ҳаракати графигида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва инфратузилма объектларини соз ҳолатда сақлаш учун вақт захираси назарда тутилади.

33. Поездлар ҳаракати меъёрий графигини ишлаб чиқиш жараёнида ташувчиларга инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда навбатма-навбат принципи ҳисобга олинади.

34. Инфратузилма оператори поездлар ҳаракати графигини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар ва меъёрлар асосида (ташувчиларнинг буюртманомаларини инobatга олган ҳолда) поездлар ҳаракати меъёрий графигини тайёрлайди.

35. Поездлар ҳаракати меъёрий графиги қўйидаги бошланғич маълумотлар асосида шакллантирилади:

инфратузилма оператори ва ташувчилар томонидан поездлар ҳаракати амалдаги графигининг бажарилишини таҳлил қилиш натижалари;

инфратузилма операторининг инфратузилма объектларидан техник фойдаланиш хусусиятлари, инфратузилма участкаларининг техник хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;

ташувчиларнинг буюртманомаларида, шунингдек, поездлар ҳаракати графигини ишлаб чиқишга доир топшириқлар ва меъёрларда мавжуд бўлган маълумотлар.

36. Поездлар ҳаракати меъёрий графиги яқунланаётган декабрь ойининг иккинчи якшанбасида соат 00:00 да кучга киради ва кейинги йил декабрь ойининг иккинчи шанбасида соат 24:00 да ўз кучини йўқотади.

Поездлар ҳаракати меъёрий графиги тасдиқлангандан сўнг ташувчи ва инфратузилма оператори ўртасида ушбу Қоидаларга мувофиқ белгиланган тартибда шартнома тузилади.

37. Поездлар ҳаракати меъёрий графиги асосида поездлар ҳаракати жадвали тузилади.

38. Инфратузилма оператори поездлар ҳаракатининг норматив графигига ва поездлар ҳаракати жадвалига уларнинг амал қилиш даврида қўйидаги ҳолларда тузатишлар киритишга ҳақли:

ташувчи инфратузилма участкасининг ўтказиш қобилиятининг ажратилган улушидан (график йўналишидан) поездлар ҳаракати белгиланган жадвали ва шартномага нисбатан кам ҳажмда фойдаланганда;

ташувчининг қўшимча буюртманомаси бўйича инфратузилма операто-

ри томонидан қўшимча поездлар ҳаракати ёки поезд узунлигини узайтириш ташкил этилганда;

инфратузилманинг техник ва технологик имкониятлари мавжуд бўлмаган ёки ўзгарганда;

инфратузилма оператори томонидан янги темир йўллارни ва сунъий иншоотларни таъмирлаш ёки қуриш сабабли поездлар ҳаракати чекланганда;

тортувчи ҳаракатдаги таркиб тури ўзгарган тақдирда;

ташувчи томонидан умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ҳаракатдаги таркибдан техник фойдаланишга қўйиладиган талаблар поездларнинг ҳаракат графиги ва жадвалига ўзгартиришлар киритган ҳолда қатновдан олинишига олиб келадиган тарзда бузилганда;

темир йўл транспортида ҳаракат ва ташиш хавфсизлиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юз берганда, тақсимланган график йўналишлари бекор қилиниб, инфратузилмани тиклаш учун зарур бўлган муддатга;

инфратузилмада табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келганда, шунингдек, фавқулодда ҳолат жорий этилганда ва ташишга тўсқинлик қиладиган, оқибатларни ва поездлар ҳаракатига тўсиқларни бартараф этиш, инфратузилмани тиклаш бўйича кўзда тутилмаган ишларни бажариш учун узоқ вақт талаб қиладиган бошқа ҳолатларда.

7-боб. Инфратузилмага киришни таъминлаш бўйича буюртманомаларни кафолатлаш

39. Инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун буюртманома мажбуриятларини таъминлаш мақсадида ташувчи ушбу Қоидаларнинг 15-банди ўнинчи хатбошисига мувофиқ буюртманома учун пул таъминоти ёки банк кафолатини киритади.

40. Инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун буюртманоманинг пул таъминоти қуйидаги ҳолларда инфратузилма оператори томонидан тўлиқ ҳажмда қайтарилади:

буюртманома ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга жавоб бермагани сабабли рад этилганда;

буюртманомани киритиш муддатлари бузилгани сабабли буюртманома қабул қилинмаганда;

инфратузилма оператори томонидан ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ шартнома тузиш рад этилганда;

шартнома кучга кирганда ва ташувчи томонидан умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси хизматларини кўрсатишга доир шартнома бажарилиши бўйича таъминоти киритилганда.

41. Ушбу Қоидаларнинг 40-бандида назарда тутилган ҳолларда инфратузилма оператори уч иш куни ичида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун буюртманоманинг пул таъминотини қайтаради.

42. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун буюртманома бўйича пул таъмино-

ти қуйидаги ҳолларда инфратузилма оператори томонидан қайтарилмайди (ушбу Қоидаларнинг 40-бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно):

ташувчи томонидан ушбу Қоидаларнинг 15-бандида назарда тутилган ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки бузиб кўрсатилгани сабабли инфратузилма оператори шартнома тузишдан бош тортганда;

ташувчининг буюртманомасини меъёрий ва (ёки) аниқлаштирилган поездлар ҳаракати графигига киритиш шarti билан ташувчи шартнома тузишдан бош тортганда.

8-боб. Инфратузилма хизматларини кўрсатиш тартиби

43. Ташишларда инфратузилма хизматларини кўрсатиш ташишларни ташкил этиш ва амалга оширишнинг қуйидаги жараёнлари доирасида инфратузилма оператори ва ташувчининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутаяди:

ташишларни режалаштириш ва меъёрлаштириш;

ташишларни ойма-ой ва тезкор режалаштириш;

шартнома доирасида ташишларни амалга ошириш;

ташиш жараёнини амалга оширишда маълумот (ахборот) алмашиш.

44. Ташишларни режалаштириш ва меъёрлаштириш, ташиш ҳажмларига ва поездлар ҳаракат графигига ушбу Қоидалар ва қонунчиликда белгиланган тартибда кучга кирган халқаро шартномалар билан белгиланган тартибда тузатиш киритилади.

45. Ташишларни тезкор режалаштиришда инфратузилма оператори ва ташувчилар поездлар ҳаракатининг тасдиқланган суткалик режасини (поездлар ҳаракати графигини) ва келишилган техник режани, шу жумладан, қонунчиликда белгиланган тартибда кучга кирган халқаро шартномаларда белгиланган давлатлараро туташув пунктлари бўйича поездларни, вагонларни алмаштириш режасини бажаради.

46. Инфратузилма оператори ташувчи билан эксплуатация ишларини, шу жумладан, поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, инфратузилма участкалари бўйлаб ўтказиш технологиясини, манёвр ишларини ташкил этиш технологиясини, темир йўл станциясида поездларни тарқатиш ҳамда шакллантиришни ва вагонлар оқимини ташкил этишда инфратузилма оператори ҳамда ташувчининг ўзаро ҳамкорлиги технологиясини белгилайди.

47. Қуйидагилар ташиш жараёнини диспетчер томонидан бошқариш ва инфратузилманинг ўтказувчанлик қобилиятини тақсимлашнинг ягона принциплари ҳисобланади:

инфратузилманинг хизмат кўрсатиладиган участкаларида поездлар ҳаракатини битта диспетчер томонидан бошқариш;

поездлар ҳаракати графигида мавжуд нормалар ва меъёрларни, эксплуатация ишининг технологик жараёнлари ва техник нормаларини бажариш;

поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ходимларнинг меҳнат муҳофазасини кафолатлаш;

диспетчер томонидан ҳаракатланиш кетма-кетлиги берилиши.

48. Ташиш жараёнининг диспетчерлик бошқаруви поездларнинг суткалик ҳаракат режаси билан тасдиқланган поездлар ҳаракати графигига муво-

фиқ инфратузилма участкаларида поездларнинг хавфсиз ўтишини таъминлаш мақсадида инфратузилма оператори томонидан амалга оширилади.

49. Поездларни қабул қилиш, жўнатиш ва ўтказиб юбориш, ҳаракатдаги таркибнинг манёвр ҳаракати жараёнлари инфратузилма оператори томонидан тартибга солинади.

Инфратузилма операторининг (умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти ташувчисининг) кўрсатиб ўтилган жараёнларга, шу жумладан, поездлар ҳаракати хавфсизлиги талабларини, поездлар ҳаракати графиги меъёрларини, инфратузилма оператори бўлинмалари ишининг технологик жараёнларини таъминлашга тааллуқли бўлган фармойишлари (кўрсатмалари) ташиш жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурийдир.

50. Ташиш жараёнини амалга ошириш мақсадида инфратузилма оператори ва ташувчилар ахборот алмашиш учун инфратузилма операторининг ахборот тизимларидан фойдаланади.

Асосий маълумотларга нисбатан қўшимча маълумотлар инфратузилма оператори томонидан ташувчига алоҳида шартномалар асосида тақдим этилади.

51. Тузилган шартнома мавжуд бўлганда, инфратузилма оператори ташувчига инфратузилма хизматлари кўрсатилишини қўйидаги ҳолларда рад этади:

темир йўл транспорти соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш тўхтатилганда ёки чекланганда, шу жумладан, олиб кириш ва (ёки) олиб чиқиш чекланганда;

фавқулодда вазиятлар (инфратузилма объектларининг носозлиги натижасида ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки поездларни ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар) юзага келиши оқибатида инфратузилма хизматларини кўрсатиш имконияти йўқлигида;

ташишлар навбатдан ташқари поездларда амалга оширилганда.

52. Инфратузилма оператори миллий хавфсизликка таҳдид юзага келганда ёки фавқулодда ҳолат жорий этилганда, инфратузилма оператори ва ташувчиларга боғлиқ бўлмаган ҳамда шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қиладиган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганда темир йўл қатновининг муайян йўналишларида ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишни вақтинча тўхтатиш ёки чеклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Инфратузилма оператори бундай қарорнинг амал қилиш муддатини белгилаши, шунингдек, ваколатли органларни, ташувчиларни ва бошқа манфаатдор шахсларни дарҳол хабардор қилиши шарт.

53. Ушбу Қоидаларнинг 51 ва 52-бандларига мувофиқ инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган тақдирда, инфратузилма оператори шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш имкони мавжуд эмаслиги тўғрисида ташувчинини дарҳол хабардор қилади.

54. Инфратузилма оператори поездлар ҳаракати графигидан четга чиққан ҳолда ҳаракатланаётган поездларни ўтказиб юборишни ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўради.

9-боб. Инфратузилма хизматларини кўрсатиш шартномаси

55. Инфратузилма хизматларини кўрсатиш шартномаси поездлар ҳаракати меъёрий графиги ва йиғма жадвали тасдиқлангандан кейин ҳаракатнинг меъёрий графиги амалга киритилишидан камида икки ой олдин ёзма шаклда тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати (узок муддатли шартномалардан ташқари) поездлар ҳаракати меъёрий графигининг амал қилиш даврини ташкил этади.

56. Қўшимча буюртманомалар бўйича шартнома ташишлар амалга ошириладиган календарь ой бошланишидан камида бир ой олдин поездлар ҳаракати меъёрий графигининг амал қилиш давридан ошмайдиган муддатга тузилади.

10-боб. Инфратузилма оператори ташувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

57. Ташувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ташишларни ташкил этиш, ташиш жараёни билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун ахборотни ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ олиш, бунда тарқатилиши ва (ёки) тақдим этилиши чекланган ахборотга нисбатан белгиланган чекловларни ҳисобга олиш;

б) инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш ва ушбу хизматлардан поезд ҳаракати давомида ҳам фойдаланиш.

58. Ташувчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) инфратузилма операторларига инфратузилма хизматларини кўрсатиш учун маълумотлар ва ҳужжатларни ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ тақдим этиш;

б) ташиш жараёни билан боғлиқ бўлган транспорт воситалари ва бошқа техник воситаларнинг ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги талаблари бузилишига олиб келадиган (олиб келиши мумкин бўлган) ҳодисалар ва ҳолатлар тўғрисида инфратузилма операторига хабар бериш, шунингдек, уларни бартараф этиш (олдини олиш) чораларини кўриш;

в) инфратузилма операторининг ташувчига маълум бўлган тижорат сирини ташкил этувчи миллий хавфсизликка тааллуқли маълумотларнинг белгиланган тартибда ҳимоя қилинишини таъминлаш;

г) инфратузилма хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

д) вагонларнинг (поездларнинг) жойлашган жойи ўзгартирилиши (кўчирилиши) ва (ёки) ташувчилар ҳаракатдаги таркибининг темир йўл станцияларида тўхтаб туриши муносабати билан инфратузилма оператори томонидан сарфланган харажатларни қоплаш;

е) инфратузилма операторини инфратузилма хизматларидан фойдаланиш рад этилгани тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиш;

ж) инфратузилма операторига ва (ёки) учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплаш;

з) инфратузилма хизматларидан фойдаланишда қуйидагиларни таъминлаш:

ташиш жараёни ва инфратузилма операторининг локал хужжатлари билан боғлиқ бўлган транспорт воситалари ва бошқа техник воситалар ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш хавфсизлиги талабларига риоя қилиш;

юкларни, шу жумладан, ногабарит юкларни темир йўлда ташиш шартларига риоя этиш;

ташишларни келишилган ҳажмда амалга ошириш ва темир йўлда ташишнинг бошқа параметрлари (шароитлари) юкнинг йўналиши бўйича темир йўл транспорти инфратузилмаси участкаларининг ўтказувчанлик қобилиятига ва (ёки) темир йўл станцияларининг қайта ишлаш қобилиятига мувофиқлигини таъминлаш;

шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

59. Инфратузилма оператори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш бўйича:

инфратузилма участкаларида поездлар ҳаракати тезлигига чекловлар ўрнатиш;

поезд ҳаракатланиши вақтида ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи техник ва тижорат носозликлари автоматик ҳамда визуал назорат воситалари билан аниқланган тақдирда, темир йўл станциясида, перегонда поезд ҳаракатини тўхтатиш;

темир йўл транспортида ҳаракат ва ташиш хавфсизлиги талаблари бузилиши билан боғлиқ бўлган, поездлар ҳаракатига тўсқинлик қиладиган ҳодисалар юзага келганда инфратузилма ишини тиклаш учун ташувчининг ресурсларидан (ҳаракатдаги таркиб, ходимлар) фойдаланиш;

ташувчига поездлар ҳаракати хавфсизлиги талабларини, поездлар ҳаракати графиги меъёрларини, поездларни шакллантириш режаси ва тартибини, инфратузилма оператори линия бўлинмалари ишининг технологик жараёнларини таъминлашга тааллуқли фармойишлар бериш;

б) ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқ юк поездларининг меъёрий ҳаракат графиги ва ҳаракат жадвалига тузатишлар киритиш;

в) ташишларни амалга ошириш учун инфратузилма хизматларини кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш босқичида ташувчидан ҳаракатдаги таркибни кўриқдан ўтказиш далолатномаларини талаб қилиш;

г) ташувчи томонидан инфратузилма участкаси ўтказувчанлик қобилиятининг ажратилган улушидан поездлар ҳаракати графиги ва шартномага нисбатан кам ҳажмда фойдаланилган тақдирда, инфратузилма хизматларини кўрсатиш шартномасига инфратузилма участкалари ўтказувчанлик қобилиятининг ажратилган улушига (график йўналишига) тузатиш киритиш бўйича ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида хабарнома юбориш (уч иш куни мобайнида);

д) ташувчи инфратузилмадан шартнома шартларини бузган ҳолда фойдаланган тақдирда, ташувчиларнинг ҳаракатдаги таркиби жойлашган жойини ўзгартириш (кўчириш) ва бўш йўл имкониятлари мавжуд бўлган темир йўл станциясида унинг тўхтаб туришини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

е) инфратузилма операторига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (учинчи

шахсларнинг, шу жумладан, қўшни (чегарадош) темир йўл маъмуриятлари ва (ёки) тегишли инфратузилмалар эгаларининг айби билан) ташувчига инфратузилма хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини рад этиш, бунда бу каби ҳолатларни шартнома шартларининг бузилиши деб тан олмаслик;

ж) табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келганда, шунингдек, фавқулодда ҳолат жорий этилганда ва ташишга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатларда ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишни вақтинча тўхтатиш ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда хизматлар кўрсатиш тўғрисида билдиришнома юбориш орқали қарор қабул қилиш;

з) темир йўл транспортида ҳаракат ва ташиш хавфсизлиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ходисалар юзага келган тақдирда, тақсимланган график йўналишларини бекор қилган ҳолда инфратузилмани тиклаш учун зарур бўлган муддатга инфратузилмага киришни чеклаш.

60. Инфратузилма операторининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ маълумотлар ва ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

б) тарқатилиши ва (ёки) тақдим этилиши чекланган ахборотга нисбатан белгиланган чекловларни инобатга олган ҳолда, ушбу Қоидаларга мувофиқ ташувчиларга маълумотларни тақдим этиш;

в) инфратузилма участкаларининг ўтказувчанлик қобилиятини ушбу Қоидаларга мувофиқ инфратузилма участкаларининг техник ва технологик имкониятлари доирасида тақсимлаш;

г) ташувчини поездлар ҳаракати графигида хизматлар кўрсатишнинг муддатлари ва шартлари ўзгаришига сабаб бўладиган ўзгаришлар ҳақида шартномада назарда тутилган тартибда хабардор қилиш.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

61. Ушбу Қоидаларда белгиланган талабларнинг бажарилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Транспорт вазирлиги томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

62. Ушбу Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI****699 O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining
chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi
nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3294-3*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 30-apreldagi PQ–153-son “Axborot texnologiyalari yordamida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashish faoliyatini yanada kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 27-dekabrda 897-son “Aholini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlashda “ijtimoiy karta” tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 10-martdagi 28/21-son qarori (ro‘yxat raqami 3294, 2021-yil 3-aprel) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 03.04.2021-y., 10/21/3294/0285-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

Toshkent sh.,
2025-yil 24-oktabr,
25/3-son

T. ISHMETOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-noyabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
24-oktabrdagi 25/3-son qaroriga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi
va muomalada bo‘lishi qoidalarini to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan
o‘zgartirish va qo‘shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom banklar tomonidan bank kartalarining chiqarilishi, ularning muomalada bo‘lishi va o‘tkazilgan operatsiyalar bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish qoidalarini belgilaydi.”

2. 1-bandning o‘n ikkinchi xatboshisidagi “jismoniy shaxs;” degan so‘zlar “jismoniy shaxs va (yoki) o‘zini o‘zi band qilgan shaxs;” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 6-bandning “a” kichik bandida:

uchinchi xatboshidagi “xodimi yoki yakka tartibdagi tadbirkorga” degan so‘zlar “xodimiga” degan so‘z bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi to‘rtinchi va beshinchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“biznes bank kartasi — o‘z saqllovchisiga, ya‘ni yakka tartibdagi tadbirkor yoki o‘zini o‘zi band qilgan shaxsga karta hisobvarag‘idagi pul mablag‘larini boshqarish imkoniyatini beradi;

ijtimoiy bank kartasi — o‘z saqllovchisiga karta hisobvarag‘idagi ijtimoiy va boshqa to‘lovlar orqali kelib tushgan pul mablag‘larini boshqarish imkoniyatini beradi;”

4. 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Biron bir to‘lov tizimiga tegishli bo‘lgan bank kartalarini, jumladan oldindan emissiya qilinadigan shaxsiy bank kartalarini emissiya qilish, sertifikatlangan dasturiy-texnik vositalardan foydalangan holda, tegishli to‘lov tizimi operatori tomonidan o‘rnatilgan qoidalarga asosan emitent tomonidan amalga oshiriladi.

Oldindan emissiya qilinadigan shaxsiy bank kartalarini aktivlashtirish emitent tomonidan ushbu kartaning saqllovchisini o‘rnatilgan tartibda identifikatsiya qilgandan so‘ng amalga oshiriladi.”

5. 9-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“bank kartasi saqllovchisining familiyasi va ismi (shaxsiy bank kartalari uchun), bunda oldindan emissiya qilinadigan shaxsiy bank kartasida bank kartasi saqllovchisining familiyasi va ismi jismonan aks ettirilishi talab etilmaydi;”

6. 11-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“jismoniy va yuridik shaxslarga, shuningdek o‘n to‘rt yoshdan o‘n sakkiz yoshgacha bo‘lgan voyaga yetmagan shaxslarga ularning arizalari asosida o‘zaro tuziladigan shartnoma yoki ofertani qabul qilish yo‘li bilan Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga (ro‘yxat raqami 2886, 2017-yil 23-may)

muvofig mijozni o'rnatilgan tartibda identifikatsiyalagan holda bank kartalarini foydalanishga taqdim etish;";

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“o'n to'rt yoshgacha bo'lgan voyaga yetmagan shaxslarga ularning ota-onasidan biri yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslarning (qonuniy vakilining) yozma roziligi va arizasi asosida o'zaro tuziladigan shartnoma yoki ofertani qabul qilish yo'li bilan Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga (ro'yxat raqami 2886, 2017-yil 23-may) muvofig mijozni o'rnatilgan tartibda identifikatsiyalagan holda bank kartalarini foydalanishga taqdim etish;";

uchinchi va to'rtinchi xatboshilar tegishli ravishda to'rtinchi va beshinchi xatboshilar deb hisoblansin.

7. 18-banddagi “depozit hisobvarag'idan” degan so'zlar “depozit, kredit (ssuda) yoki tranzit hisobvarag'idan” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 19-bandning birinchi xatboshisidagi “mobil ilovalar orqali” va “elektr energiyasi va tabiiy gaz uchun” degan so'zlar tegishli ravishda “joyida yoki mobil ilovalar orqali” va “elektr energiyasi, tabiiy gaz, ichimlik va oqova suv xizmatlari uchun” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

9. 20-bandning birinchi xatboshisidagi “Yakka tartibdagi tadbirkor” va “milliy valyutadagi bank kartalaridan” degan so'zlar tegishli ravishda “Yakka tartibdagi tadbirkor yoki o'zini o'zi band qilgan shaxs” va “milliy valyutadagi biznes bank kartalaridan naqd pul olish,” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

700 Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3420-2

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 4-oktabrdagi PF–180-son “Chet el fuqarolari uchun maxsus soliq rejimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2025-yil 30-apreldagi PQ–153-son “Axborot texnologiyalari yordamida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashish faoliyatini yanada kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2025-yil 16-sentabrdagi PQ–286-son “Respublikaning hudud, soha va tarmoqlarida raqamli texnologiyalar joriy etilishini yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2023-yil 4-yanvardagi 30/18-son qarori (ro‘yxat raqami 3420, 2023-yil 8-fevral) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.02.2023-y., 10/23/3420/0081-son) bilan tasdiqlangan Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-oktabr,
26/10 son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
27-oktabrdagi 26/10-son qaroriga
ILOVA

Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar

1. 1-bandda:

quyidagi mazmundagi yettinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“eskrou hisobvaraқ — bank (eskrou agent) tomonidan hisobvaraқ egasidan (deponentdan) olingan pul mablag'larini qabul qilish va saqlab turish uchun ochiladigan hamda eskrou shartnomasida belgilangan asoslar mavjud bo'lganda boshqa shaxsga (benefitsiarga) o'tkazib berish majburiyatini nazarda tutadigan maxsus bank hisobvarag'i;”;

yettinchi — to'qqizinchi xatboshilar tegishli ravishda sakkizinchi — o'ninchi xatboshilar deb hisoblansin.

2. 2-band quyidagi mazmundagi “g¹” kichik band bilan to'ldirilsin:

“g¹) eskrou hisobvaraqlari;”.

3. 4-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. BDMABda bank hisobvaraqlarini ochish, boshqa bankka o'tkazish, yopish, mablag'larni hisobdan chiqarish amallarini vaqtincha to'xtatib turish va ularni qayta tiklash to'g'risidagi ma'lumotlar banklar tomonidan yuboriladigan elektron so'rovlar asosida shakllantiriladi hamda Markaziy bankning Axborotlashtirish Bosh Markazi tomonidan shu kunning o'zida mijozga xizmat ko'rsatuvchi banklarga va O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasiga uzatiladi. Ushbu ma'lumotlar bankning ma'lumotlar bazasiga dasturiy ravishda kiritiladi va bank tomonidan o'zgartirishga ruxsat etilmaydi.”.

4. 6-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bank hisobvaraqlari ochish uchun hujjatlar mijozning imzolar namunalari qo'yilgan varaқchasida ko'rsatilgan yoki yuridik shaxslar nomidan vakil qilingan shaxslar tomonidan taqdim qilinadi, ta'sisчилari O'zbekiston Respublikasi rezidenti bo'lgan yuridik shaxslar, yakka tartibdagi tadbirkorlar hamda IT-Park rezidenti bo'lgan, ta'sisчisi norezident bo'lgan yuridik shaxslarga masofadan turib bank hisobvarag'i ochish holatlari bundan mustasno.”.

5. 7-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Kripto-birjada kripto-aktivlar savdolari ishtirokчилari bo'lgan norezident yuridik shaxslarga bank hisobvarag'i ochishda banklar ushbu norezident yuridik shaxslarni va ularning hisobvaraqlariga kirim qilinadigan mablag'larning kelib chiqish manbalarini “O'z mijozingni bil” (KYC, e-KYC va/yoki video-KYC) va “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish” (AML/SFT) tizimlariga muvofiq o'rganishi shart.”.

6. 8-bandning birinchi va uchinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Banklar Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish bo'yicha moliyaviy choralar ishlab chiquvchi guruhning (FATF)

talablaridan kelib chiqib, “O‘z mijozingni bil” (KYC, e-KYC va/yoki video-KYC) va “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish” (AML/CFT) tizimlariga muvofiq, ariza beruvchilarni masofadan turib identifikatsiya qilish uchun zarur shart-sharoitlar mavjud bo‘lganda, ta‘sischilari O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari bo‘lgan yuridik shaxslar, yakka tartibdagi tadbirkorlar hamda IT-Park rezidenti bo‘lgan, ta‘sischisi norezident bo‘lgan yuridik shaxslar bank hisobvaraqlarini masofadan turib ochishi mumkin.

Ta‘sischilari O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari bo‘lgan yuridik shaxslar, yakka tartibdagi tadbirkorlar hamda IT-Park rezidenti bo‘lgan, ta‘sischisi norezident bo‘lgan yuridik shaxslarga bank hisobvaraqlari masofadan turib ochilganda, ular nomidan to‘lovlarni (bank amaliyotlarini) amalga oshiruvchi shaxslar belgilangan tartibda identifikatsiya qilinib, elektron raqamli imzosi yoki qo‘lda qo‘yilgan imzolar namunalari elektron qurilmalar orqali olinganda, qog‘ozda imzolar namunalari qo‘yilgan varaqcha talab etilmaydi.”

7. 11-bandning to‘rtinchi xatboshisi, 12-bandning to‘rtinchi xatboshisi, 13-bandning beshinchi xatboshisi, 14-bandning to‘rtinchi xatboshisi, 16-bandning beshinchi xatboshisi, 26-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “hujjati (biometrik pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi yoxud yangi namunadagi haydovchilik guvohnomasi)” degan so‘zlar “hujjatining (biometrik pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi yoxud yangi namunadagi haydovchilik guvohnomasi) asli yoki O‘zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va/yoki “Ijtimoiy karta” mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shakli” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

8. 17-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“17. Rezident jismoniy shaxslar tomonidan milliy va chet el valyutasida depozit, metall hisobvaraqlar ochish uchun bankka hisobvaraqlar ochish to‘g‘risida ariza hamda shaxsini tasdiqlovchi hujjatning (biometrik pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi yoxud yangi namunadagi haydovchilik guvohnomasi) asli yoki O‘zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va/yoki “Ijtimoiy karta” mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shakli taqdim qilinadi, bundan mijozlarni raqamli identifikatsiya qilish holatlari mustasno.

Jismoniy shaxslar o‘zini o‘zi band qilgan jismoniy shaxs sifatida bank hisobvarag‘i ochish uchun mazkur bandning birinchi xatboshisida ko‘rsatilgan hujjatlarga qo‘shimcha tarzda o‘zini o‘zi band qilgan shaxs sifatida ro‘yxatdan o‘tganligi to‘g‘risida ma‘lumotnomaning asli yoki O‘zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va/yoki “Ijtimoiy karta” mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shaklini taqdim etadilar.

Norezident jismoniy shaxslar tomonidan milliy va chet el valyutasida depozit hisobvaraqlari ochish uchun bankka bank hisobvarag‘i ochish to‘g‘risida ariza, norezident jismoniy shaxsning shaxsini tasdiqlovchi hujjatining (biometrik pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi yoxud yangi namunadagi haydovchilik guvohnomasi) asli yoki elektron shakli, norezident jismoniy shaxsning O‘zbekiston Respublikasida bo‘lishini (yashashini) tasdiqlovchi hujjat taqdim qilinadi, bundan O‘zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari (konsullik muassasalari)

orqali jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqamini (JSHSHIR) olgan IT-park rezidentlarining xorijiy mutaxassislarini raqamli identifikatsiya qilish (Face-ID) yoxud bank bilan vakillik munosabatlarini o'rnatgan bankning "O'z mijozingni bil" (KYC, e-KYC va/yoki video-KYC) hamda "Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish" (AML/CFT) tizimlariga tayangan holda bank hisobvaraqlarini masofadan turib ochish imkoniyati mavjud bo'lgan hollar mustasno.

Banklar norezident jismoniy shaxslarga bank hisobvarag'i ochishda ularning O'zbekiston Respublikasida muqim (uch oydan kam bo'lmagan) davrga ro'yxatdan o'tganligi va faoliyat yuritayotganligini tasdiqlovchi hujjatlarni (O'zbekiston Respublikasida doimiy yoki vaqtinchalik ro'yxatdan o'tganligi to'g'risida ma'lumotnoma, ishlayotganligi yoki o'qiyotganligi, daromad manbalarini tasdiqlovchi hujjatlarni) talab qilishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari (konsullik muassasalari) orqali jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqamini (JSHSHIR) olgan IT-park rezidentlarining xorijiy mutaxassislari masofadan turib bank hisobvaraqlarini ochishlari mumkin.

Norezident jismoniy shaxs ilgari tegishli bankda bank hisobvarag'ini ochgan bo'lsa, ushbu bankda boshqa bank hisobvaraqlarini masofadan turib ochishi mumkin.

Maxsus soliq rejimini olgan norezident jismoniy shaxslar tomonidan bankda hisobvaraqlar ochish uchun qo'shimcha ravishda bankka maxsus soliq rejimini taqdim etish bo'yicha qaror taqdim qilinadi.

Rezident va norezident jismoniy shaxslarga depozit hisobvaraqlari JSHSHIR asosida ochiladi."

9. Quyidagi mazmundagi 17¹ — 17³-bandlar bilan to'ldirilsin:

17¹. O'n to'rt yoshgacha bo'lgan voyaga yetmagan shaxs nomiga milliy va chet el valyutasida depozit, metall hisobvaraqlar ochish uchun ota-onadan biri yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxs (qonuniy vakili) tomonidan bankka hisobvaraqlar ochish to'g'risida ariza, voyaga yetmagan shaxsning shaxsini tasdiqlovchi hujjatining (tug'ilganlik haqida guvohnoma) asli yoki O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va/yoki "Ijtimoiy karta" mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shakli hamda ota-onadan biri yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxsning (qonuniy vakili) shaxsini tasdiqlovchi hujjatining (biometrik pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi yoxud yangi namunadagi haydovchilik guvohnomasi) asli yoki O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va/yoki "Ijtimoiy karta" mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shakli taqdim qilinadi.

Bunda shaxsni tasdiqlovchi hujjatda voyaga yetmagan shaxsning jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JSHSHIR) to'g'risida ma'lumot ko'rsatilmagan hollarda, jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami haqida ma'lumot ham taqdim etiladi.

17². O'n to'rt yoshdan o'n sakkiz yoshgacha bo'lgan voyaga yetmagan shaxslar mazkur Yo'riqnomaning 17¹-bandida belgilangan hisobvaraqlarni mustaqil ravishda ochishlari mumkin. Bunda ushbu shaxslar bankka hisobvaraqlar

ochish to'g'risida ariza hamda shaxsini tasdiqlovchi hujjatining (tug'ilganlik haqida guvohnoma, biometrik pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi yoxud yangi namunadagi haydovchilik guvohnomasi) asli yoki O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va/yoki "Ijtimoiy karta" mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shaklini shaxsan taqdim qiladi, bundan mijozlarni raqamli identifikatsiya qilish holatlari mustasno.

Voyaga yetmagan jismoniy shaxslarning bank hisobvarag'i shartnomasida bank tomonidan ota-onadan biri yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslar (qonuniy vakili) ularning voyaga yetmagan farzandlari bilan bog'liq shubhali operatsiyalar haqida xabardor qilish belgilanishi lozim.

17³. Mehribonlik uylari, Bolalar uylari, "Muruvvat" bolalar internat-uylari, "SOS — O'zbekiston bolalar mahallalari" uyushmasining filiallari, kichik hajmli bolalar uylari, tutingan (foster) oilalar va boshqa to'liq davlat ta'minotidagi muassasalarda yoki boshqa tashkilotlarda tarbiyalanayotgan (joylashtirilgan) yetim yoki ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bola uchun to'lanadigan pensiya, nafaqa, alimentlar va boshqa to'lovlarni jamlash maqsadida "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazining murojaati asosida manfaatdor bola nomiga depozit hisobvaraqlari ochilishi mumkin.

"Muruvvat" bolalar internat-uylariga joylashtirilgan yetim bo'lmagan yoki ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lmagan bola uchun to'lanadigan pensiya, nafaqa, alimentlar ota-onadan biri yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslar (qonuniy vakili) murojaati asosida manfaatdor bola nomiga depozit hisobvaraqlari ochilishi mumkin. Bunda hisobvaraqda jamlangan mablag'lardan foydalanish mazkur hisobvaraqni ochish to'g'risidagi shartnomada belgilanadi."

10. 29-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"29. Banklar tomonidan ta'sischilari O'zbekiston Respublikasi rezidentlari bo'lgan yuridik shaxslar, yakka tartibdagi tadbirkorlar hamda IT-Park rezidenti bo'lgan, ta'sischisi norezident bo'lgan yuridik shaxslarga bank hisobvaraqlarini masofadan turib ochishda, ularning imzo namunalari qo'yilgan varaqchada ko'rsatilgan rezident jismoniy shaxslarni identifikatsiyalash raqamli identifikatsiyalash orqali amalga oshirilishi mumkin."

11. 46-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mijozning barcha taqdim qilingan talablardan ozod bo'lgan pul mablag'larining qoldig'i mijoz (tugatuvchi) topshirig'iga asosan boshqa hisobvaraqqa o'tkazilganidan so'ng bank hisobvarag'i yopiladi."

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**701 Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3467-6*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 16-sentabrdagi 588-son “Yovvoyi holda o‘sovchi o‘simliklarni yetishtirish bo‘yicha pitomnik va plantatsiyalarning davlat hisobini yuritish tartibini takomillashtirish to‘g‘risida”gi, 2025-yil 18-sentabrdagi 594-son “Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlardan foydalanish bo‘yicha davlat xizmatlarini ko‘rsatish tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi hamda 2025-yil 8-oktabrdagi 632-son “Yoshlarning o‘quv markazlarida xorijiy tillarni o‘qish xarajatlari uchun subsidiya ajratish hamda o‘quv markazlarini rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 27-oktabrdagi 14-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467, 2023-yil 27-oktabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 30.10.2023-y., 10/23/3467/0806-son) bilan tasdiqlangan Davlat xizmatlari yagona reyestriga ilovaga** muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 5-noyabr,
24-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-noyabrda e‘lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON BADIY AKADEMIYASI RAISINGING
BUYRUG‘I**702** Turkum ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3699*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 1-iyuldagi PQ–212-son “Tasviriy va amaliy san‘at sohasini yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Turkum ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Madaniyat vazirligi va Fanlar akademiyasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

A. NURIDINOV

Toshkent sh.,
2025-yil 22-oktabr,
I-108-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

2025-yil 21-oktabr

Madaniyat vaziri

O. NAZARBЕКOV

2025-yil 15-avgust

Fanlar akademiyasi prezidenti

Sh. AYUPOV

2025-yil 18-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Badiiy akademiyasi raisining
2025-yil 22-oktabrdagi I-108-son buyrug'iga
ILOVA

Turkum ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish tartibi to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom “Yangi O'zbekiston manzaralari”, “Buyuk allomalar” va “Zamon qahramonlari” kabi turkum ijodiy asarlarni (bundan buyon matnda ijodiy asarlar deb yuritiladi) davlat buyurtmasi asosida yaratish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

Badiiy kengash — yuksak badiiy qiymatga ega bo'lgan tasviriy va amaliy san'at asarlari, shuningdek boshqa madaniy boyliklarning bahosini ularning ijodiy va moddiy qiymatidan kelib chiqqan holda belgilaydigan hamda xulosa beradigan davlat va nodavlat tashkilotlar huzuridagi kollegial maslahat organi;

ijodiy asarlar — inson tafakkuri va ijodiy faoliyati mahsuli bo'lgan, badiiy, estetik va ma'naviy qiymatga ega bo'lgan, shuningdek kompozitsion puxta o'ylangan va ruhiy holat bilan bilimlarning chambarchas uzviyligi orqali yaratilgan ijod namunasi (rangtasvir, grafika, miniatura, haykaltaroshlik va amaliy san'atning turli yo'nalishlari);

ijodkor — tasviriy va amaliy san'at sohasida o'z intellektual salohiyati, estetik didi, obrazli tafakkuri va texnik mahorati asosida inson, jamiyat va tabiat haqidagi fikr va tuyg'ularni badiiy shakllarda ifoda etadigan, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni yuksak mahorat bilan targ'ib qiluvchi ijodiy asarlar muallifi.

Mazkur Nizom maqsadlari uchun davlat buyurtmasi deganda madaniyat va san'atni rivojlantirish, milliy madaniy merosni asrash, ma'naviy taraqqiyotni rag'batlantirish hamda jamiyat hayotining turli jabhalarini badiiy ifoda etish maqsadida O'zbekiston Badiiy akademiyasiga (bundan buyon matnda Badiiy akademiya deb yuritiladi) ma'naviy-ma'rifiy, badiiy, tarixiy va ilmiy qiymatga ega ijodiy asarlarni yaratish uchun ijodkorlar tomonidan taqdim etiladigan hamda Davlat budjetidan moliyalashtiriladigan ijodiy loyihalar to'plami tushuniladi.

2. Ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish mazkur Nizomning ilovasidagi* Turkum ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish sxemasiga asosan amalga oshiriladi.

3. Badiiy akademiya ijodiy asarlarni yaratish bo'yicha ustuvor mavzu va yo'nalishlarni quyidagi turkumlar asosida belgilaydi:

“Yangi O'zbekiston manzaralari” — mamlakatdagi ijtimoiy, iqtisodiy, shaharsozlik va madaniy o'zgarishlar, O'zbekiston tabiati va me'morchiligi, shahar va qishloqlarda amalga oshirilayotgan obodonlashtirish ishlari hamda ekologik mavzular;

* Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

“Buyuk allomalar” — milliy va dunyo tamaddunida ulkan iz qoldirgan buyuk alloma va mutafakkirlar hayoti, boy va bebaho merosi, tarixiy shaxslar, ularning ilmiy va ma’naviy merosi, tarixiy voqealar hamda madaniy davrlar;

“Zamon qahramonlari” — mamlakatning zamonaviy taraqqiyoti va jamiyatning turli sohalarida faollik ko’rsatgan, davrning bor fazilatini va qiyofasini mujassam etgan insonlar, haqiqiy qahramonlar va oddiy xalq orasidagi ko’z ilg’amas fidoyilar.

4. Turkum ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratishda Badiiy akademiyaning Badiiy ko’rgazmalar direksiyasi (bundan buyon matnda Badiiy ko’rgazmalar direksiyasi deb yuritiladi) buyurtmachi hisoblanadi.

O’zbekiston Badiiy ijodkorlar uyushmasi (bundan buyon matnda Ishchi organ deb yuritiladi) ijodiy asarlarni yaratish bo’yicha davlat buyurtmasining loyihasini shakllantiruvchi ishchi organ hisoblanadi.

2-bob. Davlat buyurtmasi bo’yicha loyiha takliflarini taqdim etish va ularni ko’rib chiqish tartibi

5. Kelgusi yil uchun ijodiy asarlarni yaratish bo’yicha mavzu va yo’nalishlar ro’yxati har yili noyabr oyida Badiiy akademiyaning Boshqaruv kengashi (bundan buyon matnda Boshqaruv kengashi deb yuritiladi) qarori bilan tasdiqlanadi.

Mavzu va yo’nalishlar ro’yxatini tasdiqlashda O’zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi, Fanlar akademiyasi, O’zbekiston Yozuvchilar uyushmasi va O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O’zbekistondagi Islom sivilizatsiyasi markazining takliflari, shuningdek san’atshunoslar, jamoat arboblari va ijodkorlarning fikrlari hisobga olinishi mumkin.

6. Davlat buyurtmasi bo’yicha ijodiy asarlarning mavzu va yo’nalishlar doirasidagi soni va taqsimoti Badiiy akademiya Davlat byudjetidan ajratiladigan mablag’lar doirasida Boshqaruv kengashining qaroriga muvofiq ijodiy asarlarning hajmi va o’lchami ko’rsatilgan holda belgilanadi.

7. Badiiy akademiya kelgusi yilning yanvar oyi 10-sanasisiga qadar tasdiqlangan mavzu va yo’nalishlar ro’yxati to’g’risida ommaviy axborot vositalarida e’lon beradi.

8. E’lon qilingan mavzu va yo’nalishlar bo’yicha ijodkorlarning loyiha takliflari Ishchi organ tomonidan fevral oyining 5-sanasisiga qadar qabul qilinadi.

9. Ijodiy asarlarni yaratish uchun davlat buyurtmasini shakllantirish maqsadida Ishchi organga e’londa ko’rsatilgan manzil bo’yicha ijodkorlar tomonidan loyiha taklifi sifatida quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:

ijodkor haqida ma’lumot;

ijodiy portfolio;

ijodiy asarning rangli eskiz loyihasi (ijodiy loyiha) — bir nusxadan qog’oz va elektron shaklda;

mustaqil san’atshunos, Badiiy akademiyaning haqiqiy a’zolari, O’zbekiston Respublikasi xalq rassomlari va boshqa ijodkorlarning ijodiy loyihaning g’oyaviy-badiiy saviyasi hamda ma’naviy-mafkuraviy jihatlari borasidagi xulosalari (tavsiyalari) — erkin shaklda;

ijodiy konsepsiya va g'oya (ijodiy loyihaning qisqacha mazmuni va asarni yaratishning maqsadga muvofiqligi bo'yicha asoslangan taklif) — yozma shaklda;

ijodiy loyihaning formati va ishlanish usuli haqida ma'lumot (ishlatiladigan materiallar, ijodiy loyihaning o'lchami va miqdori) — yozma shaklda;

Badiiy kengashning ijodiy loyihani baholash bo'yicha ijobiy xulosasi — yozma shaklda;

moliyaviy hisob-kitob va byudjet rejasi (ijodiy loyihani yaratish uchun tasdiqlangan muqobil ravishda xarid qilinishi mumkin bo'lgan zarur materiallar, uskunalar soni, miqdori, qiymati va asar bahosi ko'rsatilgan xarajatlar smetasi loyihasi) — yozma shaklda.

Ijodkor ijodiy loyihaga aloqador qo'shimcha hujjatlarni taqdim qilishi mumkin.

10. Ishchi organ loyiha takliflarining e'londa ko'rsatilgan mavzu va yo'nalishlarga mosligi hamda taqdim etilgan hujjatlarning to'liqligini loyiha taklifi topshirilgan kundan boshlab uch ish kuni ichida tekshiradi.

Loyiha taklifi bo'yicha talab etiladigan hujjatlar to'liq bo'lmagan taqdirda, Ishchi organ yetishmayotgan hujjatlarni besh ish kuni ichida taqdim etish uchun loyiha taklifini ijodkorga qaytaradi.

3-bob. Ijodiy loyihalarga qo'yiladigan mezonlar

11. Ishchi organ tomonidan qabul qilingan ijodiy loyihalar quyidagi mezonlar asosida yigirma kun ichida ko'rib chiqiladi.

davlat buyurtmasining ustuvor mavzu va yo'nalishlari g'oyasi ochib berilganligi, o'ziga xosligi, shuningdek ijodiy asar g'oyasining tomoshabin hamda asar oldiga qo'yilgan vazifalarga mosligi va ijtimoiy ahamiyati;

milliy ruh va rang-baranglik, syujet va kompozitsion qurilishda muvozanat saqlanganligi;

ijodiy g'oyaning yangiligi va estetik yuksakligi;

ijodkorning yuksak mahorati, ijodiy yo'nalishining plastik va badiiy yechimi; texnik yechim, asar shakli va amalga oshirish imkoniyati;

ijodkor yo'nalishining o'ziga xos uslub yoki maktabga egaligi;

ijodiy loyihaning ijro rejasi va muddatga mosligi;

byudjetning asosliligi va iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiqligi.

Mazkur mezonlarga javob bermaydigan ijodiy loyihalar Ishchi organ tomonidan rad etiladi hamda ijodkorga ushbu bandda nazarda tutilgan har bir mezon bo'yicha mavjud e'tirozlar asoslantirilgan javob xati beriladi.

12. Taqdim etilgan ijodiy loyihalarda mualliflik huquqiga oid qonunchilik talablari buzilganlik holatlari aniqlanganda, bunday ijodiy loyihalar Ishchi organ tomonidan ko'rib chiqilmaydi.

4-bob. Davlat buyurtmasini shakllantirish, ijodiy jarayonlarni amalga oshirish va ijodiy asarlarni qabul qilish

13. Ishchi organ shakllantirilgan davlat buyurtmasining loyihasini har yili mart oyining 5-sanasiga qadar Boshqaruv kengashiga tavsiya etadi.

Ishchi organ tavsiyalari asosida ko'rib chiqilgan hamda Boshqaruv kengashi

qarori bilan tasdiqlangan ijodiy loyihalar Badiiy akademiya raisining buyrug‘i asosida davlat buyurtmasi maqomiga ega bo‘ladi.

14. Badiiy akademiya raisining buyrug‘i asosida davlat buyurtmasi etib tasdiqlangan ijodiy loyihalarning mualliflari va Badiiy ko‘rgazmalar direksiyasi o‘rtasida besh ish kuni ichida shartnoma tuziladi.

Shartnomada davlat buyurtmasi asosida yaratiladigan ijodiy asarlarning mualliflik huquqlari qonunchilik hujjatlariga muvofiq belgilanadi hamda ijodiy asarlarni yaratish muddatlari va bosqichlari, shuningdek ijodiy jarayonni nazorat qilish va ijodiy jarayon to‘g‘risida hisobotlar taqdim etish tartibi ko‘rsatiladi.

15. Ijodkorlar bilan shartnoma imzolanganidan so‘ng, tasdiqlangan ijodiy loyihalar asosida ijodiy asarlarni yaratish jarayoni boshlanadi.

16. Ijodiy jarayonning har bir bosqichi bo‘yicha ijodkorlar Ishchi organga hisobot, shuningdek ijodiy loyihaning bajarilishiga doir fotosuratlar, videoyozuvlar yoki loyihaning bajarilishini tasdiqlovchi boshqa materiallarni taqdim etadi.

17. Ishchi organ tomonidan ijodiy jarayonning sifat va muddatlarga muvofiqligini ta‘minlash uchun muntazam nazorat olib boriladi.

18. Ijodiy asarni takomillashtirish maqsadida Ishchi organ tomonidan ijodkorlarga tavsiyalar berilishi mumkin.

Bunda, Badiiy ko‘rgazmalar direksiyasi va ijodkor tomonidan o‘zaro kelishuvga asosan shartnomada ko‘rsatilgan muddatlarga tuzatishlar kiritilishi mumkin.

19. Ishchi organ ijodiy loyihalarning natijalarini tahlil qiladi va ijodiy jarayonda aniqlangan muammolarni ko‘rib chiqadi.

Yaratilgan ijodiy asarlar Ishchi organ tomonidan Boshqaruv kengashi muhokamasiga taqdim etiladi hamda Boshqaruv kengashi qarori asosida tasdiqlanadi.

20. Davlat buyurtmasi asosida yaratilgan ijodiy asarlar Badiiy akademiya raisining buyrug‘i asosida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekistondagi Islom sivilizatsiyasi markazi hamda Badiiy ko‘rgazmalar direksiyasi fondiga taqdim qilinadi.

5-bob. Davlat buyurtmasi asosida yangi ijodiy asarlarni yaratish uchun mablag‘lar ajratish tartibi

21. Davlat buyurtmasi asosida ijodiy asarlarni yaratish bilan bog‘liq xarajatlar Badiiy akademiya Davlat byudjetidan ajratiladigan mablag‘lar doirasida moliyalashtiriladi.

22. Ijodkorlarga to‘lanadigan to‘lovlar (mualliflik haqi) miqdori O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-avgustdagi PQ–3201-son “Madaniyat va san‘at tashkilotlari, ijodiy uyushmalar va ommaviy axborot vositalari faoliyatini yanada rivojlantirish, soha xodimlari mehnatini rag‘batlantirish bo‘yicha qo‘shimcha sharoitlar yaratishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorida nazarda tutilgan mualliflik haqi stavkalaridan kelib chiqqan holda Badiiy kengash xulosasida ko‘rsatiladi.

23. Ijodiy asar Boshqaruv kengashining qarori bilan tasdiqlanganidan so‘ng, uch ish kuni ichida ijodkor Badiiy ko‘rgazmalar direksiyasiga ijodiy asarga sarflangan mablag‘lar yuzasidan hisobot taqdim etadi.

Hisobotga unda ko'rsatilgan barcha xarajatlar bo'yicha dastlabki hujjatlarning nusxalari ilova qilinishi lozim.

Hisobotlar taqdim etilganidan so'ng, o'n besh ish kuni ichida Badiiy ko'rgazmalar direksiyasi tomonidan ijodkorlarga mablag'lar (mualliflik haqi) to'liq to'lab beriladi.

24. Xarajatlar smetasida ko'zda tutilmagan sarf-xarajatlar hisobotga kiritilmaydi va ijodiy asar mualliflarining o'z mablag'lari hisobidan qoplanadi.

6-bob. Ishchi organ faoliyatini tashkil etish

25. Ishchi organning vazifalari quyidagilardan iborat:

xalqimizning boy madaniy merosi, milliy va umumbashariy qadriyatlariga hurmat tuyg'ularini madh etuvchi va istiqlolni ulug'lovchi ijodiy asarlarni yaratishga ko'maklashish;

o'zbek tasviriy va amaliy san'atini rivojlantirish yo'nalishlarida faoliyat olib borayotgan ijodkorlarning ijodiy imkoniyatlaridan unumli foydalanish;

tasviriy va amaliy san'at sohasidagi ijodkorlarning harakatlarini rag'batlantiruvchi muhit yaratish va buning uchun tashkiliy ishlarni amalga oshirish;

ijodkorlarning ijodiy asarlarni yaratish bo'yicha sa'y-harakatlarini qo'llab-quvvatlash, rag'batlantirish va targ'ib qilish maqsadida davlat buyurtmalarini shakllantirish.

26. Ishchi organ o'ziga yuklatilgan vazifalarni amalga oshirish uchun quyidagi huquqlarga ega:

taqdim etilgan ijodiy loyihalarni ushbu Nizomning 11-bandida belgilangan mezonlar doirasida chuqur tahlil qilish, dolzarbligini baholash, tanqidiy fikr-mulohazalar bildirish yoki qayta ishlashga tavsiya etish;

yaratilgan ijodiy asarlarning Boshqaruv kengashidagi muhokamasida ishtirok etib, tasviriy va amaliy san'atning yetakchi mutaxassislari bilan bir qatorda yangi asarning ijobiy yutuqlari bilan birga yo'l qo'yilgan kamchiliklariga xolisona munosabatda bo'lish va tavsiyalar berish;

ijodiy asarlar muhokamasiga yoki tahliliga boshqa soha mutaxassislarini ekspert sifatida jalb etish.

27. Ishchi organning majburiyatlari:

hududiy bo'linmalari bilan birgalikda davlat buyurtmasini amalga oshirish bo'yicha yuklatilgan vazifalarning sifatli va o'z vaqtida bajarilishini ta'minlash;

davlat buyurtmasini shakllantirish va ijodkorlar tomonidan ijodiy asarlarning yaratilishini ta'minlash bo'yicha Boshqaruv kengashining ishini tashkil etishga ko'maklashish;

taqdim etilgan ijodiy loyihalarni xolislik, shaffoflik va natijalarning asoslanganligi tamoyillari asosida ko'rib chiqish;

ijodkorlar tomonidan davlat buyurtmasi asosida yaratishga taqdim etilgan hamda tasdiqlangan ijodiy loyihalarni yaratish bo'yicha zarur ijodiy muhitni shakllantirish;

davlat buyurtmasi asosida ijodiy asarlarni yaratish uchun topshirilgan loyiha takliflarini hamda boshqa hujjatlarni qabul qilish va hisobga olish;

davlat buyurtmasiga da'vogar ijodiy loyihalarning ro'yxatini mazkur Nizom talablariga asosan shakllantirish;

ijodiy loyihalarning mazmun-mohiyati va g'oyasi ushbu Nizomning 11-bandida belgilangan mezonlarga muvofiq emas deb topilishini asoslantirish;

ijodiy asar saviyasini yanada oshirish yuzasidan mualliflarga yozma yoki og'zaki tavsiyalar berish va g'oyaviy-badiiy jihatdan ijobiy baholangan yoki tavsiyalar asosida qayta ishlangan ijodiy loyihalarni ko'rib chiqish;

davlat buyurtmasi asosida yaratiladigan ijodiy asarlar yillik rejasining loyihasini ishlab chiqish hamda tasdiqlash uchun Badiiy akademiya rahbariyatiga kiritish.

7-bob. Apellyatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish tartibi

28. Ijodkorlarning apellyatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish uchun Badiiy akademiya raisining buyrug'i bilan kamida uch nafar mutaxassislardan iborat toq sondagi tarkibda Apellyatsiya komissiyasi tashkil etiladi.

Apellyatsiya komissiyasiga boshqa tashkilotlardan ham mutaxassislar jalb etilishi mumkin.

Boshqaruv kengashi va Ishchi organ faoliyatida ishtirok etgan shaxslarning Apellyatsiya komissiyasi tarkibiga kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi.

29. Boshqaruv kengashi yoki Ishchi organning qarorlaridan norozi bo'lgan ijodkorlar qarorlar qabul qilingan kundan boshlab bir oy ichida Apellyatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda apellyatsiya shikoyati berishlari mumkin.

30. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyatini u kelib tushgan kundan boshlab besh ish kuni muddat ichida ko'rib chiqadi.

Ijodkor apellyatsiya shikoyatini ko'rib chiqishda ishtirok etish huquqiga ega.

Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati ko'rib chiqilishidan ikki kun oldin apellyatsiya shikoyatini ko'rib chiqish vaqti va joyi haqida ijodkorni ogohlantiradi.

31. Apellyatsiya komissiyasi unda a'zolarning kamida uchdan ikki qismi ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi.

Apellyatsiya komissiyasining qarori oddiy ko'pchilik ovoz bilan qabul qilinadi va majlisda ishtirok etgan barcha a'zolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnom bilan rasmiylashtiriladi.

Berilgan ovozlar soni teng bo'lib qolgan taqdirda, Apellyatsiya komissiyasi raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi.

32. Apellyatsiya komissiyasi ijodkorning apellyatsiya shikoyatini ko'rib chiqish natijasi bo'yicha apellyatsiya shikoyatini qanoatlantirish yoki qanoatlantirishni rad etish to'g'risida qaror qabul qiladi.

33. Apellyatsiya komissiyasining qarori ustidan sudga shikoyat qilinishi mumkin.

8-bob. Yakuniy qoidalar

34. Ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish jarayonida qabul

qilingan qarorlarning adolatliligi va haqqoniyligini ta'minlash, shuningdek Davlat byudjetidan ajratilgan mablag'larning to'g'ri sarflanishi bo'yicha shaxsiy javobgarlik Badiiy akademiya raisi zimmasiga yuklanadi.

35. Davlat buyurtmasini shakllantirishning ochiqligi va shaffofligini ta'minlash maqsadida Badiiy akademiya tomonidan o'zining rasmiy veb-saytida ijodkorlar taqdim etgan barcha loyiha takliflari, ushbu loyiha takliflarini ko'rib chiqish holati va natijalari (ular yuzasidan qabul qilingan qarorlar), shuningdek loyiha takliflarini mazkur Nizomning 11-bandida belgilangan mezonlarga muvofiq emas deb topish asoslari ochiq e'lon qilib boriladi.

36. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javob beradilar.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

703 Ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida “Tartibga solish qumdoni” maxsus huquqiy rejimi doirasida ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasi to‘g‘risidagi vaqtinchalik nizomni tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3700*

O‘zbekiston Respublikasining “Qimmatli qog‘ozlar bozori to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-fevraldagi PF–26-son “Uy-joy va ipoteka bozorini yanada rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida “Tartibga solish qumdoni” maxsus huquqiy rejimi doirasida ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasi to‘g‘risidagi vaqtinchalik nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor

D. LI

Toshkent sh.,
2025-yil 28-avgust,
1-son

Kelishildi:

Markaziy bank raisi

T. ISHMETOV

2025-yil 20-avgust

**Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo‘yicha vakil o‘rinbosari**

J. URUNOV

2025-yil 22-avgust

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 25-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 13-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasining
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining
2025-yil 28-avgustdagi 1-son buyrug'iga
ILOVA

Ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida “Tartibga solish qumdoni” maxsus huquqiy rejimi doirasida ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasi to'g'risidagi VAQTINCHALIK NIZOM

Mazkur vaqtinchalik nizom ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida “Tartibga solish qumdoni” maxsus huquqiy rejimi doirasida ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasini amalga oshirish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur vaqtinchalik nizomda quyidagi tushunchalar qo'llaniladi:

ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida “Tartibga solish qumdoni” maxsus huquqiy rejimi (bundan buyon matnda maxsus huquqiy rejim deb yuritiladi) — ipoteka obligatsiyalarini chiqarish uchun maxsus huquqiy rejim ishtirokchilariga alohida tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlarni yaratish jarayoni;

ipoteka obligatsiyasi — ipoteka qoplamasi bilan ta'minlangan va ipoteka agenti tomonidan chiqarilgan obligatsiya;

ipoteka qoplamasi — ipoteka agenti tomonidan ipoteka obligatsiyalarini chiqarish maqsadida olingan ipoteka kreditlari majmui (portfeli), ular bo'yicha foizlar va asosiy qarzni to'lashdan tushgan pul tushumlari ipoteka obligatsiyalari bo'yicha foizlarni to'lashga va ularning nominal qiymatini so'ndirishga yo'naltiriladi;

ipoteka kreditlarini sekyuritizatsiya qilish (bundan buyon matnda sekyuritizatsiya deb yuritiladi) — ipoteka kreditlarini yig'ib, ularni ipoteka qoplamasi sifatida ipoteka agentiga o'tkazish va shu ipoteka qoplamasi ta'minoti asosida ipoteka obligatsiyalarini chiqarish jarayoni;

ipoteka kreditini oluvchi — originatordan ipoteka kreditini olgan shaxs (ipotekaga qo'yuvchi);

ro'yxatdan o'tkazuvchi organ — O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi;

defolt holati — ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritilgan ipoteka krediti (foiz yoki asosiy qarz) bo'yicha qarz oluvchi tomonidan to'lovning 90 kalendar kun yoki undan ortiq muddatga kechiktirilganligi;

loan-level-data fayli (bundan buyon matnda LLD-fayl deb yuritiladi) — ipoteka qoplamasi tarkibiga kiradigan ipoteka kreditlari bo'yicha batafsil ma'lumotlarni o'z ichiga olgan hujjat.

2. Mazkur vaqtinchalik nizomda nazarda tutilgan ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasi Ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida “Tartibga solish qumdoni” maxsus huquqiy rejimini joriy etish to'g'risidagi nizomga (ro'yxat

raqami 3648, 2025-yil 14-iyul) muvofiq tashkil etiladigan maxsus huquqiy rejim doirasida amalga oshiriladi.

2-bob. Sekyuritizatsiya ishtirokchilari

1-§. Originator

3. Originator — ipoteka kreditini oluvchiga ipoteka kreditlarini ajratuvchi va keyinchalik mazkur ipoteka kreditlarini ipoteka agentiga ipoteka obligatsiyalarini chiqarish uchun o'tkazadigan bank hisoblanadi.

4. Originator ipoteka agenti tomonidan chiqariladigan va ushbu originatorning ipoteka kreditlaridan shakllantirilgan ipoteka qoplamasi bilan ta'minlangan ipoteka obligatsiyalarini sotib olishga haqli.

2-§. Ipoteka agenti

5. Ipoteka agenti — “O'zbekiston ipotekani qayta moliyalashtirish kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati (bundan buyon matnda Kompaniya deb yuritiladi) tomonidan tashkil etilgan hamda maxsus huquqiy rejim ishtirokchisi bo'lgan maxsus vakolatli tashkilot hisoblanadi.

6. Ipoteka agenti o'z xodimlariga ega bo'lmaydi.

Ipoteka agenti va uning boshqaruv organlarining (jumladan, yakkaboshchilik asosidagi ijroiya organining) barcha funksiyalari hamda vakolatlari Kompaniya tomonidan amalga oshiriladi.

7. Ipoteka agenti bilan tuziladigan shartnomalar ipoteka agenti nomidan Kompaniyaning tegishli vakolatli shaxsi tomonidan imzolanadi.

8. Ipoteka agenti Kompaniyaning joylashgan joyi (pochta manzili) bo'yicha davlat ro'yxatidan o'tkaziladi.

Bunda, ipoteka agentini davlat ro'yxatidan o'tkazish yoki qayta ro'yxatdan o'tkazishda Kompaniyaning ko'chmas mulkka bo'lgan mulk, ijara yoki tekin foydalanish huquqini tasdiqlovchi hujjat ipoteka agentining joylashgan joyi (pochta manzili) sifatida qayd qilish uchun asos hisoblanadi.

9. Ipoteka agentining faoliyati bo'yicha buxgalteriya hisobi Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga (ro'yxat raqami 3263, 2020-yil 30-iyun) muvofiq yuritiladi.

10. Ipoteka agentining ixtiyoriy tugatilishiga faqat mazkur ipoteka agentining joylashtirilgan va muomalada bo'lgan barcha ipoteka obligatsiyalari so'ndirilganidan keyin yo'l qo'yiladi.

3-§. Xizmat ko'rsatuvchi agent va zaxiradagi xizmat ko'rsatuvchi agent

11. Xizmat ko'rsatuvchi agent — ipoteka agentining ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritilgan ipoteka kreditlariga ipoteka agenti bilan tuzilgan shartnoma asosida xizmat ko'rsatuvchi bank hisoblanadi.

12. Ipoteka agenti bilan tuzilgan shartnoma doirasida xizmat ko'rsatuvchi

agent ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritilgan ipoteka kreditlari bilan bog'liq quyidagi xizmatlarni ko'rsatadi:

ipoteka kreditini oluvchilarga ipoteka agenti nomidan xizmatlar ko'rsatadi;

ipoteka kreditlarini monitoring qiladi va ular bo'yicha to'lovlarning o'z vaqtida amalga oshirilishini nazorat qiladi;

ipoteka kreditini oluvchilardan ipoteka kreditlari bo'yicha foizlar va asosiy qarz summalarini qaytarish hisobiga olingan pul mablag'larini ular kelib tushgan sanadan boshlab uch ish kuni mobaynida ipoteka agentining maxsus bank hisobvarag'iga o'tkazadi;

xizmat ko'rsatiladigan ipoteka kreditlarining tahliliy hisobini yuritadi;

ipoteka agenti va Kompaniyaga har oyda yoki so'rov bo'yicha ipoteka kreditlari bo'yicha batafsil axborotni, shu jumladan ipoteka krediti bo'yicha asosiy qarz va foizlar summalarining qoldiqlarini, shuningdek to'lanishi lozim bo'lgan boshqa to'lovlarni ko'rsatgan holda hisobot taqdim etadi;

kredit axboroti almashinuvi to'g'risidagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq xizmat ko'rsatiladigan ipoteka kreditlari to'g'risidagi axborotni Kredit axborotining davlat reyestriga va kredit byurolariga taqdim etadi.

13. Zaxiradagi xizmat ko'rsatuvchi agent — dastlab tayinlangan xizmat ko'rsatuvchi agent tomonidan ipoteka kreditlari bo'yicha xizmat ko'rsatish rad etilgan yoki bajarilishi mumkin bo'lmagan taqdirda, ipoteka agenti bilan tuzilgan shartnoma asosida xizmat ko'rsatuvchi agent funksiyalarini o'z zimmasiga oladigan bank hisoblanadi.

14. Xizmat ko'rsatuvchi agent ipoteka kreditlariga xizmat ko'rsatish zaxiradagi xizmat ko'rsatuvchi agentga o'tkazilishi to'g'risidagi xabarnoma olingan sanadan e'tiboran ikki ish kuni ichida zaxiradagi xizmat ko'rsatuvchi agentga ipoteka qoplamasi tarkibiga kiradigan ipoteka kreditlari bo'yicha barcha to'liq va ishonchli ma'lumotlarni berishi shart.

4-§. Kompaniya

15. Kompaniya ipoteka agentini tashkil etib, uning davlat ro'yxatidan o'tkazilishi, maxsus huquqiy rejim ishtirokchisi sifatida ro'yxatdan o'tkazilishi va faoliyati amalga oshirilishini ta'minlaydi.

16. Kompaniya mazkur bobning 2-paragrafida belgilangan vazifalardan tashqari quyidagilarni amalga oshiradi:

ipoteka qoplamasining hisobini yuritadi;

ipoteka qoplamasi tarkibiga kiradigan ipoteka kreditlari bo'yicha foizlar va asosiy qarzdan tushgan pul mablag'larini hisobga olgan holda ipoteka obligatsiyalarining foiz to'lovlari va nominal qiymatini so'ndirishni amalga oshiradi;

ipoteka agentining uchinchi shaxslar oldidagi majburiyatlarini bajarish, shuningdek ipoteka agenti faoliyatini ta'minlash bilan bog'liq boshqa majburiyatlar bo'yicha to'lovlar hisob-kitobini amalga oshiradi;

ipoteka agentining foizlarni to'lash va ipoteka obligatsiyalarining nominal qiymatini so'ndirish bo'yicha majburiyatlari yuzasidan kafil bo'ladi;

ipoteka agenti nomidan buxgalteriya va soliq hisobini yuritadi;

davlat organlari hamda boshqa foydalanuvchilarga ipoteka agenti nomidan soliq, moliyaviy va boshqa hisobotlarni taqdim etadi;

ipoteka agentining, shu jumladan ipoteka obligatsiyalari emitenti sifatidagi faoliyatiga oid ma'lumotlarni oshkor qiladi;

ipoteka agenti nomidan qonunchilik va shartnomalarga muvofiq boshqa vazifalarni amalga oshiradi.

5-§. “Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi” aksiyadorlik jamiyati va maxsus xizmat ko‘rsatuvchi agent

17. “Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi” aksiyadorlik jamiyati (bundan buyon matnda Markaziy depozitariy deb yuritiladi) — to‘lov agenti bo‘lib, ipoteka obligatsiyalari bo‘yicha foizlarni to‘lash va ularning nominal qiymatini so‘ndirish u orqali amalga oshiriladi.

18. Maxsus xizmat ko‘rsatuvchi agent — Kompaniya bilan tuzilgan shartnoma asosida Kompaniyaning defolt holati yuzaga kelgan ipoteka kreditlari bilan ishlash bo‘yicha xizmatlar ko‘rsatuvchi bank hisoblanadi.

19. Maxsus xizmat ko‘rsatuvchi agent Kompaniya bilan tuzilgan shartnoma doirasida defolt holati yuzaga kelgan ipoteka kreditlari bo‘yicha asosiy qarz va foizlarni undirish hamda shartnomada belgilangan boshqa xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha ishlarni amalga oshiradi.

3-bob. Ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlariga qo‘yiladigan talablar

20. Ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlari quyidagi shartlarga muvofiq bo‘lishi kerak:

kreditning garovga nisbati ko‘rsatkichi 75 foizdan kam bo‘lmasligi;

ipoteka kreditini oluvchining qarz yuki ko‘rsatkichi 70 foizdan ko‘p bo‘lmasligi;

ipoteka krediti berilgan sanadan boshlab 6 oydan ko‘p muddat o‘tganligi;

garovga qo‘yilgan ko‘chmas mulk ipoteka kreditining butun muddatiga yo‘qolish va (yoki) shikastlanish tavakkalchiliklaridan originator foydasiga sug‘urtalangan bo‘lishi;

ipoteka kreditlari Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 2696, 2015-yil 14-iyul) muvofiq “standart” toifasiga kirishi;

ipoteka (kredit) shartnomasida kreditorning (originatorning) talabidan boshqa shaxs foydasiga voz kechishi uchun qarzdorning (ipoteka kreditini oluvchining) roziligini olish sharti nazarda tutilmagan bo‘lishi.

Bunda, ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlari bo‘yicha kreditning garovga nisbati ko‘rsatkichi va qarz yuki ko‘rsatkichi Banklarga o‘rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha to‘lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3618, 2025-yil 22-aprel) muvofiq aniqlanadi.

21. Ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlari bo'yicha quyidagi hujjatlar mavjud bo'lishi kerak:

ipoteka va kredit shartnomalari;

to'lovlar jadvali;

sug'urta polisi;

ipoteka predmeti ipotekaga beruvchiga tegishli ekanligini tasdiqlovchi hujjat;

ipoteka shartnomasi ro'yxatdan o'tkazilganligi to'g'risidagi davlat reyestridan ko'chirma.

22. Bitta ipoteka krediti faqat bitta ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritilishi mumkin. Bitta ipoteka qoplamasidan ipoteka agenti tomonidan chiqariladigan ipoteka obligatsiyalarining faqat bitta emissiyasini ta'minlash uchun foydalaniladi.

4-bob. Ipoteka kreditlarini o'tkazish bilan bog'liq bitimni rasmiylashtirish va uni davlat ro'yxatidan o'tkazish

23. Ipoteka kreditlarini o'tkazish bilan bog'liq bitimni (bundan buyon matnda bitim deb yuritiladi) tuzish uchun originator mazkur vaqtinchalik nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiq keladigan hamda ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlari bo'yicha LLD-fayl ko'rinishidagi axborotni ilova qilgan holda yozma yoki elektron shakldagi arizani Kompaniyaga taqdim etadi.

Bunda, LLD-fayl ko'rinishidagi axborot quyidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olishi lozim:

ipoteka kreditining shartlari (summasi, muddati, foiz stavkasi va boshqalar);

ipoteka krediti bo'yicha garov obyekt (obyektning turi, baholangan qiymati, garovga olingan qiymati va boshqalar);

ipoteka krediti bo'yicha to'lovlar (oylik to'lovlar miqdori, ipoteka kreditini oluvchining to'lov intizomi va boshqalar);

ipoteka kreditlarining mazkur Nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiqligini tasdiqlovchi ma'lumotlar;

bitimni tuzish uchun zarur bo'lgan boshqa ma'lumotlar.

24. Kompaniya originator tomonidan taqdim etilgan arizani ko'rib chiqish jarayonida ipoteka kreditlari bo'yicha birlamchi hujjatlarni LLD-fayl ko'rinishidagi axborotga hamda mazkur vaqtinchalik nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiqligini tanlab tekshirishni amalga oshiradi.

25. Originator tomonidan taqdim etilgan ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlari bo'yicha ma'lumotlar ipoteka kreditlarining birlamchi hujjatlariga va (yoki) mazkur vaqtinchalik nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiq bo'lmagan taqdirda, Kompaniya tomonidan originator bilan bitimni tuzish rad etiladi hamda bu haqida bir ish kuni ichida originatorga xabarnoma yuboriladi.

26. Ipoteka agenti originator tomonidan taqdim etilgan va mazkur vaqtinchalik nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiq bo'lgan ipoteka kreditlaridan ipoteka qoplamasiga kiritiladigan ipoteka kreditlari ro'yxatini shakllantiradi hamda originator bilan birgalikda bitim (oldi-sotdi shartnomasi yoki qonunchilikda belgilangan boshqa shartnoma) va boshqa shartnomalar (shu jumladan, xizmat

ko'rsatuvchi agent va maxsus xizmat ko'rsatuvchi agent bilan shartnomalar, ipoteka agentining bankdagi hisobvarag'i hamda bitimni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan boshqa shartnomalar) loyihalarini ishlab chiqadi va kelishadi.

27. Bitim ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlari bo'yicha originatorga tegishli bo'lgan huquqdan (talabdan) ipoteka agenti foydasiga voz kechishni nazarda tutadi hamda mazkur bitim oldi-sotdi shartnomasi yoki qonunchilikda belgilangan boshqa shartnoma shaklida rasmiylashtirilishi mumkin.

Bunda, ipoteka agentiga o'tkazilayotgan ipoteka kreditlari bo'yicha ipoteka (kredit) shartnomalari ro'yxati bitimga ilova qilinadi.

28. Bitim O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 320-moddasiga muvofiq ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritiladigan ipoteka kreditlari bo'yicha ipoteka (kredit) shartnomalari qaysi shaklda (oddiy yozma yoki notarial) tuzilgan bo'lsa, o'sha shaklda tuziladi.

29. Mazkur vaqtinchalik nizomning 28-bandidan kelib chiqadigan ipoteka predmetiga bo'lgan huquqlarning originatoridan ipoteka agentiga o'tishi ko'chmas mulkka bo'lgan huquqlarni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risidagi qonun hujjatlariga muvofiq davlat ro'yxatidan o'tkazilishi kerak.

30. Originator ipoteka agentiga o'tkazilgan ipoteka kreditlari bo'yicha ipoteka kreditini oluvchilarni bu haqida bitim davlat ro'yxatidan o'tkazilgan sanadan uch ish kundan kechiktirmay yozma ravishda xabardor qilishi lozim.

5-bob. Ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasi

31. Ipoteka obligatsiyalarini chiqarish, davlat ro'yxatidan o'tkazish, joylashtirish va ularning muomalasi O'zbekiston Respublikasining "Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida"gi Qonuni, Qimmatli qog'ozlar emissiyasi va emissiyaviy qimmatli qog'ozlar chiqarilishlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish qoidalari (ro'yxat raqami 2000, 2009-yil 30-avgust), mazkur vaqtinchalik nizom va boshqa qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladi.

Bunda, mazkur vaqtinchalik nizomda boshqacha qoida belgilanmagan bo'lsa, ipoteka obligatsiyalarini chiqarish, davlat ro'yxatidan o'tkazish, joylashtirish va ularning muomalasi korporativ obligatsiyalar uchun belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

Zarur hollarda, ro'yxatdan o'tkazuvchi organ ipoteka agentining ipoteka obligatsiyalarini chiqarilishini davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risidagi arizasini ko'rib chiqish jarayonida undan qo'shimcha ma'lumotlarni so'rab olish huquqiga ega.

32. Ipoteka obligatsiyalarini joylashtirish va ularning muomalasi "Toshkent" respublika fond birjasi" aksiyadorlik jamiyatida amalga oshiriladi.

33. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki bilan banklar o'rtasidagi ipoteka obligatsiyalari bo'yicha REPO operatsiyalari "O'zbekiston respublika valyuta birjasi" aksiyadorlik jamiyatida birja savdosi qoidalari muvofiq amalga oshiriladi.

34. "O'zbekiston respublika valyuta birjasi" aksiyadorlik jamiyatida ipoteka obligatsiyalari bilan REPO operatsiyalari amalga oshirilganda, Markaziy depozitariy keyinchalik REPO bitimini amalga oshirish uchun REPO tashabbuskori bo'lgan

bankning depo hisobvarag'iga ipoteka obligatsiyalarining zarur miqdorda yetkazib berilishini ta'minlaydi.

Bunda, "Toshkent" respublika fond birjasi" aksiyadorlik jamiyatida ipoteka obligatsiyalari bo'yicha bitimlarning narxlari to'g'risidagi ma'lumotlar "O'zbekiston respublika valyuta birjasi" aksiyadorlik jamiyatining savdo platformasida Markaziy depozitariy va (yoki) "Toshkent" respublika fond birjasi" aksiyadorlik jamiyatining axborot tizimi orqali aks ettirilishi lozim.

35. Ipoteka obligatsiyalari egalari yoxud egalarining reyestrini shakllantirish Markaziy depozitariy tomonidan amalga oshiriladi.

6-bob. Ipoteka obligatsiyalari bo'yicha foizlar va ularning nominal qiymatini to'lash

36. Ipoteka agenti tomonidan ipoteka obligatsiyalari bo'yicha foizlarni to'lash va ularning nominal qiymatini so'ndirish faqat Markaziy depozitariy orqali amalga oshiriladi.

37. Ipoteka agenti ipoteka obligatsiyalari bo'yicha foizlarni to'lash va ularning nominal qiymatini so'ndirish uchun Markaziy depozitariyda shaxsiy hisobvara q ochadi.

38. Ipoteka agenti ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritilgan ipoteka kreditlari bo'yicha ipoteka kreditini oluvchilarning to'lovlarini (asosiy qarz, foizlar, penya va boshqalarni) ular ipoteka agentining maxsus bank hisobvarag'iga kelib tushgan kundan e'tiboran uch ish kunidan kechiktirmay Markaziy depozitariydagi shaxsiy hisobvarag'iga o'tkazadi.

39. Markaziy depozitariy ipoteka agentining shaxsiy hisobvarag'idagi pul mablag'laridan ipoteka obligatsiyalari bo'yicha foiz to'lovlarini va nominal qiymatining so'ndirilishini ipoteka obligatsiyalarining egalari q ipoteka obligatsiyalarini chiqarish shartlariga muvofiq o'tkazib beradi.

40. Markaziy depozitariy ipoteka agentining shaxsiy hisobvarag'iga kelib tushadigan va ipoteka obligatsiyalari bo'yicha foizlarni to'lash hamda ularning nominal qiymatini so'ndirish uchun mo'ljallangan pul mablag'larining hisobini yuritadi va har oyning 10 sanasigacha ro'yxatdan o'tkazuvchi organga bu haqidagi axborotni taqdim etadi.

41. Ipoteka agentining xizmat ko'rsatuvchi agentda ochilgan maxsus bank hisobvarag'i va Markaziy depozitariydagi shaxsiy hisobvarag'iga kelib tushadigan pul mablag'laridan mazkur vaqtinchalik nizomda nazarda tutilmagan maqsadlarda foydalanilishiga yo'l qo'yilmaydi.

7-bob. Ipoteka agenti va (yoki) ipoteka kreditini oluvchilarning majburiyatlari bajarilishini ta'minlash

42. Ipoteka obligatsiyalarining ular muomalada bo'lgan muddat davomida ipoteka qoplamasi bilan ta'minlanganlik miqdori ularning so'ndirilmagan nominal qiymatidan kam bo'lmasligi lozim.

43. Kompaniya ipoteka agentining ipoteka obligatsiyalari egalari oldidagi

foizlarni (kuponlarni) to'lash va ipoteka obligatsiyalarining nominal qiymatini so'ndirish bo'yicha majburiyatlari yuzasidan kafil bo'ladi.

44. Ipoteka qoplamasi tarkibiga kiritilgan ipoteka kreditlari bo'yicha defolt holati yuzaga kelgan taqdirda, xizmat ko'rsatuvchi agent uch kun ichida ipoteka kreditlari bo'yicha defolt holati yuzaga kelganligi to'g'risidagi axborotni Markaziy depozitariy va Kompaniyaga yuboradi.

45. Kompaniya defolt holati yuzaga kelgan ipoteka kreditini ipoteka agentidan sotib oladi hamda defolt holati yuzaga kelgan kundan e'tiboran besh ish kunidan kechiktirmay xizmat ko'rsatuvchi agentda ochilgan ipoteka agentining maxsus bank hisobvarag'iga ipoteka obligatsiyalari bo'yicha barcha hisoblangan foizlar summasi va defolt holati yuzaga kelgan sanadagi ipoteka krediti bo'yicha asosiy qarz qoldig'i miqdoridagi pul mablag'larini o'tkazadi.

Kompaniya tomonidan defolt holati yuzaga kelgan ipoteka krediti sotib olingandan so'ng, bunday ipoteka kreditlari ipoteka obligatsiyalarining ta'minotiga qo'yilgan ipoteka qoplamasi tarkibidan chiqariladi hamda ipoteka obligatsiyalarining nominal qiymati tegishli miqdorda so'ndiriladi.

Defolt holati yuzaga kelgan ipoteka kreditlari bo'yicha ipoteka kreditini oluvchilardan to'lovlarni undirish ishlari maxsus xizmat ko'rsatuvchi agent tomonidan amalga oshiriladi.

46. Kompaniya ipoteka agenti balansiga qabul qilingan ipoteka qoplamasi va ipoteka agentidan sotib olingan defolt holati yuzaga kelgan ipoteka kreditlarini Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 2696, 2015-yil 14-iyul) muvofiq tasniflaydi hamda ular bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralarni shakllantiradi.

8-bob. Maxsus qoidalar

47. Mazkur vaqtinchalik nizomga muvofiq ipoteka obligatsiyalarini chiqarish huquqiga ega bo'lgan ipoteka agentidan boshqa shaxslar "ipoteka obligatsiyalari" va "ipoteka qoplamasi" degan so'zlardan foydalangan holda pul mablag'lari va boshqa mol-mulkni jalb etishga, shuningdek o'z nomida "ipoteka agenti" degan so'zlarni har qanday shaklda ishlatishga haqli emas.

48. Mazkur Vaqtinchalik nizomda belgilangan ipoteka qoplamasiga kiritiladigan ipoteka kreditlarini originatordan ipoteka agentiga, shuningdek defolt holati yuzaga kelgan ipoteka kreditlarini ipoteka agentidan Kompaniyaga sotish (o'tkazish) kredit shartnomalaridan kelib chiqadigan majburiyatlar yuzasidan kreditorning huquqlaridan (talablaridan) boshqa shaxs foydasiga voz kechish (ularni boshqalarga berish, olish) bo'yicha moliyaviy operatsiyalarga kiradi.

49. Ipoteka obligatsiyalarining bitta chiqarilishi doirasida joylashtirilgan ipoteka obligatsiyalari ta'minoti sifatida qo'yilgan ipoteka qoplamasi tarkibiga kiruvchi ipoteka kreditlari bo'yicha defolt holati yuzaga kelgan taqdirda, ro'yxatdan o'tkazuvchi organ Kompaniya va ipoteka agentiga ushbu ipoteka obligatsiyalari bo'yicha majburiyatlarni bajarish to'g'risida ko'rsatma kiritadi.

Ipoteka kreditlari bo'yicha birinchi defolt holati yuzaga kelganidan keyin bir

kalendar yil ichida ikkinchi defolt holati yuzaga kelganda, ro'yxatdan o'tkazuvchi organ tegishli chiqarilishdagi ipoteka obligatsiyalarining muomalasini muddatidan oldin to'xtatish va so'ndirish to'g'risida qaror qabul qiladi.

9-bob. Yakuniy qoida

50. Mazkur vaqtinchalik nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo'ladilar.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

704 O‘zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (4-son RXMS) “Ko‘chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish”ni tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3701*

O‘zbekiston Respublikasining “Rieltorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-yanvardagi 23-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (4-son RXMS) “Ko‘chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish” ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq Rieltorlik tashkilotlari uyushmasi va O‘zbekiston rieltorlar gildiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. ORTIKOV

Toshkent sh.,
2025-yil 17-oktabr,
01/11-14/45-son

Kelishildi:

**Rieltorlik tashkilotlari
uyushmasi raisi**

A. ALIYEV

2025-yil 16-oktabr

Rieltorlar gildiyasi raisi

B. NASRULLAYEV

2025-yil 9-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Davlat aktivlarini boshqarish agentligi
direktorining 2025-yil 17-oktabrdagi
01/11-14/45-son buyrug'iga
ILOVA

O'zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (4-son RXMS) “Ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish”

Mazkur Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (4-son RXMS) “Ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish” (bundan buyon matnda standart deb yuritiladi) rieltorlik tashkilotlari tomonidan ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish bo'yicha xizmatlar ko'rsatish yuzasidan amalga oshiriladigan rieltorlik faoliyatiga qo'yiladigan talablarni belgilaydi.

1-bob. Asosiy tushunchalar

1. Mazkur standartda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish — rieltorlik tashkilotiga (ishonchli boshqaruvchiga) qonunchilikda belgilangan tartibda tuzilgan ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish shartnomasi asosida berilgan ko'chmas mulk obyektlarini rieltorlik tashkiloti tomonidan o'z nomidan haq evaziga muayyan muddat davomida boshqaruv muassisining yoki u ko'rsatgan shaxsning (foyda oluvchining) manfaatlarini ko'zlab boshqarishning amalga oshirilishi;

ishonchli boshqaruvchi — ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish bo'yicha xizmatlar ko'rsatuvchi rieltorlik tashkiloti;

ishonchli boshqarish muassisi (bundan buyon matnda boshqaruv muassisi deb yuritiladi) — ishonchli boshqarishga topshirilayotgan ko'chmas mulk obyektining egasi bo'lgan jismoniy yoki yuridik shaxs. Qonunda nazarda tutilgan hollarda boshqaruv muassisi sifatida notarius, vasiylik va homiylik organi, sud yoki boshqa vakolatli organ ishtirok etishi mumkin;

foyda oluvchi — ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish uning manfaatlari yo'lida amalga oshiriladigan jismoniy yoki yuridik shaxs (ishonchli boshqaruvchi bundan mustasno);

ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarish shartnomasi (bundan buyon matnda shartnoma deb yuritiladi) — bu ko'chmas mol-mulknini boshqa shaxsga berish haqidagi shartnoma uchun nazarda tutilgan shaklda va tartibda tuziladigan va qonunchilikda belgilangan tartibda davlat ro'yxatidan o'tkaziladigan shartnoma bo'lib, uning asosida bir taraf (boshqaruv muassisi) ikkinchi tarafga (ishonchli boshqaruvchiga) ko'chmas mulk obyektini muayyan muddatga ishonchli boshqarishga topshiradi, ikkinchi taraf esa ushbu ko'chmas mulk obyektini boshqaruv muassisi yoki u ko'rsatgan shaxsning (foyda oluvchining) manfaatlarini ko'zlab boshqarish majburiyatini oladi;

ko'chmas mulk obyektlari — yer uchastkalari, binolar va inshootlar

(ularning bir qismi), ko'p yillik dov-daraxtlar, ko'p kvartirali uylardagi kvartiralar, xususiy uylar, ko'p qavatli imoratlardagi xonalar hamda yer bilan uzviy bog'langan boshqa obyektlar, ya'ni belgilangan maqsadiga nomutanosib zarar yetkazmagan holda joyini o'zgartirish mumkin bo'lmaydigan obyektlar. Ushbu standart maqsadlarida yer osti boyliklari (yer qa'ri), shu jumladan foydali qazilmalar koni ko'chmas mulk obyektlari jumlasiga kirmaydi;

rieltorlik faoliyati sohasidagi vakolatli davlat organi — O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi.

2-bob. Umumiy qoidalar

2. Mazkur standartning maqsadi ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarishning quyidagilarni ta'minlovchi yagona va shaffof mexanizmlarini belgilashdan iborat:

mulkdorlar huquqlarining himoya qilinishi;

bitimlarni amalga oshirish chog'idagi shaffoflik va xavf-xatarlarning kamaytirilishi;

ko'chmas mulk obyektlarini professional boshqarish;

ko'chmas mulk bozorining O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga muvofiq barqaror rivojlanishi.

3. Ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish bo'yicha xizmatlar ko'rsatuvchi rieltorlik tashkilotlari qonunchilik hujjatlariga va ushbu standart talablariga rioya qilishi majburiydir.

4. Standartning amal qilishi:

davlat ko'chmas mulk obyektlarini boshqarish bilan bog'liq munosabatlarga; yagona mulkiy majmua sifatida butun korxonaga nisbatan tatbiq etilmaydi.

3-bob. Ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarishning vujudga kelish asoslari va undagi mavjud cheklovlar

5. Ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarish quyidagilar asosida vujudga keladi:

boshqaruv muassisi bilan ishonchli boshqaruvchi o'rtasida tuziladigan ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarish shartnomasi;

vasiyatning ijrochisi (ishonchli boshqaruvchi) tayinlangan vasiyatnoma;

sud qarori;

vasiylik va homiylik organining vasiylikka olingan shaxsning ko'chmas mulk obyektini ustidan vasiylik belgilash to'g'risidagi qarori;

qonun hujjatlarida nazarda tutilgan hollarda boshqa yuridik faktlar.

6. Operativ boshqaruvda bo'lgan ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarishga topshirilishi mumkin emas. Operativ boshqaruvda bo'lgan ko'chmas mulk obyektini uni operativ boshqaruvda saqlab turgan yuridik shaxs tugatilganidan yoki ko'chmas mulk obyektiga nisbatan operativ boshqaruv huquqi bekor qilinganidan hamda u qonunda nazarda tutilgan boshqa asoslarga ko'ra mulkdorning egaligiga o'tganidan keyingina ishonchli boshqarishga topshirilishi mumkin.

7. Ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarishga topshirish ushbu ko'chmas

mulk obyektiga bo'lgan mulk huquqining ishonchli boshqaruvchiga o'tishiga olib kelmaydi.

4-bob. Ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarishda bajariladigan ishlar (xizmatlar) tarkibi

8. Ishonchli boshqaruvchi boshqaruv muassisining (foyda oluvchining) manfaatlarini ko'zlagan holda quyidagi ishlarni (xizmatlarni) shartnomaga muvofiq bajaradi:

ko'chmas mulk obyektlarini boshqarish, shu jumladan boshqaruv muassisi bilan tuzilgan shartnomaviy munosabatlar doirasida o'ziga ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektlarini ishonchnoma asosida sotish (bundan buyon matnda sotish deb yuritiladi);

daromadlar va xarajatlarni boshqarish, ko'chmas mulk obyektlarini ijaraga berishdan yoki boshqa manbalardan olingan daromadlar hisobini yuritish, shuningdek ko'chmas mulk obyektlaridan foydalanish, ularni ta'mirlash va ularga xizmat ko'rsatish xarajatlarini amalga oshirish;

boshqaruv muassisining (foyda oluvchining) manfaatlarini ko'zlab uchinchi shaxslar bilan ko'chmas mulk obyektlarini ijaraga berish, ikkilamchi ijaraga berish shartnomalarini, ta'mirlash-qurilish ishlar uchun pudrat shartnomalarini va ko'chmas mulk obyektlarini samarali boshqarish uchun zarur bo'lgan boshqa bitimlarni tuzish;

ko'chmas mulk obyektlariga texnik xizmat ko'rsatishni tashkil etish, ularni joriy va kapital ta'mirlash, foydalanishning texnik normalariga rioya qilish, shuningdek ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektlaridan foydalanishning avariya oqibatlarini va buzilishlarini bartaraf etish;

boshqaruv muassisining (foyda oluvchining) manfaatlarini ifodalash, uchinchi shaxslar, jumladan ijarachilar, kommunal xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar, zarur hollarda sudlarda va boshqa idoralarda (tashkilotlarda) belgilangan tartibda boshqaruv muassisining (foyda oluvchining) manfaatlarini ifodalash;

ko'chmas mulk obyektlarining rentabelligini yaxshilash va bozor qiymatini oshirish maqsadida boshqaruv muassisining roziligini olgan holda ko'chmas mulk obyektini modernizatsiyalash, rekonstruksiya qilish, kengaytirish, qayta jihozlash;

ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish doirasida boshqa tashkilotlar bilan tuzilgan shartnoma shartlariga rioya etilishini ta'minlash, kontragentlar bilan nizolarni hal etish;

soliq organlari bilan o'zaro hamkorlik qilish, ko'chmas mulk obyektlaridan foydalanishda olinadigan daromadlar deklaratsiyasini tayyorlash, boshqaruv muassisi nomidan soliqlar to'lanishini va boshqa zarur harakatlarni tashkil etish.

5-bob. Ishonchli boshqarish obyektlari

9. Ishonchli boshqarishga topshiriladigan ko'chmas mulk obyektlari ishonchli boshqarish obyektlari hisoblanadi.

10. Quyidagilar ishonchli boshqarish obyektlari bo'lishi mumkin emas:

qonunchilikda belgilangan tartibda xatlab qo'yilgan yoki taqiq mavjud bo'lgan ko'chmas mulk obyektlari;

o'zboshimchalik bilan qurilgan bino va inshootlar;

qurilishi tugallangan obyektlarni foydalanishga topshirish va qabul qilish talablariga rioya qilinmagan obyektlar;

xizmat turar joylari, maxsus uylar (yotoqxonalar, vaqtinchalik uy-joy fondi uylari, nogironligi bo'lgan shaxslar, faxriylar, yolg'iz qariyalar uchun internat-uyalar, shuningdek, bolalar uylari va boshqa maxsus maqsadli uylar);

mulkka oid nizolar mavjud bo'lgan ko'chmas mulk obyektlari;

qonunchilik hujjatlari bilan ishonchli boshqarishga topshirish taqiqlangan ko'chmas mulk obyektlari (masalan, qo'riqxonalar, mudofaa obyektlari, tabiatni muhofaza qilish zonalari, o'rmon fondi, madaniy meros obyektlari va hokazolar).

6-bob. Ishonchli boshqarish subyektlari

11. Boshqaruv muassislari va ko'chmas mulk obyektlarining ishonchli boshqaruvchilari, shuningdek foyda oluvchilar ishonchli boshqarish subyektlari hisoblanadi.

12. Quyidagilar boshqaruv muassisi bo'lishi mumkin:

ko'chmas mulk obyektining egasi;

yer uchastkasiga meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilish huquqiga ega bo'lgan shaxs;

qonunda nazarda tutilgan hollarda — notarius, vasiylik va homiylik organi, sud yoki boshqa vakolatli organ.

13. Ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish bo'yicha xizmatlar ko'rsatadigan rieltorlik tashkiloti ishonchli boshqaruvchi bo'lishi mumkin.

14. Ko'chmas mulk obyektlari davlat organiga ishonchli boshqaruvga berilishi mumkin emas.

15. Ishonchli boshqaruvchidan tashqari har qanday shaxs foyda oluvchi bo'lishi mumkin.

7-bob. Boshqaruv muassisining huquq va majburiyatlari

16. Boshqaruv muassisi quyidagilarga haqli:

ishonchli boshqaruvchidan malaka sertifikatini ko'rsatilishini talab qilish;

shartnoma bajarilishining borishi haqida, ko'chmas mulk obyektlarining holati va ularni boshqarish to'g'risida ishonchli axborot olish;

boshqaruvga topshirilgan ko'chmas mulk obyekti to'g'risidagi axborotning maxfiyligiga rioya etilishini talab qilish;

ishonchli boshqaruvchidan tuzilgan shartnoma shartlariga muvofiq amalga oshirilgan ishlar to'g'risida shartnomada belgilangan muddatlarda va tartibda hisobot taqdim etishni talab qilish;

qonunchilik doirasida va taraflarning o'zaro kelishuviga ko'ra, shartnoma shartlariga o'zgartirish(lar) kiritish tashabbusi bilan chiqish;

ishonchli boshqaruvchi tomonidan shartnoma shartlari buzilgan taqdirda,

shartnomaning bekor qilinishini hamda bekor qilish tufayli yetkazilgan zararining o'rnini qoplanishini va ma'naviy ziyonning kompensatsiya qilinishini talab qilish;

ko'chmas mulk obyektlariga va ularga bo'lgan huquqlarga doir tuzilishi mo'ljallanayotgan bitimning xususiyati hamda huquqiy oqibatlarini to'g'risida ishonchli boshqaruvchidan yozma shaklda axborot olish;

o'z huquqlari va qonuniy manfaatlarini buzilgan taqdirda rieltorlik faoliyati sohasidagi vakolatli davlat organiga, iste'molchilarning huquqlarini himoya qiluvchi tashkilotlarga, rieltorlik faoliyati sohasidagi professional jamoat birlashmalariga, shuningdek sudga murojaat qilish.

17. Boshqaruv muassisi:

shartnoma predmeti bo'lgan ko'chmas mulk obyekti, unga bo'lgan huquqlar haqidagi, o'zi va boshqa huquq egalari (uchinchi shaxslar) to'g'risidagi ishonchli hamda to'liq ma'lumotlar va hujjatlarni ishonchli boshqaruvchiga taqdim etishi;

shartnoma shartlariga muvofiq ishonchli boshqaruvchi xizmatlariga o'z vaqtida haq to'lashi;

shartnomani belgilangan tartibda davlat ro'yxatidan o'tkazishi;

agar shartnomada nazarda tutilgan bo'lsa, ishonchli boshqaruvchi tomonidan ko'chmas mulk obyektni ishonchli boshqarish chog'ida qilgan zarur xarajatlarning o'rnini qoplashi;

shartnoma doirasida o'z majburiyatlarining bajarilishini ta'minlashi shart.

8-bob. Ishonchli boshqaruvchining huquq va majburiyatlari

18. Ishonchli boshqaruvchi quyidagilarga haqli:

shartnomada nazarda tutilgan doirada ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektiga nisbatan mulkdor huquqlarini amalga oshirish;

boshqaruv muassisining (foyda oluvchining) manfaatlarini ko'zlab yuridik va amaliy harakatlarni amalga oshirish;

xizmatlar ko'rsatish uchun zarur bo'lgan hujjatlarni boshqaruv muassisidan so'rab olish;

ko'rsatilgan xizmatlar uchun shartnomada belgilangan miqdorda va tartibda haq olish;

ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektlarini reklama qilish;

davlat organlari va boshqa tashkilotlardan ishonchli boshqarishni amalga oshirish uchun zarur axborotni belgilangan tartibda olish;

boshqaruv muassisi tomonidan shartnoma shartlari buzilgan yoki bajarilmagan taqdirda shartnomaning bekor qilinishini talab qilish;

agar shartnomada nazarda tutilgan bo'lsa, ko'chmas mulk obyektni ishonchli boshqarish bilan bog'liq zarur xarajatlarning o'rnini qoplanishini talab qilish;

agar shartnomada nazarda tutilgan bo'lsa, ko'chmas mulk obyektni shartnomaning amal qilish muddatidan ortiq bo'lmagan muddatga ijaraga berish;

shartnomada yoki qonun hujjatlarida nazarda tutilgan hollardagina o'z nomidan boshqa shaxsga ko'chmas mulk obyektni boshqarish uchun zarur bo'lgan harakatlarni amalga oshirishni topshirish;

shartnomada nazarda tutilgan hollardagina ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektini garovga qo'yish.

19. Ishonchli boshqaruvchi o'zining rasmiy veb-saytiga ega bo'lishi mumkin va unda ishonchli boshqaruvchi to'g'risidagi batafsil ma'lumotlar, shu jumladan: uning rahbari;

rieltorning malaka sertifikatiga ega bo'lgan xodimlar;

fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish polisi;

ishonchli boshqaruvchi a'zo bo'lgan rieltorlik faoliyati sohasidagi professional jamoat birlashmasi to'g'risidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

20. Ishonchli boshqaruvchi ko'chmas mulk obyektini boshqarish sohasidagi harakatlarni amalga oshirish natijasida qo'lga kiritgan huquqlari shu ko'chmas mulk obyektini tarkibiga kiritiladi.

21. Ishonchli boshqaruvchi boshqaruv muassisining yozma roziligisiz ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektini bo'yicha affillangan shaxslar (ishonchli boshqaruvchining faoliyatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan shaxslar, yaqin qarindoshlar, shu jumladan ishonchli boshqaruvchining mulkdori, ta'sischi (ishtirokchisi), kreditori, sug'urtalovchisi, xodimi) bilan bitimlar tuzishga haqli emas.

22. Ishonchli boshqaruvchi:

boshqaruv muassisining (foyda oluvchining) talabiga binoan malaka sertifikatini ko'rsatishi;

ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarishni shartnoma shartlariga qat'iy amal qilgan holda amalga oshirishi;

ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish chog'ida boshqaruv muassisining (foyda oluvchining) huquq va manfaatlarini ifodalashi;

ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektlarini o'z mulkidan alohida ajratishi;

ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektining alohida hisobini yuritishi;

ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektining bozor qiymati o'zgarishiga olib kelishi mumkin bo'lgan harakatlarni (sotish, ijaraga berish, kapital ta'mirlash, rekonstruksiya qilish, modernizatsiyalash, kengaytirish, qayta jihozlash, reklama qilish va hokazo) boshqaruv muassisi (foyda oluvchi) bilan kelishishi;

shartnoma predmeti bo'lgan ko'chmas mulk obyektini, unga bo'lgan huquqlar haqidagi, boshqaruv muassisi va boshqa huquq egalari (uchinchi shaxslar) to'g'risidagi hujjatlarni tekshirishi;

ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektlari bilan bog'liq bitimlar tuzish chog'ida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan xavf-xatarlar, cheklovlar va oqibatlar haqida, shuningdek shartnoma shartlarini o'zgartirishi va keyinchalik mulk huquqining yo'qotilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan barcha ma'lum bo'lgan holatlar va faktlar to'g'risida boshqaruv muassisini o'z vaqtida xabardor qilishi;

boshqaruv muassisi va ko'chmas mulk obyektlari to'g'risidagi axborotning maxfiyligiga rioya etishi;

boshqaruv muassisiga va (yoki) foyda oluvchiga o'z faoliyati to'g'risidagi hisobotni shartnomada belgilangan muddatlarda va tartibda taqdim etishi;

manfaatlar to'qnashuvi yuzaga kelgan taqdirda boshqaruv muassisini (foйда oluvchini) bu haqida darhol xabardor qilishi va uni boshqaruv muassisining (foйда oluvchining) manfaatiga hal etish choralarini ko'rish;

o'z xodimlarining samarali ishlashi uchun zarur sharoitlarni yaratishga, kasbiy mahorat darajasini oshirish va yangi bilimlarni olish maqsadida rieltorning malaka sertifikatiga ega bo'lgan xodim(lar)ini qayta tayyorlash va malaka oshirish kurslariga yuborishi;

o'z faoliyatining barcha bosqichlarida Rieltorlarning professional xulq-atvori kodeksiga rioya qilishi shart.

9-bob. Boshqaruv muassisining ishonchli boshqaruvchi bilan o'zaro munosabatlari

23. Ishonchli boshqaruvchi boshqaruv muassisining talabiga ko'ra, quyidagilarni taqdim etishi kerak:

davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi guvohnoma;

xodimlarning malakasini tasdiqlovchi hujjatlar;

ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish bo'yicha xizmatlarni ko'rsatishda foydalaniladigan namunaviy shartnomalar, bayonnomalar, ishonchnomalar va boshqa hujjatlarning namunalari;

rieltorlik faoliyati sohasidagi professional jamoat birlashmalaridan biriga a'zolikni tasdiqlovchi hujjat;

o'zi a'zo bo'lgan rieltorlik faoliyati sohasidagi professional jamoat birlashmasining, shuningdek rieltorlik faoliyati sohasidagi vakolatli davlat organining rekvizitlari;

ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish bo'yicha xizmatlarni ko'rsatish tariflari va narxlari;

rieltorlik faoliyati sohasidagi professional jamoat birlashmasining muhri bilan tasdiqlangan shikoyatlar va takliflar daftari (ushbu daftar elektron shaklda yoki ishonchli boshqaruvchining rasmiy veb-saytida ham yuritilishi mumkin);

ishonchli boshqaruvchining fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish polisi.

24. Ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarishga topshirish uning bozor qiymatini saqlab qolish yoki ko'paytirish, undan samarali foydalanishni ta'minlash, belgilangan vazifalarni o'z vaqtida bajarish, boshqaruvdan olinadigan daromad darajasi va boshqa vazifalarni bajarishni o'z ichiga oladigan ishonchli boshqarishning samaradorligini baholash mezonlari (bundan buyon matnda baholash mezonlari deb yuritiladi) asosida amalga oshirilishi mumkin. Bunda baholash mezonlari aniq, o'lchanadigan va erishiladigan bo'lishi kerak.

25. Baholash mezonlari shartnomada belgilanishi yoxud shartnomaning amal qilish muddati davomida boshqaruv muassisi va ishonchli boshqaruvchining o'zaro kelishuvi asosida belgilanishi kerak.

Shartnomada baholash mezonlarining natijalarini tasdiqlash uchun mustaqil ekspertlar yoki auditorlarni jalb qilish imkoniyati nazarda tutilishi mumkin.

26. Ishonchli boshqarish jarayonida erishilgan moliyaviy natijalar, amalga

oshirilgan tadbirlar, ko'chmas mulk obyektining joriy holati va boshqaruvning boshqa jihatlari to'g'risidagi ma'lumotlarni o'zida mujassam etgan hisobot ishonchli boshqaruvchi tomonidan shartnomada nazarda tutilgan muddatlarda va tartibda boshqaruv muassisiga va (yoki) foyda oluvchiga taqdim etib boriladi.

27. Ishonchli boshqaruvchiga to'lanadigan haqning miqdori taraflarning kelishuviga ko'ra, qat'iy belgilangan shaklda va/yoki ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarishdan olingan daromaddan foiz ko'rinishida yoxud qonunchilikda nazarda tutilgan boshqacha tartibda belgilanadi.

28. Boshqaruv muassisi tomonidan ishonchli boshqaruvchiga shartnomada ayrim cheklovlar, jumladan ko'chmas mulk obyektining sotilishi, ijaraga berilishi, garovga qo'yilishini taqiqlash yoki qonunchilikka zid bo'lmagan boshqa majburiyatlar belgilanishi mumkin.

29. Ishonchli boshqaruvchi shartnomada nazarda tutilgan majburiyatlarini lozim darajada bajarilishining ta'minoti sifatida garov, bank kafolati kabi qo'shimcha kafolatlarni taqdim etishi mumkin.

30. Ishonchli boshqaruvchi ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarish jarayonida ayrim harakatlarni bajarish uchun uchinchi shaxslarni jalb qilishi mumkin. Ularning xatti-harakatlari (harakatsizligi) uchun ishonchli boshqaruvchi javobgar bo'ladi.

10-bob. Ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarish shartnomasiga qo'yiladigan talablar

31. Shartnoma yozma shaklda, ko'chmas mol-mulkni boshqa shaxsga berish haqidagi shartnoma uchun nazarda tutilgan shaklda va tartibda tuzilishi hamda qonunchilikda belgilangan tartibda davlat ro'yxatidan o'tkazilishi kerak.

Shartnoma shakliga yoki uni davlat ro'yxatidan o'tkazish talabiga rioya qilmaslik uning haqiqiy emasligini keltirib chiqaradi.

32. Shartnomada quyidagilar nazarda tutilishi kerak:

shartnoma tuzilgan sana va joy;

shartnoma predmeti;

shartnoma taraflarining nomi va rekvizitlari;

ishonchli boshqarishga topshirilayotgan ko'chmas mulk obyektining batafsil tavsifi (huquqni belgilovchi hujjatlar va ko'chmas mulk obyekti holatining foto va (yoki) videotasviri, barcha nuqsonlar va nosozliklar mavjudligi ilova qilingan holda);

ishonchli boshqaruvchining hisobotlar taqdim etish muddatlari;

shartnomaning amal qilish muddati;

hisob-kitob qilish tartibi;

taraflarning huquq va majburiyatlari;

shartnoma majburiyatlari bajarilmagan yoki lozim darajada bajarilmagan taqdirda taraflarning javobgarligi;

nizolarni hal etish tartibi;

ishonchli boshqaruvchida mavjud bo'lgan rieltorlarning malaka sertifikatini to'g'risidagi ma'lumotlar;

ishonchli boshqaruvchida fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish polisining mavjudligi to'g'risidagi ma'lumotlar;

shartnomani bekor qilish tartibi va shartlari;

shartnoma muddati tugaganidan keyin ishonchli boshqarish obyektini qaytarish va qabul qilib olish tartibi (uni qabul qilib oladigan shaxsni ko'rsatgan holda).

33. Shartnomaga quyidagilar ilova qilingan qabul qilish-topshirish dalolatnomasi ilova qilinadi:

ko'chmas mulk obyektiga huquqni belgilovchi hujjatlar;

ko'chmas mulk obyektining foto va (yoki) videotasvirlari;

kommunal xizmatlar, soliqlar va qonunchilikda belgilangan boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlikning yo'qligi to'g'risidagi ma'lumotnomalar. Bunday holatda elektr energiyasi, tabiiy gaz va suv hisoblagichlarining ko'rsatkichlari yozib olingan bo'lishi shart.

Agar ko'chmas mulk objekti bilan birga unda joylashgan mol-mulk ham topshiriladigan bo'lsa (masalan, mebellar, maishiy texnikalar va h.k.), topshirish-qabul qilish dalolatnomasiga ushbu mol-mulk(lar)ni inventarizatsiya qilish akti ham ilova qilinishi kerak.

Agar topshirilayotgan ko'chmas mulk objekti qurilishi tugallanmagan obyekt bo'lsa, u holda qabul qilish-topshirish dalolatnomasiga qurilishga ruxsatnoma va obyektning texnik holati to'g'risidagi xulosa ilova qilinishi lozim.

34. Shartnoma besh yildan ortiq bo'lmagan muddatga tuziladi. Shartnomaning amal qilish muddati tamom bo'lganida taraflardan biri shartnomani bekor qilish to'g'risida ariza bermagan va (yoki) shartnomada boshqacha tartib nazarda tutilmagan bo'lsa, shartnoma unda nazarda tutilgan muddatga va shartlar asosida uzaytirilgan deb hisoblanadi.

35. Shartnomaga taraflarning kelishuvi yoki qonunchilikka muvofiq boshqa shartlar ham kiritilishi mumkin.

11-bob. Ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarish shartnomasining bekor bo'lishi

36. Shartnoma quyidagi hollarda bekor bo'ladi:

taraflardan birining shartnoma muddati tugashi munosabati bilan shartnomani bekor qilish to'g'risidagi arizasiga muvofiq;

agar shartnomada boshqa hol nazarda tutilmagan bo'lsa, boshqaruv muassisi (foyda oluvchi) bo'lgan fuqaroning vafot etishi, boshqaruv muassisi (foyda oluvchi) bo'lgan yuridik shaxsning tugatilishi munosabati bilan;

ishonchli boshqaruvchi yuridik shaxs tugatilganida yoki u to'lovga qobiliyatsiz deb topilganida;

foyda oluvchi, agar shartnomada boshqacha tartib nazarda tutilmagan bo'lsa, shartnoma bo'yicha foydani olishdan bosh tortganida;

ishonchli boshqaruvchi boshqaruv muassisining manfaatlarini ko'zlab ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarishni shaxsan amalga oshirishi mumkin emasligi munosabati bilan boshqaruvni amalga oshirishdan bosh tortganida;

boshqaruv muassisi ishonchli boshqaruvchiga shartnomada kelishilgan haqni to‘lagan holda shartnomani bajarishdan bosh tortganida;

tarafilar o‘zining majburiyatlarini lozim darajada bajarmagan taqdirda shartnoma sudning qaroriga muvofiq bekor qilinganida;

qonunda yoki shartnomada nazarda tutilgan boshqa asoslarga ko‘ra.

37. Shartnoma bekor qilinganida ishonchli boshqarishda bo‘lgan ko‘chmas mulk obyekt, agar shartnomada boshqacha tartib nazarda tutilmagan bo‘lsa, boshqaruv muassisiga topshiriladi.

Shartnoma taraflardan birining tashabbusi bilan bekor qilinganida ikkinchi taraf, agar shartnomada boshqacha muddat belgilanmagan bo‘lsa, kamida uch oy oldin bundan xabardor qilib qo‘yilishi kerak.

12-bob. Ishonchli boshqarishda bo‘lgan ko‘chmas mulk obyektini ajratib chiqarish

38. Ishonchli boshqarishga topshirilgan ko‘chmas mulk obyekt boshqaruv muassisining boshqa mol-mulkidan, shuningdek ishonchli boshqaruvchining mol-mulkidan ajratiladi. Ushbu ko‘chmas mulk obyekt ishonchli boshqaruvchida alohida balansda aks ettiriladi va u bo‘yicha mustaqil hisob yuritiladi. Ishonchli boshqarish bilan bog‘liq faoliyat bo‘yicha hisob-kitob yuritish uchun alohida bank hisobvarag‘i ochiladi.

Ishonchli boshqaruvchiga ishonchli boshqarishga topshirilgan har bir obyekt bo‘yicha alohida “Obyekt ishi” (qog‘oz yoki elektron shaklda) yuritiladi, unga quyidagi hujjatlar kiritilishi kerak:

topshirish-qabul qilish dalolatnomalari (foto va (yoki) video materiallar bilan birga);

huquqni belgilovchi hujjatlarning nusxalari;

obyektning sug‘urtalash to‘g‘risidagi ma‘lumot (agar mavjud bo‘lsa);

obyektning texnik holati to‘g‘risidagi ma‘lumot (ko‘zdan kechirish aktlari, ta‘mirlash, texnik xizmat ko‘rsatish va jihozlash bo‘yicha amalga oshirilgan ishlar haqida ma‘lumotlar, agar bunday ishlar amalga oshirilgan bo‘lsa);

obyektga taalluqli bitimlar, sud nizolari haqidagi ma‘lumot, agar shunday ma‘lumotlar mavjud bo‘lsa;

obyekt bo‘yicha moliyaviy hisobotlar, shu jumladan ijaradan olingan daromadlar, obyektning saqlashga sarflangan mablag‘lar, kommunal xizmatlar uchun to‘lovlar, soliq xarajatlari;

obyektga tashriflar va uning holatini tekshirish bo‘yicha hisobotlar;

ijarachilar (mijozlarning) murojaatlari va ular bo‘yicha amalga oshirilgan choralar yuzasidan hisobotlar.

13-bob. Uchinchi shaxslarning huquqlari bo‘lgan ko‘chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish

39. Ishonchli boshqaruvchi shartnoma tuzilgunga qadar o‘ziga boshqarish uchun topshirilayotgan ko‘chmas mulk obyektiga uchinchi shaxslarning huquqlari borligi haqida xabardor qilib qo‘yilishi kerak. Ushbu shart buzilgan taqdirda

ishonchli boshqaruvchi shartnomani haqiqiy emas deb hisoblab, boshqaruv muassisidan haqiqiy zararni qoplashni va mutanosib haq to'lashni talab qilishga haqli.

40. Agar ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk obyektiga shartnoma tuzilganidan keyin uchinchi shaxslarning huquqlari paydo bo'lsa, ishonchli boshqaruvchi esa bu haqda o'n kunlik muddatda xabardor qilinmagan bo'lsa, u shartnomani bekor qilib, boshqaruv muassisidan o'ziga keltirilgan haqiqiy zararining qoplanishini va mutanosib haq to'lanishini talab qilish huquqiga ega.

14-bob. Taraflarning javobgarligi

41. Ishonchli boshqaruvchi o'zining aybi bilan ishonchli boshqarishga topshirilgan ko'chmas mulk objekti shikastlangan yoki qiymati pasaygan taqdirda yoxud uni samarasiz boshqarganlik yoki lozim darajada boshqarmaganlik oqibatida foyda oluvchiga obyektini ishonchli boshqarish vaqtida boy berilgan foydani, boshqaruv muassisiga esa yetkazilgan zararni, shuningdek boy berilgan foydani to'laydi.

42. Ishonchli boshqaruvchi ishonchli boshqarish bo'yicha o'ziga berilgan vakolatlardan chetga chiqqan yoki shartnomada belgilab qo'yilgan cheklashlarni buzgan holda tuzgan bitim bo'yicha majburiyatlarni shaxsan o'zi o'z hisobidan bajaradi.

43. Ishonchli boshqaruvchi quyidagilar natijasida ko'chmas mulk obyektiga yetkazilgan zarar uchun javobgar bo'lmaydi:

- fors-major holatlari yoki yengib bo'lmaydigan kuchlar ta'siri;
- foйда oluvchining yoki boshqaruv muassisining harakatlari;
- ko'chmas mulk obyektining tabiiy eskirishi.

44. Boshqaruv muassisi ko'chmas mulk obyektini ishonchli boshqarishga topshirishning qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibiga rioya etilishi, ko'chmas mulk obyektining ishonchli boshqaruvchiga ma'lum qilinmagan kamchiliklari yoki nuqsonlari hamda ishonchli boshqaruvchining xizmatlariga shartnomada belgilangan tartibda haq to'lanishi uchun ishonchli boshqaruvchining oldida javobgar bo'ladi.

15-bob. Yakuniy qoidalar

45. Mazkur standart talablarini buzganlikda aybdor shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

46. Mazkur standart bo'yicha yuzaga keladigan nizolar qonunchilikda belgilangan tartibda hal etiladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

705 Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3702*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон «Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор в.б.

У. ХУСАИНОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
5-2025-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Бошқарув
самарадорлиги агентлиги директорининг
2025 йил 3 ноябрдаги 5-2025-сон буйруғига
ИЛОВА

**Республика даражасидаги давлат органлари ва
ташкилотларининг ҳудудий ва туман (шаҳар)
даражасидаги бўлинмалари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмаларининг номланиши
1-боб. Ҳудудий даража	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
3.	Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармалари
4.	Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари
5.	Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармалари
6.	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси, Жиззах бош насос станцияси бошқармаси, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар, Оролбўйи дельта бошқармаси, Қирғоқ ҳимояловчи дамбалар ва ўзан ростловчи иншоотлар бошқармаси, Амударё Чапқирғоқ ҳимоя дамбалар бошқармаси, Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси, Аму-Бухоро машина каналдан фойдаланиш бошқармаси, Фарғона водийси магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси, Жанубий Мирзачўл каналдан фойдаланиш бошқармаси, Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси
7.	Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси
8.	Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва ҳудудий транспорт бошқармалари
9.	Қорақалпоғистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмалари*
10.	Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари

11.	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари
12.	Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари
13.	Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармалари
14.	Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари
15.	Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги бўлинмалари*
16.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари
17.	Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармалари
18.	Қорақалпоғистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари
19.	Дин ишлари бўйича қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари*
20.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари (бўлимлари)*
21.	Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари
22.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармалари
23.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ёшлар ишлари бошқармалари
24.	Миграция агентлигининг ҳудудий филиаллари*
25.	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари
26.	Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари*
27.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари
28.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳазначилик хизмати бошқармалари
29.	Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари
30.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармалари
31.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармалари
32.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари

33.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари
34.	Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва химояси бошқармалари
35.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари*
36.	Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги
37.	Гидрометеорология хизмати агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий марказлари*
38.	Қорақалпоғистон Республикаси Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармалари
39.	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари*
40.	Қорақалпоғистон Республикаси Касбий таълим агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касбий таълим бошқармалари
41.	«Қорақалпоқкино» агентлиги
42.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари
43.	Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари
44.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари*
45.	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари, Ангрэн кон-техника инспекцияси*
46.	Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмалари*
47.	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари*
2-боб. Туман (шаҳар) даражаси	
48.	Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимлари
49.	Туман (шаҳар) инвестициялар, саноат ва савдо бўлимлари*
50.	Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари
51.	Туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари*
52.	Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари, Тошкент шаҳрида — туман қурилиш бўлимлари ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари*
53.	Туман (шаҳар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимлари*
54.	Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари

55.	Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари
56.	Туман (шаҳар) маданият бўлимлари
57.	Туман (шаҳар) адлия бўлимлари*
58.	Туман (шаҳар) юридик хизмат кўрсатиш марказлари*
59.	Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари*
60.	Туман (шаҳар) ФХДЁ органлари*
61.	Туман (шаҳар) солиқ инспекциялари
62.	Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари*
63.	Туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлимлари
64.	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари*
65.	Туман (шаҳар) ғазначилик хизмати бўлимлари*
66.	Туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари
67.	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари
68.	Кадастр агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари*
69.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимлари
70.	Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг туманлар (Қувасой шаҳар) лойиҳа офислари*

Изоҳ: *алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ташкилотлар.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

706 Dori vositalarining asosiy farmakologik ko‘rsatkichlarini o‘z ichiga oluvchi klassifikatorlarni tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3703*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 19-avgustdagi PF–137-son «Dori vositalari va tibbiy jihozlar muomalasini tartibga solishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Dori vositalarining asosiy farmakologik ko‘rsatkichlarini o‘z ichiga oluvchi klassifikatorlar ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 21-oktabr,
12-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo‘yicha vakil o‘rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 18-sentabr

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 15-sentabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-noyabrda e‘lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

707 “Bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2868-4*

O‘zbekiston Respublikasining Bojxona kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasining 2017-yil 8-fevraldagi 01-02/8-4-son “Bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2868, 2017-yil 14-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 11-son, 176-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil va O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 3-noyabr,
298-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo‘yicha vakil o‘rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 7-oktabr

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 8-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 13-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
3-noyabrdagi 298-son buyrug'iga
ILOVA

**“Bojxona qiymati deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi
yo'riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. Qarorda:

a) qaror nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“O'zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kiriladigan
tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to'ldirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida”;**

b) 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. O'zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kiriladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.”.

2. Yo'riqnomada:

a) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“O'zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kiriladigan
tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to'ldirish
tartibi to'g'risidagi
YO'RIQNOMA”;**

b) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Yo'riqnoma O'zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kiriladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini (bundan buyon matnda BQD deb yuritiladi) to'ldirish tartibini belgilaydi.”;

d) 14-bandning 24-kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24) 14-grafa.

Sotib oluvchi tomonidan bitim narxiga kiritilmagan miqdorda bepul yoki arzonlashtirilgan narxda bevosita yoxud bilvosita ko'rsatiladigan quyidagi xizmatlarning va yetkazib beriladigan boshqa tovarlarning tegishli tarzda taqsimlangan qiymati ko'rsatiladi:

olib kiriladigan tovarlar qaysi xomashyo, materiallar, detallar, yarim tayyor mahsulotlar va boshqa tovarlardan ishlab chiqilgan (iborat) bo'lsa, o'sha xomashyo, materiallar, detallar, yarim tayyor mahsulotlar va boshqa tovarlar;

olib kiriladigan tovarlarni ishlab chiqarishda foydalanilgan asboblari, shtamplar, qoliqlar va boshqa shu kabi tovarlar;

olib kiriladigan tovarlarni ishlab chiqarishda sarflangan materiallar;

bojxona hududidan tashqarida tayyorlangan va olib kiriladigan tovarlarni ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan loyihalashtirish, ishlab chiqish, muhandislik, konstruktorlik ishlari, dizayn, eskizlar va chizmalar.”;

e) 1-ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kiriladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga
1-ILOVA”;

f) 2-ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kiriladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga
2-ILOVA”;

g) 3-ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kiriladigan tovarlarning bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga
3-ILOVA”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING
QARORI

708 “Yuqori byudjetdan quyi byudjetlarga o‘tkazib beriladigan daromadlarni rejalashtirish, ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2102-1*

O‘zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksi va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2009-yil 22-dekabrda PQ–1245-son “O‘zbekiston Respublikasining 2010-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari va davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Davlat soliq qo‘mitasining 2010-yil 6-aprelda 27, 2010-17-son “Yuqori byudjetdan quyi byudjetlarga o‘tkazib beriladigan daromadlarni rejalashtirish, ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2102, 2010-yil 12-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 18-19-son, 143-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 30-oktabr,
297-son

Soliq qo‘mitasi raisi

SH. KUDBIYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-oktabr,
2025-21-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-noyabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining
2025-yil 30-oktabrdagi 297-son va
Soliq qo‘mitasining 2025-yil 15-oktabrdagi
2025-21-son qaroriga
ILOVA

“Yuqori byudjetdan quyi byudjetlarga o‘tkazib beriladigan daromadlarni rejalashtirish, ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Qarorning muqaddimasidagi “Byudjet tizimi to‘g‘risida”gi Qonuni (O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2001-y., 1-2-son, 6-modda) va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2009-yil 22-dekabrda PQ–1245-son “O‘zbekiston Respublikasining 2010-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi qaroriga (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 52-son, 560-modda)” degan so‘zlar “Byudjet kodeksi va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2009-yil 22-dekabrda PQ–1245-son “O‘zbekiston Respublikasining 2010-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi qaroriga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom yuqori byudjetdan quyi byudjetlarga mazkur hududlarda shakllangan o‘tkazib beriladigan daromadlarni rejalashtirish, ajratish tartibini belgilaydi.”;

2) 1-banddagi “iqtisodiyot va moliya boshqarmalari” degan so‘zlar “iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 2-bandning birinchi xatboshisidagi “navbatdagi moliya yili uchun asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar prognozi va O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti parametrlarini tasdiqlash jarayonida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasining navbatdagi yil uchun “O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to‘g‘risida”gi Qonuni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 3-banddagi “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Jo‘qorg‘i Kengesi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimiyati vakillik organlari” degan so‘zlar “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Jo‘qorg‘i Kengesi, xalq deputatlari viloyatlar va Toshkent shahar Kengashlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

5) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. O‘zbekiston Respublikasi respublika byudjetidan tegishli byudjetlarga o‘tkazib beriladigan daromadlarni ajratish O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan respublika budjetining yagona g‘azna hisobvarag‘idan amalga oshiriladi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi respublika byudjetidan, viloyatlar byudjetlaridan va Toshkent shahrining shahar byudjetidan quyi byudjetlarga esa, tegishli Qoraqalpog‘iston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi va

viloyatlar (Toshkent shahri) iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari tomonidan tegishli shaxsiy g'azna hisobvaraqlaridan amalga oshiriladi.”;

6) 13-banddagi “Qoraqalpog‘iston Respublikasi byudjetiga, mahalliy byudjetlarga byudjet ssudalarini berish va olingan byudjet ssudalarini qaytarish tartibi to‘g‘risidagi Nizomga (ro‘yxat raqami 1052, 2001-yil 19-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralarining me‘yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2001-y., 14-son)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 140-moddasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 15-banddagi “moliya boshqarmalari” degan so‘zlar “iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8) 16-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Qoraqalpog‘iston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari o‘tkazib beriladigan daromadlarni o‘tkazish bilan bir vaqtda har oy, O‘zbekiston Respublikasi respublika byudjetiga ajratma qilingan va tegishli tumanlar (shaharlar) hududida shakllangan, Qoraqalpog‘iston Respublikasi byudjetiga, viloyatlar byudjetlariga va Toshkent shahrining shahar byudjetiga soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarning haqiqiy tushumlari summalarini tegishli hududlar soliq boshqarmalarining ma‘lumotlari asosida tahlil qiladi.”;

9) 17-banddagi “iqtisodiyot va moliya boshqarmalari” degan so‘zlar “iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

10) 18-banddagi “Qoraqalpog‘iston Respublikasi budjetiga, mahalliy byudjetlarga byudjet ssudalarini berish va olingan byudjet ssudalarini qaytarish tartibi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 1052, 2001-yil 19-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralarining me‘yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2001-y., 14-son)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 140-moddasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING
ҚАРОРИ

709 Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг «Давлат аудити» дастурий комплексидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3704*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ–6300-сон «Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2024 йил 10 июлдаги ПФ–100-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси **қарор қилади:**

1. Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг «Давлат аудити» дастурий комплексидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис биринчи ўринбосари

М. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 5 ноябрь,
95-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ж. КУЧКАРОВ

2025 йил 6 октябрь

Рақамли технологиялар вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2025 йил 16 октябрь

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2025 йил 13 октябрь

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатасининг 2025 йил 5 ноябрдаги
95-сон қарорига
ИЛОВА

Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг «Давлат аудити» дастурий комплексидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (бундан буён матнда Ҳисоб палатаси деб юритилади) «Давлат аудити» дастурий комплексидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Давлат аудити» дастурий комплекси (бундан буён матнда «Давлат аудити» дастури деб юритилади) — давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг назорат (аудит) тадбирларини рўйхатга олиш, назорат (аудит) тадбирларининг натижаларини жамлаш, сақлаш, ишлов бериш ҳамда ҳисоботлар шакллантириш имконини берувчи Ҳисоб палатасининг ахборот тизими;

давлат молиявий назорат органлари — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг тасарруфидаги ваколатли органлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси;

давлат органлари ва ташкилотлари — ички аудит хизмати ташкил этилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат мақсадли жамғармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда бошқа бюджет ташкилотлари;

ички аудит хизмати — давлат органлари ва ташкилотларида ички аудит фаолиятини амалга оширувчи ҳамда бошқа таркибий тузилмалардан мустақил таркибий бўлинма;

назорат (аудит) тадбирлари — давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари ходимлари томонидан давлат молиявий назорати ва ички аудит хизмати мақсадларига эришишга қаратилган назорат (аудит) объектида, шу жумладан масофавий равишда амалга ошириладиган жараён;

назорат (аудит) тадбирлари натижалари — давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизмати ходимлари томонидан назорат (аудит) объектларида, шу жумладан масофавий равишда ўтказилган назорат (аудит) тадбирларида аниқланиб, уларнинг якуни бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларда акс эттирилган маълумотлар;

фойдаланувчи субъектлар — «Давлат аудити» дастуридан фойдала-

нувчи давлат молиявий назорат органлари ҳамда ички аудит хизмати ходимлари;

администратор — «Давлат аудити» дастурига ҳуқуқий эгаллик қилувчи, кириш ҳуқуқларини ва ундан фойдаланишни бошқарувчи ва назорат қилувчи Ҳисоб палатаси;

техник администратор — «Давлат аудити» дастурини техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириб боришни амалга оширувчи ташкилот;

оператор — давлат молиявий назорат органлари ҳамда ички аудит хизматининг «Давлат аудити» дастурида рўйхатдан ўтган ва ҳужжатларни яратиш, маълумотларни киритиш, таҳрирлаш, янгилаб бориш, ҳисобини юриштиш ва бошқа амалларни бажариш ваколати берилган масъул ходимлари.

2. «Давлат аудити» дастуридан фойдаланишнинг мақсади давлат органлари ва ташкилотларида бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини таҳлил қилиш, такрорий ва асоссиз молиявий назорат (аудит) тадбирларининг олдини олиш мақсадида уларнинг самарадорлигини ошириш учун давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг назорат (аудит) тадбирларига доир маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш орқали ҳисоб ва ҳисобот жараёнини автоматлаштиришдан иборат.

3. Қуйидагилар «Давлат аудити» дастуридан фойдаланишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

назорат (аудит) тадбирларини рўйхатга олиш;

давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг йиллик иш режаларига киритиладиган назорат (аудит) тадбирларини мажбурий тартибда Ҳисоб палатаси билан келишиш;

давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг назорат (аудит) объектлари, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлари тўғрисида маълумотлар (вазифа ва функциялари, ташкилий тузилмаси, штат бирликлари, ходимлар) базасини шакллантириш;

назорат (аудит) тадбирлари натижаларини тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш орқали ҳисоботларни шакллантириш;

назорат (аудит) объектлари томонидан назорат (аудит) тадбирлари бўйича ёзма фикр билдириш;

фуқаролар иштирокида ўтказиладиган назорат (аудит) объектларини аниқлаш;

назорат (аудит) объектларига кўрсатмалар юбориш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

назорат (аудит) тадбирлари натижалари юзасидан тегишли давлат органларига хабарномалар юбориш имконини яратиш.

2-боб. Фойдаланувчи субъектларни «Давлат аудити» дастурида рўйхатдан ўтказиш

4. «Давлат аудити» дастурида қуйидагилар фойдаланувчи субъектлар сифатида рўйхатдан ўтказилади ва уларга қуйидаги кириш ҳуқуқлари берилади:

давлат молиявий назорат органлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбари ва ўринбосари учун — «тасдиқловчи» ҳуқуқи;

давлат молиявий назорат органлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари ўринбосари, таркибий бўлинмалари бошликлари учун — «маъқулловчи» ҳуқуқи;

давлат молиявий назорат органлари ҳамда ички аудит хизмати ходимлари (2 нафаргача) учун — «оператор» ҳуқуқи;

давлат молиявий назорат органлари ҳамда ички аудит хизматининг «оператор» ҳуқуқи берилмаган ходимлари учун — «фойдаланувчи» ҳуқуқи.

5. Давлат молиявий назорат органлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан «Давлат аудити» дастурида рўйхатдан ўтказиш учун Ҳисоб палатасига сўровнома тақдим этилади. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

фойдаланувчи субъектларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

фойдаланувчи субъектларнинг лавозими ва улар фаолият юритувчи бўлинманинг номи;

фойдаланувчи субъектларнинг паспорт (ID-карта) серияси ва рақами;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган кириш ҳуқуқлари рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматлари ходимларининг малака сертификати рақами;

фойдаланувчи субъектларнинг электрон почта манзили.

6. «Давлат аудити» дастурида ходимларни оператор сифатида рўйхатдан ўтказиш ва шахсий кабинетни очиш учун давлат молиявий назорат органлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг ходимга «оператор» вазифаси юклатилган буйруғи нусхаси сўровномага илова қилиниши лозим.

7. Фойдаланувчи субъектларни «Давлат аудити» дастурида рўйхатдан ўтказиш сўровнома тақдим этилган кундан бошлаб икки иш кунидан кечиктирмасдан Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилади.

8. Тақдим этилган сўровномада мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган маълумотлар бўлмаса ёки тўлиқ кўрсатилмаган бўлса Ҳисоб палатаси томонидан фойдаланувчи субъектларни «Давлат аудити» дастурида рўйхатдан ўтказиш рад этилади.

9. Давлат молиявий назорат органлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фойдаланувчи субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун камчиликларни бартараф этган ҳолда такроран сўровнома тақдим этиши мумкин.

10. Мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари мавжуд бўлмаса, фойдаланувчи субъектлар «Давлат аудити» дастурида рўйхатдан ўтказилади ҳамда шахсий кабинет очилади.

11. Фойдаланувчи субъектларнинг «Давлат аудити» дастуридаги шахсий кабинетида қуйидаги маълумотлар сақланиши шарт:

фойдаланувчи субъектнинг идентификатори (ID-рақами);

шахсий кабинетнинг яратилган санаси ва вақти;

фойдаланувчи субъектнинг лавозими ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари.

12. «Давлат аудити» дастуридан рўйхатдан ўтказилган фойдаланувчи субъектлар ушбу дастурдаги шахсий кабинетига Ягона идентификация тизими (OneID) ёки электрон рақамли имзо орқали кириш ҳуқуқига эга бўлади, бунда дастурга ўзига тегишли бўлмаган Ягона идентификация тизими (OneID) ёки электрон рақамли имзо орқали кириш тақиқланади.

13. Давлат молиявий назорат органлари, давлат органлари ва ташкилотлари фойдаланувчи субъектлари билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, улар бошқа лавозимга ўтказилганда ёки уларнинг «Давлат аудити» дастуридан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши ёхуд ўзгаришига сабаб бўладиган бошқа ҳолатлар юз берган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида Ҳисоб палатасини ёзма хабардор қилиши керак.

Бунда, Ҳисоб палатаси томонидан йигирма тўрт соат ичида фойдаланувчи субъектларнинг «Давлат аудити» дастурига кириш ҳуқуқлари янгиланади ёки уларнинг шахсий кабинети блокланади ҳамда архивга кўчирилади ва камида бир йил давомида сақланади.

14. «Давлат аудити» дастуридан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган шахслар ўрнига бошқа фойдаланувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш ушбу бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. «Давлат аудити» дастуридан фойдаланиш тартиби

15. Фойдаланувчи субъектлар «Давлат аудити» дастуридан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг уч иш куни ичида оператор томонидан ушбу дастурга тегишли давлат молиявий назорат органи, давлат органи ёки ташкилотининг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили, вазифа ва функциялари, таркибий тузилмаси, штат жадвали, давлат молиявий назорат органи ёки ички аудит хизмати ходимлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар киритилади ҳамда доимий равишда янгилаб борилади.

16. Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг келгуси йил учун йиллик режалари (дастурлари) лойиҳаларини «Давлат аудити» дастурида шакллантириш, келишиш ва тасдиқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) келгуси йил учун йиллик режа (дастур) лойиҳаси ҳар йили декабрь ойининг 10-санасига қадар шакллантирилади ва Ҳисоб палатасига келишиш учун йўналтирилади;

б) Ҳисоб палатаси келишиш учун келиб тушган йиллик режа (дастур) лойиҳасини назорат (аудит) объектида ўтказилиши режалаштирилган назорат (аудит) тадбирлари такрорланмаслиги ва асосланганлиги нуктаи назардан беш иш куни ичида кўриб чиқади.

Бунда:

давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг йиллик режасида (дастурида) айни бир объектда бир хил масала юзасидан назорат (аудит) тадбирини ўтказиш режалаштирилган бўлса, ушбу назорат (аудит) тадбири такрорий ҳисобланади (бундан мавжуд жиноят ишлари до-

ирасида ўтказиладиган назорат тадбирлари бундан мустасно) ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан йиллик режани (дастурни) келишиш рад этилади;

давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан объектда назорат (аудит) тадбирини ўтказиш учун муайян асослар (қонунчиликдаги мажбурий талаб, хавф таҳлили натижалари) мавжуд бўлмаса, назорат (аудит) тадбирини ўтказиш асоссиз деб ҳисобланади ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан йиллик режани (дастурни) келишиш рад этилади;

в) келишиш рад этилган йиллик режага (дастурга) давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан тегишли тузатишлар киритилган ҳолда Ҳисоб палатасига келишиш учун қайта юборилади;

г) кўриб чиқилган йиллик режа (дастур) Ҳисоб палатаси томондан келишилади;

д) Ҳисоб палатаси билан келишилган йиллик режа (дастур) давлат молиявий назорат органи, давлат органи ёки ташкилотининг раҳбари томонидан ҳар йили декабрь ойининг 25-санасига қадар тасдиқланади.

17. Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг йиллик режасига (дастурига) ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Бунда, Ҳисоб палатаси томонидан келишилган йиллик режага (дастурга) ўзгартиришлар давлат молиявий назорат органи, давлат органи ёки ташкилотининг раҳбари томонидан шу куннинг ўзида тасдиқланиши лозим.

Йиллик режага (дастурга) ўзгартириш киритиш асосли бўлиши лозим.

18. Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан назорат (аудит) тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги буйруқлар «Давлат аудити» дастурида яратилади ҳамда улар тасдиқланганидан сўнг ушбу дастурда автоматик равишда рўйхатга олинади ва рақам берилади.

19. «Давлат аудити» дастурида яратилган буйруқлар ушбу дастурнинг ўзида ёки «ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ҳужжат айланиш тизими орқали тасдиқланиши мумкин.

20. «Давлат аудити» дастурида рўйхатга олинмаган назорат (аудит) тадбирлари ноқонуний ҳисобланади.

21. Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан ўтказилган назорат (аудит) тадбирларига доир барча ҳужжатлар ахборот тизимида жамланади, бундан давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мустасно.

Бунда, назорат (аудит) тадбирлари ҳисоботи (далолатнома, маълумотнома) тасдиқланганидан сўнг назорат (аудит) тадбирига оид ҳужжатлар ва маълумотлар уч иш кунидан кечиктирмасдан «Давлат аудити» дастурига киритилиши лозим.

22. Ички аудит хизматлари томонидан Ҳисоб палатасининг «Масофавий аудит» ахборот тизими орқали юборилган риск-таҳлилларни ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар ўн кун ичида «Давлат аудити» дастурига киритилади.

23. Ички аудит хизматлари «Давлат аудити» дастури орқали бир иш куни ичида қуйидаги ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокура-

тураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекциясини хабардор қилади:

ўзи аниқлаган ва ваколати доирасида ҳал этиш имкони бўлмаган бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари;

аниқланган бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари, молиявий хато ва камчиликлар, мақсадсиз ва ноқонуний харажатлар, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомади;

жиноят аломатлари, коррупцияга доир ҳуқуқбузарликлар аломатлари (шу жумладан, ички аудит тадбирини амалга оширган шахслар томонидан) аниқланган тақдирда, тегишли чоралар кўриш (ҳужжатлаштириш, олдини олиш чораларини кўриш) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материалларни юбориш юзасидан.

24. Назорат (аудит) тадбирлари материалларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилганлиги, тузилган маъмурий баённомалар ва судлар томонидан қўлланилган маъмурий жазо чоралари тўғрисидаги маълумотлар оператор томонидан «Давлат аудити» дастурига уч иш куни ичида киритилади.

25. «Давлат аудити» дастури орқали фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектларни ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июндаги 326-сон «Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан аниқланади ҳамда натижалари эълон қилиб борилади.

26. Назорат (аудит) тадбирлари натижалари бўйича назорат (аудит) объектларига ёки улардан юқори турувчи органларга киритиладиган кўрсатма, тақдимнома, таклиф ва тавсиялар «Давлат аудити» дастури орқали юборилади ҳамда уларнинг ижроси давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан мониторинг қилинади.

27. Назорат (аудит) тадбирлари натижалари ҳамда давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматларининг самарадорлиги бўйича ҳисоботлар «Давлат аудити» дастурига киритилган маълумотлар асосида автоматик равишда шаклланади.

28. «Давлат аудити» дастурига маълумотларнинг ўз вақтида ва тўғри киритилишини таъминлашга давлат молиявий назорат органлари ҳамда ички аудит хизмати раҳбарлари масъул ҳисобланади.

4-боб. Техник администраторнинг вазифалари

29. Техник администратор «Давлат аудити» дастурини техник қўллаб-қувватлаш ва ахборот хавфсизлиги учун масъул ҳисобланади.

30. Қуйидагилар техник администраторнинг вазифалари ҳисобланади:

техник қўллаб-қувватлаш орқали «Давлат аудити» дастурининг барқарор, узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлаш;

тизимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот хавфсизлиги бўйича

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида фаолият юритишини таъминлаш;

тизимнинг ахборот хавфсизлигини ҳамда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

Ҳисоб палатаси томонидан тақдим этилган таклифлар асосида «Давлат аудити» дастурини такомиллаштириш ва унинг техник созиламаларини ўзгартириш.

5-боб. Операторнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

31. «Давлат аудити» дастурида ҳужжатлар ва маълумотларни яратиш, киритиш, юклаш, таҳрирлаш, қайта ишлаш, юбориш, ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар чиқариш оператор томонидан амалга оширилади.

32. Қўйидагилар операторнинг вазифалари ҳисобланади:

давлат молиявий назорат органлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларига оид мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган маълумотларни ўз вақтида киритиш, янгилаш ва таҳрир қилиш;

назорат (аудит) тадбирлари тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўз вақтида яратиш, киритиш, юклаш, таҳрирлаш, қайта ишлаш, юбориш ва қабул қилиш;

аниқланган хатолар ёки носозликлар ҳақида Ҳисоб палатасига хабар бериш.

33. Оператор:

ўз ваколатлари доирасида «Давлат аудити» дастуридан фойдаланиш;

хизмат вазифалари учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

администратордан ва техник администратордан ёрдам сўраш;

«Давлат аудити» дастури бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

34. Оператор:

ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

«Давлат аудити» дастури орқали қонунчиликка зид ҳаракатларни амалга оширмаслик;

киритилган ҳужжат ва маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши, ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлаш;

Ҳисоб палатасининг мазкур Низомда назарда тутилган қонуний талабларига амал қилишга мажбур.

6-боб. Яқуний қоида

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

710 Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати ҳамда республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3705*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон «Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Қўйидагиларга иловага** мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон Фармони билан тасдиқланган Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Директор в.б.

У. ХУСАИНОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 ноябрь,
6-2025-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 24-oktabrdagi 25/3-son "O'zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo'lishi qoidalari to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3294-3.

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 27-oktabrdagi 26/10-son "Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3420-2.

3. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 5-noyabrdagi 24-mh-son "Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3467-6.

4. O'zbekiston Badiiy akademiyasi raisining 2025-yil 22-oktabrdagi I-108-son "Turkum ijodiy asarlarni davlat buyurtmasi asosida yaratish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3699.

5. O'zbekiston Respublikasining Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 28-avgustdagi 1-son "Ipoteka obligatsiyalarini chiqarish sohasida "Tartibga solish qumdoni" maxsus huquqiy rejimi doirasida ipoteka obligatsiyalarining emissiyasi va muomalasi to'g'risidagi vaqtinchalik nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3700.

6. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 17-oktabrdagi 01/11-14/45-son "O'zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (4-son RXMS) "Ko'chmas mulk obyektlarini ishonchli boshqarish"ni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3701.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги директорининг 2025 йил 3 ноябрдаги 5-2025-сон "Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий ва туман

(шаҳар) даражасидаги бўлинмалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3702.

8. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 21-oktabrdagi 12-son “Dori vositalarining asosiy farmakologik ko‘rsatkichlarini o‘z ichiga oluvchi klassifikatorlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3703.

9. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 298-son “Bojxona qiymati deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2868-4.

10. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 30-oktabrdagi 297-son va Soliq qo‘mitasining 2025-yil 15-oktabrdagi 2025-21-son “Yuqori byudjetdan quyi byudjetlarga o‘tkazib beriladigan daromadlarni rejalashtirish, ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori.

2025-yil 12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2102-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2025 йил 5 ноябрдаги 95-сон “Давлат молиявий назорат органлари ва ички аудит хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг «Давлат аудити» дастурий комплексидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2025 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3704.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги директорининг 2025 йил 11 ноябрдаги 6-2025-сон “Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати ҳамда Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3705.

